

**ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УЎК: 42:371.3:371.035**

ҚУРБОНОВА ДИЛНОЗА АРСЛАНОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА МАДАНИЯТЛАРАРО
БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Р.М. Медетова,
п.ф.д. (DSc), доцент**

Жиззах – 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш ижтимоий-психологик муаммо сифатида..	13
1.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари.....	31
1.3-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича хорижий тажрибалар ва уларни оммалаштириш.....	43
1-боб бўйича хулосалар.....	56
II БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ	58
2.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш мазмуни.....	58
2.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга қўйиладиган педагогик талаблар.....	71
2.3-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш усуллари, методлари, механизмлари.....	80
2-боб бўйича хулосалар.....	98
III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ	102
3.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси.....	102
3.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари самарадорлигининг статистик таҳлили.....	109
3-боб бўйича хулосалар.....	133
ХУЛОСА	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	139
ИЛОВАЛАР	149

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чет тили дарсларида ўқувчиларда бағрикенглик, маданиятлараро бағрикенглик тушунчаларини ҳосил қилиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ижтимоий-маънавий кадрият сифатида шакллантириш ва унинг педагогик имкониятларини кенгайтиришнинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги бугунги кунга қадар бир қанча олимлар томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган. Рақамли таълим, рақамли иқтисодиёт шароитида умумтаълим мактабларида ўқувчиларига тил ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларга тил билан уйғун ҳолда дунё маданиятини ўргатишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хорижий тил ва маданиятини ўқувчиларга ўргатиш орқали ўқувчиларни тил ўрганишга бўлган кўникмаларини ва қизиқишларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида замонавий меҳнат бозори талаблари асосида таълим жараёнларини ташкил этиш, ўқитишни янги стратегияларга мослаштириш, таълимий ахборот базасининг касбий фаолиятга алоқадор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивацияни шакллантириш, ўқувчи маънавиятини ривожлантириш, маданиятлараро бағрикенглик муҳим ахлоқий меъёр сифатида ҳар бир шахсда шаклланиши лозимлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда технология таълимининг методик таъминотини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида мактаб ўқувчиларини хорижий тилларни ўрганиши юзасидан кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

“умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”¹ бўйича муҳим вазифаларни белгилаб беради. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантиришда чет тили дарслари алоҳида аҳамият касб этади. Маданиятлараро бағрикенглик муносабатларига хорижий тилларни ўқитишнинг ажралмас қисми сифатида қаралишига иккита асосий сабабни кўрсатиш мумкин. Биринчиси: инглиз тилининг халқаро ўринга эга бўлиши, яъни турли хил жабҳаларда мулоқот калити сифатида бўлса, иккинчиси, глобализация, ўзга маданият аҳолисининг бошқа маданий шароитга кўчиши туфайлидир. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг чет тили кўникмалари билан бирга маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, унинг интеграциялашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, бунда чет тили таълимининг методик имкониятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг таълимга бўлган замонавий ёндашуви 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли ва Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 22.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижро механизмларини такомиллаштиришга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши Ф1. Жамиятнинг ривожланиши, иқтисодиёт рақобатбардошлиги (маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, таълим тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг фундаментал асосларини тадқиқ этиш) Давлат дастури асосида бажарилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида амалга оширилган ФЗ-2016-0909111822-сонли “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” номли фундаментал тадқиқот лойиҳаси (2017-2020 йй.) ҳамда Жиззах политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий–психологик хусусиятлари” (2017-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа ва “AIF 1/4–“Касб ҳунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича қўшма ўқув лаборатория яратиш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги халқаро амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихга назар ташласак, Абу Али ибн Сино, Абу Исо ат Термизий, Абу Наср Фаробий, Алишер

Навоий, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Хожиб кабилар ўз асарларида бағрикенгликка доир ўз қараш ва таълимотларини баён қилганлар. Бағрикенлик, бағрикенгликнинг шаклланиши, маданиятлараро бағрикенглик, бағрикенглик механизмлари, маданиятлараро муносабатлар бўйича мамлакатимизда А.Абдурахимова [27], Г.Р.Акрамова [21], А.Ж.Атажонова [29], А.Э.Исламов [48], Р.Х.Муртазаева [133], Р.М.Медетова [65], Г.Наврўзова [69], М.Ҳамдамова [118], Қ.П.Қабулов [110], Г.Қўшақова [107], З.Р.Қодирова [104], У.Кудратова [112], Г.Ҳ.Тиллаева [94], А.Ж.Шарипов [104] каби фан доктори ва фан номзодлари томонидан бир нечта илмий мақолалар чоп этилган. Шу билан бирга, ўзбек олимларидан Г.Р. Акрамова 2007 йилда “Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари” [21] ва Г.Э.Каримова 2003 йилда “Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш” [50] номли номзодлик диссертация ишларини ҳимоя қилган.

Ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантириш соҳасида МДХ давлатларида Г.М.Андреева [26], Т.А.Баклашова [41], Е.М.Борисенко [32], Е.М.Галишникова [41], А.Э.Исламов [48], А.Зарипов [43], Л.Закирова [43], Д.В.Зиновьев [44], В.М.Золотухин [45], З.Кабылбекова [55], О.В.Казакова [53], Н.Н.Колмагорцева [60], Н.Б.Крилова [52], Л.Левина [61], О.Лукмонова [61], А.Медушевский, И.В.Миротворская [64], С.А.Петунова [48], Б.Риэрдон [75], Л.Романовская [61], Л.В.Скворцов [78], О.Б.Скрябина [79], Е.М.Смирнова [81], П.В.Степанов [86], Г.Д.Томахин [89], В.А.Тишков [90], Т.Ю.Фадеева [100], И.И.Халеева [121], Л.В.Хафизова [41], Б.А.Шамхалова [124] кабилар томонидан бир қатор илмий ишлар бажарилган. Рус олимларидан Р.Р. Валитова 1997 йилда “Толерантность как этическая проблема” мавзусида [36], И.В. Крутова 2002 йилда “Формирование у старшеклассников отношения толерантности как социально значимой ценности в обучении гуманитарным дисциплинам” номли [54] ва

О.Б.Скрябина “Педагогические условия формирования коммуникативной толерантности у старшеклассников“ [79] мавзуларида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Хорижлик олимлар томонидан миллатлараро бағрикенглик, дарсларда миллатлараро ва маданиятлараро бағрикенглик масалалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Америка Қўшма Штатларидан Э.Д.Элстон [28], Буюк Британиядан М.Г.Магдалена [67], Европа Иттифоқидан Ж.М.Валдес [37], М.Дорн [66], М.Г.Фитзгералд [102] кабилар маданиятлараро бағрикенглик ва бағрикенглик устида ишлашган. Бирок “Инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш механизмлари” мавзуси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг мақсади: инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларини яратишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик-психологик шарт-шароитларни аниқлаштириш ва таҳлил қилиш;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик тизими такомиллаштириш ва маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси мазмуни аниқлаштириш;

чет тили фани ўқитувчилари томонидан қай даражада ушбу тушунчага тўхталиб ўтилишини ўрганиб чиқиш ва инглиз тили дарслари амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари, педагогик имкониятлари, нутқ кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзиш ва тинглаб тушуниш) ҳамда тил компетенциялар тизимини оптималлаштириш асосида такомиллаштириш;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир усуллар, методлар ва механизмларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти: инглиз тили дарсларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш орқали ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш жараёни.

Тадқиқот предмети: дарсларда бағрикенглик компетенциясини шакллантириш методлари, усуллари ва механизмлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), педагогик-социологик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома) ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни самарали шакллантиришга хизмат қиладиган педагогик-психологик шарт-шароитлар асосланган ва шунга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик тизими такомиллаштирилган ҳамда маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси мазмуни аниқланган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш йўллари кўрсатиб берилиб, амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари, педагогик имкониятлари, нутқ кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзиш ва тинглаб тушуниш) ҳамда тил компетенциялар тизимини оптималаштириш асосида такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг механизмлари ўқувчиларнинг шахсий сифатларини

интеллектуал ривожланиш траекторияси билан инглиз тили таълими интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилиб, унинг самарадорлик даражаси кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаларидан иборат:

инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш усуллари, методлари ва механизмлари такомиллаштирилган;

инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича тавсиялар ҳамда ўқувчиларга мотивация берувчи топшириқлар такомиллаштирилган;

миллий қадриятлар ҳамда тарихий меросни назарда тутган ҳолда, ўз халқидан фахрланиш, миллий ўзлик ҳамда кадр-қимматни англаш туйғуларини қарор топтириш асосида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синф ўқувчиларида бағрикенгликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган;

шаклланган бағрикенглик ҳислатларига эга ўқувчи модели тажриба-синовдан ўтказилган;

инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликка асосланган муносабат ўрнатиш қоидалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлик даражасини ривожлантиришдаги муайян

илмий қарашлар ҳамда инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларини ташкилий тузилмасини ишлаб чиқилганлиги ва такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларидан умумий ўрта таълим мактаби таълим йўналиши давлат таълим стандарти, янги авлод дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларини яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир методлар, услубий тавсиялар ёрдамида инглиз тили дарслари олиб борилди (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил “15” декабр 02-07-4084/04сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантирилганлик даражасини аниқлаштириш ва педагогик-психологик таҳлил қилишга эришилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик кўникмаларини фаоллаштириш имконини берувчи амалий характердаги топшириқлар ва дидактик материаллар ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш мазмуни ва принциплари аниқлашга доир таклифлар тавсиялар шаклида ишлаб чиқилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил “15” декабр 02-07-4084/04сонли маълумотномаси). Натижада, инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир мавзуларни таҳлил қилиш, ҳамда уларни такомиллаштириш имкони яратилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш йўллари кўрсатиб берилиб, амалий машғулотлар самардорлигини таъминлаш технологиялари, педагогик имкониятлари, нутк кўникмалари (гапириш, ўқиш, ёзиш ва тинглаб тушуниш) ҳамда тил компетенциялар тизимини оптималаштириш асосида такомиллаштирилди (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил “15” декабр 02-07-4084/04сонли маълумотномаси). Натижада, ўқитувчилари томонидан қай даражада ушбу тушунчага тўхталиб ўтилишини ўрганиб чиқишни аниқлаш имкони оширилган;

инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг механизмлари ўқувчиларнинг шахсий сифатларини интеллектуал ривожланиш траекторияси билан инглиз тили таълими интеграциясини таъминлаш асосида ишлаб чиқилиб, унинг самарадорлик даражаси кўрсатилди (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил “15” декабр 02-07-4084/04сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та, жумладан, 4 та республика ва 6 та хорижий журналларда мақола тарзида нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 140 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МАДАНИЯТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг чет тилларини ўрганишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти томонидан 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори [2], шунингдек, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [5] ва 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”даги 312-сонли қарорлари [4] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори [6], 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [7] умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўргатишга бўлган эътиборни янада кучайтирди. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга тил ўргатишда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларга тил билан уйғун ҳолда дунё маданиятини ўргатишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хорижий тил ва маданиятини ўқувчиларга ўргатиш орқали ўқувчиларни тил ўрганишга бўлган кўникмаларини ва қизиқишларини ривожланишига эришиш мумкин.

Шунингдек, инглиз тили дарсларида ўқувчиларда хорижий тил ва маданияти тушунчалари билан биргаликда бағрикенглик тушунчасини ҳосил

килишга ҳам эътибор берилиши керак. Бунга сабаб эса, ўзбек халқининг азалдан миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштирувчи бой маънавий-маданий мероси мавжудлигидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда “...бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамокда” [11], – деб таъкидлади.

Ўзбек тилида нашр этилган луғатларда “толерантлик” тушунчасининг “бағрикенглик” тушунчаси билан синоним сифатида ишлатилиш ҳолати кўзга ташланади: “Бағрикенглик – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, саҳий, кенг феълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қуйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади” [63; 68-б.]. Толерантлик – бу хилма-хиллик, ўзгача фазилат ҳамда хусусиятларни бир бутун борлиқнинг ажралмас, муҳим қисми сифатида чуқур англашдир [23].

Россияда чоп қилинган социологик луғатда бағрикенглик тушунчасига қуйидагича таъриф берилади:

а) ёт одамнинг турмуш тарзи, хулқи, урф-одати, ҳиссиёти, фикри, ғояси, эътиқодига чидамлилиқ билан ёндашув;

б) ноқулай омилларни сезмай қолиш натижасида содир бўлган ходисаларга боғрикенглик билан ёндашув;

в) ноқулай, номақбул хиссий омиллар таъсирига ҳам чидам билан ёндашув [77; 278-б.].

Марк Наттурно эса, “Менинг фикримча, биз эркин ва онгли мавжудот бўлганлигимиз сабабли айбни атрофдагиларга ағдаришдек бидъатлардан холи бўлишимиз керак. Хусусан, бу бағрикенгликка алоқадор бўлиб, ушбу бағрикенгликни узоқ муддат эркинликка тўсиқ бўлиб келган диний, этник ва ирқий хурофатларни енгиб ўтиш йўлидаги уринишларимиз сифатида тавсифлаш мумкин” [68], – дейди.

Ижтимоий ишга доир луғат-маълумотномада: “Бағрикенглик – ижтимоий ишнинг бошқарув тамойили, индивидлар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги маданий, ирқий ва бошқа тафовутларни тан олиш, одамларнинг ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракати, кадриятлар йўналиши ва улардаги фарқларга нисбатан бағрикенгликдир” [84; 366-б.] дейилган.

Маданиятлараро тушунчаси икки ёки ундан ортиқ маданиятлар ўртасида содир бўладиган ёки улар ўртасидаги маданиятлараро муносабатлар тизимини ўз ичига оладиган жараён.

Маданиятлараро бағрикенглик бу – икки ёки ундан ортиқ маданиятларга мансуб индивидлар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳамжамиятлар ўртасидаги ўзаро сабр-тоқатлилик, меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик, саҳийлик, кечиримлилик, ўзгаларни борича қабул қилишлилик, бағрикенг бўлишлик демакдир.

Маданиятлараро бағрикенглик тушунчаси узоқ асрлар давомида шаклланди ва ҳозирги вақтда ҳам турли белгилар билан тўлдириб борилмоқда. Бағрикенглик тушунчаси турли маданият ва халқларнинг тарихий тажрибаси билан боғлиқ ҳолда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади.

Маданиятлараро муносабатни ўрганиш ўзга маданият вакиллариининг ўзаро ва дунё халқларига бўлган муносабатларини идрок этишни ўрганишни ўз ичига олади. Шу сабабли, дунё маданиятларини тушуниш ҳозирги кунда жуда муҳим. Бу чет тили дарсларида бошқа маданиятларни ўрганишга оид билимни ривожлантиришга уринаётган ўқитувчиларнинггина эмас, балки бошқа маданият алоқаларини тушунишга уринаётган ўқувчиларнинг ҳам олдига қўйилган саволдир.

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларида маданиятлараро бағрикенглик тарбияси узок тарихга эга. Аждодларимиз фарзандларига ёшлиқдан бошлаб бошқа дин ва миллатларнинг вакилларига нисбатан сабр-бардошли бўлиб, ўзга халқларнинг маданияти, тили, урф-одатларини ҳурмат қилиш каби фазилатларни сингдирганлар. Халқ дostonлари, эртак ва афсоналарида турли дин ҳамда миллатга мансуб кишилар орасидаги афсонавий муҳаббат ва дўстлик мадҳ этилган. Жумладан, “Чор Дарвеш”, “Фарход ва Ширин”, “Саббаи Сайёр” каби асарларда ушбу жиҳатларни кўриш мумкин. Шунингдек, Жалолиддин Румий, Ибн Сино, Беруний, Навоий ва Бобур асарларида динлараро ва миллатлараро бағрикенглик тарғиб қилинган. Шунингдек, якка худоликни тарғиб этувчи “Авесто”да ҳам бағрикенглик тарғиботига катта аҳамият берилган. Унда беҳуда қон туқувчи урушлар, қирғинлар, босқинчилик ҳаракатлари, тўқнашувлар қораланган бўлиб, ўтроқ, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришга даъват этилган. Бу хусусида: “Жаҳон аҳлига озор етказмоқчи бўлганларнинг кирдикорларидан ҳеч ранж этмагайдир. Бу душманона хатти-ҳаракатларнинг касри душманларнинг ўзига қайтгайдир”, [21; 33-б.] – деб алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги кунда ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб уни вояга етказиш жараёнида бағрикенглик ғоялари асосида инсонпарварлик, бағрикенглик аҳиллик, ҳамжихатлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатларни шакллантиришда

аждодларимизнинг буюк маънавий-маърифий меросларидан бири ҳисобланган “Авесто”даги ўғитлар ва панд насихатларнинг ўрни бекиёс.

Маълумки, дунёдаги энг қадимги цивилизациялардан бири минтақамизда пайдо бўлган. Минтақанинг табиий иқлимига мос шарт-шароити, жуғрофий ва стратегик жиҳатдан муҳим жойлашув ҳолати, минглаб йиллар давомида турли миллат вакилларининг, қабилаларининг кўчиб келишига сабаб бўлган. Бу ҳол эса, турли динга мансуб бўлган халқларни бир заминда бирлашиб яшашига олиб келган. Ушбу жараёнда уларнинг маданият, урф-одатлари, кадрият ва анъаналарининг ҳам бирлашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, маълум бир ҳудудда яшаётган турли хил қабила ва уруғларнинг тинч кўшничилик, дўстлик ва биродарлик тамойиллари асосида яшашга, табиий равишда эса, ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга ундаган. Турли халқларнинг тотувликда яшаб, жамият, инсоният тараққиёти учун фаолият кўрсатиш ғоялари маънавий-диний йўналишдаги кадриятларни асосий мазмунни ташкил этган.

Тарихга назар солар эканмиз, бағрикенглик тушунчасининг қанчалик халқ ва давлат учун аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин. Буюк аждодларимиз қолдирган меросида бағрикенгликнинг нақадар кўпқиррали эканлигини кузатиш мумкин. Буюк бобомиз Юсуф Хос Хожиб қаламига мансуб XI аср туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлган “Қутадғу билиг”да илм-маърифат, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-маънавий кадриятлар ҳақидаги кенг қамровли қарашлар ўз аксини топган.

“Қутадғу билиг”да ростгуйлик, чин инсонийлик, меҳр, муҳаббат, шафқат, мурувват, мулойимлик, ҳурмат-эҳтиром, ҳалоллик, эзгулик каби хислатлар талқин қилинади. Шу билан бирга, бемехрлик, бешафқатлик, эгрилик, ноинсофлик, ёмонлик каби хислатларнинг салбий хусусиятлари туфайли содир бўладиган оқибатлар ҳаётини мисоллар ёрдамида исботланади.

Ўрта Осиёнинг буюк алломаларидан яна бири Абдулҳолик Гиждувоний бўлиб, у бағрикенглик – хилма-хиллик ва ранг-барангликни қабул этиш, уларга умумий гўзалликнинг бир жабҳаси сифатида қараб, уларни эъзозлаб, уйғун бўлиб яшашдир, деб ҳисоблайди. Гиждувоний ғояларига асосланган бағрикенглик эса, ўз-ўзини англаш, ўз нафсини тийиш ва уни идора этиш; ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва қадрлаш; муроса; ўзаро ҳурмат; бир-бирини қадрлаш; сабр-тоқатлилиқ; чидамлилиқ; қаноат; шукр; кечиримли бўлиш; холислиқ; саҳоватпешалиқ; озор бермаслиқ; раҳмдиллиқ каби инсоний сифатларда намоён бўлади [69; 39-40 б.].

Кубравия таълимотида ҳам бағрикенглик алоҳида ўрин эгаллаган. Шайх Нажмиддин Қубронинг “Ал-усул ал-ашара”, “Рисолаи ат-туруқ”, “Фи одабус солиқин” каби асарларида бағрикенглик тарбиясига оид бир қатор ибратли фикрлар баён қилинган.

Амир Темур томонидан қолдирилган “Амир Темур тузуклари”да у шундай ёзади: “Менга ёмонлиқ қилиб, бошим ўзра шамшир кўтариб ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон қилишларини хотирамдан учирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳа-ю кўрқув бўлса, бутунлай унут бўларди. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда тинчлиқ қилмадим, токи Тангри тоалонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб...” [91; 65-б.].

Амир Темурнинг бағрикенглик хислатлари шунда эдики, у ҳар бир масалани кўпчилиқ билан маслаҳат қилган ҳолда бир ечимга келиб, уни амалга оширар эди. Унинг бағрикенглиги ҳақида жуда кўплаб тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, Қошинлар, “Тузуклар” назарда тутилмоқда. Бир неча тилларга таржима қилинган унинг француз таржимасининг муқаддимасида Л. Лянглэ Темур ҳақидаги фикр келтирилади.

Амир Темурнинг набираси, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолиятидаги бағрикенгликдан ибрат намунаси сифатида фойдаланиш мумкин. Тарихдан маълумки, Бобур ўзининг сулоласи билан узоқ йиллар давомида Ҳиндистонда турли дин вакиллари орасида тинч-тотув ҳаёт кечириш баробарида, хинд халқлари маданияти, урф-одатларига чуқур ҳурмат билан қараб, ушбу маданиятни ўзбек маданияти, қадриятлари билан уйғунлаштирган ҳолда ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг набираси Акбаршоҳ ҳам бағрикенглик масаласида ўзига хос ўринга эга. Динлар соҳасидаги ислоҳотлари унинг номи билан бўлган энг муҳим ва ўзига хос ҳаракатлардан биридир.

Бағрикенгликка оид тушунчаларни Алишер Навоийнинг асарларида ҳам жуда кўплаб учратиш мумкин. Шунингдек, бағрикенгликнинг ривожланиши ўзбек адабиёти ва шеърлятида буюк мерос қолдирган Огаҳий (тахаллуси: тўлиқ исм-шарифи Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли (1809-1874), Комил Хоразмий (тахаллуси: асл исми Паҳловон Муҳаммадниёз Абдулла Охунд ўғли) (1875-1899), Муҳаммад Раҳимхони Соний Феруз (1844-1910) [97; 735-б.] ва бошқа бир қатор шоирларнинг асарларида ҳам ўрни ниҳоятда катта бўлган эди. Улар ўз шеърларида, ҳалоллик, адолат, дўстлик, муҳаббат, тинчлик ва бошқа бир қатор ғояларни илгари сурганлар. Улар ана шу ғоялари билан шоҳ ва гадони келиштириш, шоҳларни оддий инсонларга эътиборли бўлиши, мамлакатни адолат тамойиллари асосида бошқариши, муҳаббат инсон учун улуғ неъмат эканлиги, дўстлик ва ўзаро муносабатларда самимий бўлиши зарурлиги каби бағрикенгликнинг битмас-туганмас ғояларини илгари сурган эдилар. Жумладан, Огаҳий ўзининг Ферузга бағишлаб ёзган “Қасидаи насиҳат” асарида салтанатни бошқаришнинг йўл-йўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўлларини белгилаб беради... . Огаҳийнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга

бўлиши лозим. Подшоҳ ҳимматли, шижоатли адолатли, ғайратли, саҳоватли, хаёли, соф ниятли, маданиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур...” [97; 735-б.].

Бағрикенглик ғояларини илгари сурган шоирлардан бири бу Комил Хоразмий бўлиб ўзи яшаган даврда жамиятнинг халқни эзишга қаратилган фаолиятини ўз кўзи билан кўрган ва унга нисбатан ўзининг қаҳр-ғазабини билдирган. Адабиётшунос М. Юнусов бу ҳақида фикрларни билдирган эди. “Комил яшаган замонда феодал зулми ўзининг ниҳоятига бериб етган, халқнинг тақдири мустабид хонларнинг ва саройга тўпланган бир гуруҳ золим эксплуататорларнинг қўлида қолган эди. У даврда адолат ерга урилган, ҳақиқат қувғин қилинган эди. Замонасининг илғор фарзандларидан бўлган Комил кўз ўнгида рўй бераётган бу воқеаларни четлаб ўта олмади. Унинг қалбида жафокаш халққа ҳурмат ва шафқат туйғулари тобора ўсди. Шоир зулм остида қолган оммага ачиниб, уни ҳимоя этишни орзу қилади. Адолатсизликнинг ҳамма чегараларидан ҳам четга чиқиб кетган золим хонга мурожаат қилиб, адолат талаб этади” [127].

Бағрикенглик илдизлари ана уша маънавиятга бориб тақалади. Онгимизда мавжуд бўладиган бағрикенглик ғоялари ана уша маънавиятдан баҳраманд бўлган, уларни ўзига сингдирган десак ҳақиқат бўлади.

Бугунги кунга қадар дарсларда бағрикенглик тарбиясини назарий асослари хорижий олимлар томонидан ҳам ишлаб чиқилган.

Рус олимларидан А.М. Байбаковнинг “Катта ёшдаги ўсмирларда кичик гуруҳлар орасидаги ўзаро алоқа жараёнида бағрикенгликни тарбиялаш” [33] номли диссертация ишида бағрикенглик тарбиясининг фалсафий, психологик-педагогик йўналишлари ажратилган бўлиб, ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг кичик гуруҳлари орасида бағрикенгликни қарор топтиришга хизмат қиладиган таълимий топшириқлари тизимлари белгилаб берилган.

Р.Р. Валитова эса, “Бағрикенглик ахлоқий муаммо сифатида” [36] номли диссертация ишида шахсда мавжуд бўлган бағрикенглик туйғусининг ахлоқий меъёр сифатида ривожлантирилиб борилиши кераклигини илмий

жихатдан асослаб берган. И.В. Крутова ўзининг “Юқори синф ўқувчиларида гуманитар туркумдаги фанларни ўқитиш жараёнида бағрикенгликни ижтимоий-маънавий қадрият сифатида шакллантириш” [54] номли диссертация ишида ўқувчиларда бағрикенглик туйғусини шакллантиришнинг педагогик имкониятларини ёритиб берган. О.Б. Скрыбина ўз тадқиқотларида юқори синф ўқувчиларида коммуникатив бағрикенгликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини назарий томондан асослаб берган [79]. Бунда мулоқот маданияти бағрикенгликнинг асосий белгиси сифатида қарор топтирилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Т.А. Баклашева, Е.М. Галишникова ва Л.В. Хафизовалар бағрикенглик концепциясини турларига урғу беришган: диний бағрикенглик, ирқий ва этник бағрикенглик, сиёсий бағрикенглик, инсон лаёқатсизликларига қарши бағрикенглик, гендер бағрикенглиги, педагогик бағрикенглик [41; 38-39 б.].

Ўзбек олимлари томонидан ҳам ёшларда бағрикенглик хислатларини тарбиялаш соҳасида бир қатор илмий ишлар ва тадқиқотлар ёзилган бўлиб, улар, асосан, фалсафий, социологик, психологик ҳамда қисман педагогик йўналишдадир. Шундай ишлар жумласига Э.Г. Каримованинг “Ўзбек толерантлигининг этнорегионал хусусиятларини социологик ўрганиш” [50; 39-40 б.] номли тадқиқотини киритиш мумкин. Унда тадқиқотчи томонидан ўзбек бағрикенглигининг ҳудудий хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

С.Олимовнинг “Бағрикенглик”, Г.Э. Каримованинг “Бағрикенглик – инсоният келажаги” каби илмий мақолаларида бағрикенглик тушунчаларини турли жиҳатлари фалсафий, ижтимоий ва маънавий нуқтаи-назардан шарҳланган. Г.Р.Акрамова “Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари” номли номзодлик диссертация ишида эса бағрикенглик тушунчаси назарий асослаб берилган.

Сўнгги йилларда бағрикенгликка бағишланган бир қатор илмий анжуманлар ўтказилиб, уларда мутахассислар бағрикенглик тушунчасига кўпқиррали ҳодиса сифатида ёндашганлар. Масалан: “Ҳозирги замон жамият

тизими: миллий ва умумбашарий томонлари” мавзусида 2005 йилда Самарқандда ҳамда Бухоро озиқ овқат ва енгил саноат технологиялари институти, 2014 йил май ойида Прагада “The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect” номли халқаро илмий конференция, иккинчи бор “The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect” 2017 йил, учинчи бор “The culture of tolerance in a context of globalization: methodology of research, reality and prospect” мавзусидаги 2018 йил май ойида, “The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect” мавзусидаги 2019 йилда Прагада ўтказилган халқаро илмий конференцияларда бағрикенглик тушунчасига фалсафий, сиёсий, педагогик, психологик, диний ёндашилиб, уни долзарб муаммо даражасига кўтаришган.

1995 йил 16 ноябрда Парижда қабул қилинган ЮНЕСКОнинг 28 сессиясига йиғилган таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТга аъзо давлатлар “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилган эди. Мазкур декларациянинг 1-моддасида бағрикенглик тушунчаси “дунёмиздаги турли бой маданиятларни ўзида ифодалаш ва инсоннинг индивидуаллигини намоён қилишнинг хилма-хил кўринишларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади”, – дея таърифланган [15; 91-б.].

Демак, бағрикенглик бу хилма-хиллик, ўзгача фазилат ҳамда хусусиятларни бир бутун борлиқнинг ажралмас, муҳим қисми сифатида чуқур англашдир. Сабрсизлик – бу ижтимоий ҳаёт ҳақиқатини назарписанд қилмасликдир [78; 17-18 б.].

Ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантиришда инглиз тили дарслари катта аҳамиятга эга. Э.Танненбаум ва С.Ренаудларнинг эътироф этишига кўра, инглиз тилини ўрганиш турли маданиятларга тегишли бўлган ўқувчилардан ташкил топган синфда янада завқли ва кашфиётларга бой бўлади. Ўқувчиларда бағрикенглик компетенцияси 4 даражага ажратилади: 1) юқори даражадаги бағрикенглик; 2) қониқарли (ўрта) даражадаги

бағрикенглик; 3) паст даражадаги бағрикенглик; 4) умуман бағрикенг бўлмаслик [93; 24-25 б.].

Инглиз тили дарсларида ўқитувчи бағрикенглик тушунчасини билан ёнма-ён дарс жараёнини олиб боради. Ўзга юрт маданиятини ўқувчиларга сингдириш учун даставвал ўқитувчининг ўзидан ҳам бағрикенг бўлиш талаб қилинади. Ўқитувчи ўзга халқ тилини ўқувчиларга ўргатар экан, аввало, унинг ўзи дунё маданиятини ҳурмат қилиши, кадрлаши, дўстона муносабатда бўлиши лозим. Шу билан бирга, бағрикенглик тушунчасини яхши англаши лозим.

Бағрикенглик хусусиятини ўрганишда миллий анъаналарга, миллий кадриятларга ва миллий маданиятга эътибор бериш керак. Бағрикенглик асосидаги, турли эътиқодларни, қарашларни, дунё маданиятини ҳурмат қилиш, умуминсоний кадриятларни қабул қилиш ва тўғри тушуниш, инсонни ўзлигини намоён қилиш асосидаги индивидуаллигининг глобал маънода кўринишидир. Ушбу поғонадаги бағрикенглик инсонларнинг умуминсоний маданий жараёнларидан, инсониятни қизиқтираётган ёки безовта қилаётган муаммолардан хабардорлик даражасини, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар қабул қилган умумбашарий дастурларни, лойиҳалар, қарорларни билиши, уларни амалга оширишдаги фаоллигини англаши [16].

Умуминсоний маданий бойликлардан хабардор бўлиш, инсоният тарихида бетакрор из қолдирган таълимотларни, кашфиётларни, асарларни билиш, ўлмас тарихий-маданий обидаларни асрашда қатнашиш толерантлик принциплари декларацияси ва БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган (1999) Тинчлик маданияти соҳасида ҳаракат дастури ва декларациясида асосий вазифалар сифатида қайд қилинади.

ЮНЕСКОнинг 1945 йил 16 ноябрда қабул қилинган Низомидаги “дунё инсониятнинг ахлоқий ва интеллектуал бирдамлигига қурилиши даркор” деган тамойил БМТ ва ЮНЕСКО фаолиятининг асосий мағзини ифода этади. Масалан, БМТ халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг

ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этиш, ушбу мақсадларга эришишда миллатлар, давлатлар ҳаракатини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради [16]. БМТ Бош Ассамблеясининг (1966) “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида халқаро Пакт”да қайт этилганидек, барча халқлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожланишини мустақил белгилаш, халқаро ҳамкорликда қатнашиш, ўз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳаммининг ўз касби, иш соҳаси бўйича юксалиш, билим, ахборат ва дам олиш, маънавий бойликлардан фойдаланиш, эркин тарзда яшаш жойини танлаш, ўз хоҳиши билан турмуш қуриш каби умуминсоний нормаларга мувофиқ ҳаёт тарзи яратишни ўз зиммасига олади [18]. Шу билан бирга улар глобал поғанада бағрикенглик маданияти шаклланишини ҳуқуқий кафолатлайди. Албатта, ушбу халқаро Пактга қўшилиш ёки қўшилмаслик давлатларнинг ихтиёрий ишидир, бироқ бугун ушбу ҳужжат барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам имзоланган. Республикамиз шу кунгача глобал маданий бағрикенгликни шакллантиришга хизмат қилувчи, халқаро интеграцияни чуқурлаштирувчи 90 дан зиёд халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилди [19]. Глобал толерантлик маданиятининг муҳим белгиси давлатлараро, халқлараро, минтақалараро, минтақавий-республикалараро, муносабатлар, яъни давлатлар ҳамкорлигида мавжуд глобал муаммоларни ҳал этиш учун иттифоқлар, уюшмалар тузиш, биргаликда дастурлар, декларациялар, коммюникелар, пактлар қабул қилиш, умуминсоний аҳамиятга эга экологик, демографик, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, инсон тараққиёти, ер юзида тинчлик ва осойишталикни ўрнатишда қатнашишдир. Хуллас, давлатларнинг глобал бағрикенглик маданияти цивилизацияни асраш, маданий-гуманитар алоқаларни, ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, маданий бойликлардан тенг фойдаланиш учун умуминсоний ҳуқуқий макон яратиш, демократияни,

маданий плюрализмни, маданий интеграцияни умуминсоний тараққиёт шартига айлантиришга қаратилган ҳамкорликдир [104; 288-б.].

Бағрикенглик, инсониятнинг онгли ҳаётида ва жамиятнинг менталлигида ўзига хос фикр-мулоҳазаларга жаҳон миқёсида эга бўлиб бормоқда. Бағрикенгликнинг ҳозирги замон концепцияси яқин орада пайдо бўлган ва бутун мамлакат халқларида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, уни пайдо бўлиши ва шаклланишида асосий ўринни 1995 йилда ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеясида қабул қилинган “Толерантлик тамойиллари декларацияси” эгаллайди. Унга жаҳоннинг 185 давлати, жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам қатъий амал қилинмоқда. Демак, толерантлик – бу фуқаролик жамиятининг ҳам меъёри ва қийматидир [109]. Бу аслида миллий ва халқаро даражада тинчлик сақлашга, халқларнинг ўз тарихий негизларига мувофиқ эркин ривожланишига қарши давлатлар терроризмининг айнан ўзидир. “Толерантлик, – дейилади, – “Толерантлик принциплари” декларациясида, – бўш келиш, кўнгил бўшлик ёки ножуя ҳаракатларга бепарқлик эмас. Толерантлик универсал ҳуқуқ ва инсоннинг асосий эркинларини тан олиш асосида шаклланадиган фаол муносабатдир. Ҳеч бир ҳолатда толерантлик ушбу асосий қадриятларга бўлган тажовузни оқлашга хизмат қилиши мумкин эмас; толерантликни айрим кишилар, гуруҳлар ва давлатлар ҳам намоён этиши зарур” [109].

Мавжуд манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, маданиятлараро бағрикенглик педагогик муаммо сифатида ҳамон етарлича ўрганилмаган. Ҳозирги замонда яшаётган ҳар бир инсон, биринчи навбатда, ўзи билан ёнма-ён яшаётган ҳар бир шахснинг (у қайси миллат ёки дин вакили бўлишидан қатъий назар) мустақиллиги, эркинлиги ва қадриятларини тан олиши ва ҳурмат билан қарashi шарт. Бу ҳолатларни таълим мақсадларини шакллантиришда ҳам ҳисобга олиш лозим. Ўқув жараёнида ўқувчи шахсини тарбиялашда бағрикенглик тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бағрикенгликни таълим-тарбиянинг зарурий қисми сифатида тан олиб,

муайян мақсадга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнида амалга оширишни назарда тутамиз. Бунда ўқувчиларга бағрикенглик тушунчаси дарс жараёнида бевосита шакллантирилиб борилади. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ахлоқий тамойиллар доирасида баён этиш кўникмаси шакллантирилади.

Маданиятлараро бағрикенглик муҳим ахлоқий меъёр сифатида ҳар бир шахсда шаклланиши лозимлигини ижтимоий тараққиётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу ўринда ўқувчиларда бағрикенглик тушунчасининг шаклланишида оила аъзолари билан бир қаторда ўқитувчи ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки бугунги кунга қадар ўқитувчи таълим жараёнида кучларни бирлаштирувчи, сафарбар этувчи асосий субъект сифатида намоён бўлмоқда [22]. Аслини олганда маданиятлараро бағрикенглик болаларда мактаб даврида, бир томондан, таълим мазмуни воситасида, иккинчи томондан эса, ўқитувчи ёрдамида шакллантирилиши керак.

Маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини, аввало, мактаб ўқувчиларида шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни бағрикенглик, яъни ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш руҳида тарбиялаш бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шунингдек, инглиз тили дарсликларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўқувчиларда шакллантириш мақсадида буюк алломаларимиз, уларнинг фаолиятлари ва уларнинг кўзга кўринган асарлари ва ҳақида ўқувчиларга ўрнатилган ҳиссини уйғотувчи қисқача ҳикоялар ва маълумотлар киритилган. Шу билан бирга хориж маданиятига тегишли бўлган бошқа халқлар ҳақида ҳам ҳаётий мисоллар келтирилган.

Маданиятшуносликка асосланган таълимнинг чет тили дарсларида ўқитишнинг аҳамияти кўплаб ўқитувчилар ва олимларни ташвишга солмоқда. Сўнги тадқиқотлар чет тили ва тил маданиятини ўқитиш ўртасидаги узвий боғлиқликка қаратилади. Тил бу жамият томонидан

шаклланган ва шаклланаётган ижтимоий институт бўлиб жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. “Чет тилини ўргатиш орқали биз шак-шубҳасиз маданиятни ўргатамиз” [69; 39-40 б.]. Шундай қилиб тил турли маданиятларни ўзаро боғловчи воситадир. Ҳозирги кунда замонавий глобаллашаётган дунёда яхшироқ мослашиш, ўзини англаш ва самарали мулоқот қилишда инглиз тилини билиш муҳим ва зарур бўлиб бормоқда.

Бошқа маданиятни ўрганишдан олдин ўқувчилар ўша маданиятга ҳурмат билан қараш, кадрлашлари тўғрисида маълумотга эга бўлишлари керак. Улар беихтиёр иштирок этадиган урф-одат ва қадриятларини муҳокама қилиш орқали ўзга халқ урф-одатлари ва анаъаналари тўғрисида мулоҳаза юритишга” кўпроқ интеллектуал объективлик билан” тайёр бўладилар [40; 89-90 б.]. Маданият инглиз тили ўрганувчилар ва ўқув жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг вазифаси эса, ўқувчиларни тили ўрганилаётган миллат маданиятига қизиқтиришга рағбатлантириш ва ўқувчиларга дунё халқлари маданиятига тегишли қадриятларни таништириш, уларни ҳурмат қилиш, тушуниш каби имкониятларни яратадиган чет тили дарсини ташкил этишга ёрдам беришдир [61; 278-279 б.]. Бундан кўзланган мақсад эса, Ўзбекистон ҳудудида неча асрлардан бери истиқомат қилиб келаётган турли халқлар билан ўзаро бир-бирини таҳқирламаган ҳолда тинч, хотиржам ҳаёт кечириш, бир-бирига тоқатли бўлиш, уларни ҳурмат қилишдан иборат.

Маданият тушунчасига чет тили билан уйғун тарзда 2 ҳил йўналишда ёндашилади: лингвистик ва педагогик. Лингвистик ёндашувда маданият тилнинг семантик, прагматик ва нутқ даражаларига таъсир кўрсатади. Семантика бу тилшуносликнинг бўлими бўлиб, бошқа тилдаги сўзларнинг маъноларини ўрганувчи, прагматика эса, сўзлашишда фойдаланиладиган тил белгиларининг маъноларини англаувчи тилшуносликнинг бўлиmidир. Педагогик ёндашувда эса, маданият тил ўрганишга хизмат қиладиган турли халқлар ҳақида маълумот берадиган қисмларни танлашга таъсир кўрсатади.

Ўқув материалларининг бошқа халқ маданиятига оид таркиби чет тили дарсларида муҳокама қилиш жараёнида инобатга олиниши керак [56]. Ўқитувчилар чет тили дарсларида тил ўргатишни маданият билан уйғун тарзда амалга оширишлари керак. Бундан кўзланган мақсад эса, ўқувчиларга маданиятлараро муносабатлардан хабардор бўлишнинг муҳимлиги ва уларни хорижий маданиятга ҳурмат билан қараш орқали инглиз тилида гапириш кўникмасини ривожлантиришдир. Ўқувчилар инглиз тилини фақат инглиз тили грамматикасини ўрганмасдан унга дунё халқлари тили сифатида қарашлари керак. Шунинг учун дарс жараёнидаги топшириқлар маданиятлараро умумийлик ва ҳилма-ҳиллик кўникмасини кучайтиришга, бошқа маданиятлар ҳақидаги объектив фикрлар уйғотишлари керак. Бу ҳақида чет эллик олим Д. Пек шундай дейди: “Маданий бойликлар бизнинг ўқувчиларга йўллайдиган хабаримиз, тил эса, уни амалга оширишда восита бўлиши керак” [74; 49-50 б.].

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактабларида инглиз тили дарсликлари миллий маданиятимиз ва дунёвий маданият ҳақидаги кенгроқ ва аниқроқ материаллар билан бойитилиши керак. Бу уларни тил ўрганишда ўқиш, ёзиш, гапириш, тинглаб тушуниш компетенцияларини ривожлантиришга самарали кўмак беради.

Умумтаълим мактаблари инглиз тили фани дарсликларида ўқувчиларга маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир материаллар берилган. Мактаб инглиз тили дарсликлари миллий маданиятимизга доир қадриятлар, миллийлигимизни акс эттирувчи либосларда тасвирланган расмлар, миллатимизга хос бўлган исмлар ва жой номлари, миллий руҳдаги расмлар, байрамлар, ўзбек тилида берилган матнлар, тарихий ҳамда машхур инсонлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги материаллар, миллий анъана ва қадриятларимизни ифодаловчи тўй ва маросимларни ифодаловчи матнлар билан бир қаторда дунё халқлари маданиятига тегишли бўлган худди шу каби материаллар билан ҳам бойитилган. Лекин шундай бўлишига

карамасдан мактабларда маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўқувчиларда шакллантиришга ҳамон етарлича эътибор берилмаслиги ва бу ҳолатга нисбатан муаммо сифатида тўлиқ қаралмаслиги аниқланди. Афсуски, бази мактабларда чет тили фани ўқитувчилари бағрикенглик сўзини кам ишлатишлари кўзга ташланди. Шунингдек, улар маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга оид материалларга ўзларининг ўқув режаларида алоҳида тўхталмаганлар. Ўқитувчи чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни ўқувчиларга тадбиқ этар экан, аввало, унинг ўзидан ҳам бағрикенг бўлиш талаб қилинади.

Демак, чет тили ўқитувчиларининг ўзи маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини тўлиқ англаши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик тушунчаси барча фанлар кесимида шакллантирилиши мумкин. Лекин, асосан, чет тили дарсларида бу бирмунча самаралироқ бўлади.

Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг икки асосий жиҳати бор: биринчидан, ўқувчиларни бағрикенгликка ўргатиш таълимдаги етакчи кадрлардан бири бўлса, иккинчидан, бағрикенглик маданиятлараро ўзаро самарали ҳамкорликнинг асоси сифатида шакллантирилиши керак. Ҳар бир фанда ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ҳосил қилишнинг ўз самарадорлиги мавжуд. Аммо айнан чет тили дарслари таълим ҳамкорлиги, маданиятлараро ҳурмат ва ўзаро тушуниш учун энг мақбул ўқитиш муҳитидир [61].

Маданиятлараро бағрикенгликни ривожлантириш жараёни инглиз тили дарсларида одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор қоидалари билан уйғун тарзда интерфаол таълим методлари ва дарсдан ташқари машғулотлар, реал мулоқотлар орқали тарғиб қилинади. Бу инглиз тили дарсларида демократик ва ўзаро ҳамкорлик муҳити, ҳолис баҳолаш, ўқитувчи-ўқувчи ахлоқи ва ўзаро муносабати, ўқув жамоасига тегишли ўзаро анъана ва кадрларидан иборат бўлган соғлом ўрганиш муҳитини яратиш имкониятини беради. Бу йўл

орқали ўқувчилар ўзларига нисбатан бағрикенглик муносабатларини, ўзлари билан бирга таълим олаётганлар ва гуруҳдошлари ўртасидаги алоқаларда бағрикенглик ва ҳамдардликни ривожлантиради. Ўқувчиларда бағрикенгликни ривожлантириш жараёни ўзаро маданиятлараро самарали муносабатлар сифатида маданиятлараро ва шахслараро муносабатларни шакллантирувчи мавзулар ва материалларни киритиш орқали кучайтирилади.

Шундай қилиб, инглиз тили ўқув жараёнида ўқувчилар маданиятлараро бағрикенгликни, маданиятга оид фарқларни қабул қилишни ижобий томонларини ўрганишади. Инглиз тили дарсларини ўқитувчи маданиятлараро бағрикенглик тушунчаси билан уйғун ҳолда олиб боради. Ўқитувчи ўзга халқ тилини ўқувчиларга ўргатар экан, аввало, унинг ўзи дунё маданиятини ҳурмат қилиши, қадрлаши, дўстона муносабатда бўлиши керак.

Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг муҳим воситалар сирасига диалог, яъни мулоқотни киритиш мумкин. Мулоқот, асосан, икки киши, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида амалга оширилади. Шунингдек, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун миллий ва дунё маданиятига тегишли бўлган материаллар асосида саҳна кўринишлари ва тақдимотлар тайёрлаш орқали ўқувчиларда бошқа халқ маданияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин. Шу билан бирга, таълим жараёнида ўқувчиларни топшириқ бажараётган пайтда юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва ўқувчилар орасида меҳнатни тўғри тақсимлашга ўргатиш лозим. Ўқувчилар бир-бирларини тўлдирувчи элемент эканлиги, уларнинг ҳар бири ушбу гуруҳ учун ўзига хос топилма эканлигини тўла-тўқис ҳис этишлари кераклигига руҳлантириш керак. Шундай қилиб, сўнгги йилларда ўқувчиларда “оммавий маданият” кириб келиши орқали юзага келаётган турли хил муаммолар нисбатан кескин бўлиб келганлиги сабабли маданиятлараро бағрикенгликка бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Инглиз тили дарслари маданиятлараро ўзаро ҳурмат қилишни шакллантириш ва бошқа халқ маданиятларини

тушунишни, кадриятларини эъзозлашни ривожлантириш учун самарали муҳитдир. Инглиз тилини ўрганадиган ўқув муҳитида ўқувчиларга халқлар ўртасидаги маданиятлараро муносабатларни, ўзга маданиятни ҳурмат қилиш, ўзаро ишонч билдириш, ҳамдардлик ҳамда ҳамкорлик каби тушунчаларни сингдиришда интерфаол ўқув амалиётлари орқали амалга оширилиши керак.

Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда кўп маданиятли муҳит, маданиятлараро муносабатларнинг мавжудлиги, жамоада ишлаш, ўзига ишонч, ўзга халқ манфаатлари инсонларга, урф-одатларга ҳурмат билан қараш, гуруҳ бўлиб ишлай олиш каби кўникмаларнинг мавжудлиги уларда бағрикенглик тушунчасини ҳосил қилишга ва бошқа халқ маданиятини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантиришга самарали ёрдам беради.

1.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари

Сўнги пайтларда нафақат тил саводхонлиги, балки маданиятлараро муносабатларни шакллантириш иқтисодий категорияга айланди. Хорижий тил техник фанлар ва моддий ишлаб чиқариш билан биргаликда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Бугунги кунда маданиятлараро ва тиллараро мулоқот ҳар қандай меҳнат унумдорлигини ошириш ҳаётий қуроли ҳисобланади. Бунда мактаблардаги маданиятлараро мулоқотни ўқитиш методикаларининг аниқ муаммоси мавжуд эмаслиги бошқа халқ маданиятларига нисбатан ўқувчиларнинг келажакдаги муносабати негизида шаклланадиган муаммолар йўқлиги бир қатор мактаб муассасаларида ҳали ҳам долзарбдир. Шу билан биргаликда айнан хорижий тил ўқитувчисига ўқувчиларни нафақат бошқа маданият билан таништириши балки чет тили халқи маданиятига нисбатан ҳурматни тарбиялаш вазифаси юклатилади.

Жамиятнинг ривожланиш тарихидан маълумки, қачонлардир фақат олимлар ва жамиятнинг юқори қатламлари вакиллари чет тиллари, лотин ва юнон тилларини ўрганишга йўл топа олишган ва тиллар инсоннинг умумий маданий таълими билан чамбарчас боғлиқлигида ҳеч қандай шубҳа бўлмаган.

Чет тилини билиш инсонни юқори табақага тегишли бўлганлигини билдирган. Тиллар, хусусан, инсон маданиятини четлаб ўтмаган ҳолда адабиёт ёрдамида ривожланиб шу кунга қадар етиб келган. Чет тилини ўрганиш ўша вақтда айрим илмий, фалсафий, диний асарларни ўқишда ягона калит ҳисобланган ва маълум бир маданиятни ўзлаштирмасдан ўрганиш имконсиз эди. Адабиёт ва филологияни ривожлантириш йўлида тил ўрганишга қизиқишнинг ортиши билан тил ва маданиятшунослик ўртасидаги чегаралар аниқ белгиланди. Тил ўргатишга бетакрор маданий аҳамиятга эга бўладиган, адабиётга кириш имконияти тақдим этадиган таржима кўникмалари киради. Инглиз, француз, немис тилларини ўргатиш миллий маданият доирасида, дарсликлар доирасида реал мулоқотдан мустақил равишда ишлаб чиқилган. Фақат энг замонавий дарсликларда нутқ тинглаш ўқиш ва ёзиш билан бир қаторда сиз маданият модулини учратишингиз мумкин.

1970-йилларда тилларни билиш юқори табақага мансублигини йўқотиб, тил амалий ва ижтимоий тармоқларга хизмат қилишни бошлади. Шунини таъкидлаш керакки, жаҳон ўтган ўн йиллар давомида сезиларли даражада ўзгарди. Д. Занасоуланинг фикрига кўра ҳозирги кунда тилшуносликни ўрганиш ва маданий қобилиятни шакллантириш илгарилаб кетмоқда. Маданий кўникмаларни тил ўқитишнинг бир қисми деб ҳисоблашимиз кераклигига иккита сабаб бор: 1) инглиз тилининг халқаро ўрнининг турли соҳаларда алоқа ўрнатиш учун код вазифасига айлангани бўлса; 2) миллатларнинг бир-бирига яқинлашиши учун кўплаб янги йўллар очган глобализация бўлиб кўпроқ одамларни бир маданий муҳитдан бошқасига кўчиришни талаб қилади. Натижада, “турли хил маданият

халқлари ташвиқот ва мулоқотда чекловлар, камчиликлар туфайли заифлаша бошлаган ҳаётларини халқаро матога қўшиб тўқийдилар”. Ушбу маданий ва сиёсий бўлинишлардан қочиш ва ҳамдардлик ва тушунишни мустаҳкамлаш учун ўқитувчилар ўқувчиларга бошқа халқ маданияти ва тили ҳақида ҳаётий расм мисолларни тақдим этишлари керак [47; 2-3 б.]. Чет тили синфида маданий таълимнинг ўрни кўплаб ўқитувчиларни ва олимларни ташвишга солмоқда. Сўнгги тадқиқотлар инглиз тили ва инглиз тилида гаплашувчи халқлар маданиятини ўқитиш ўртасидаги узвий боғлиқликка қаратилган. Тил бу жамият томонидан шаклланган ва шаклланаётган ижтимоий институтдир. Биз билвосита тилни ўргатиш орқали маданиятни ўргатмоқдамиз [37]. Демак, тил маданий амалиёт сифатида тушунилиши ва бўлиши керак.

Инглиз тилидаги кўникмалар замонавий глобаллашаётган дунёда яхшироқ мослашиш, ўзини англаш ва самарали мулоқот учун муҳим ва зарурий шароит яратади. Маданият қамраб олган маълум бир жамият ҳақидаги ҳақиқий маълумотлардан ташқари, одамлар яшайдиган ва бир бири билан алоқа ўрнатадиган жамиятда мезон сифатида маданиятни тушунадиган яна бир тушунча мавжуд. Бу маданий жиҳатдан англаш, бошқа маданиятлар билан муваффақиятли муомала қилиш сифатлари ва бошқа маданият вакиллари билан самарали мулоқот қилиш қобилиятини ўз ичига олади. Ушбу қараш тил ўқитишда маданиятлараро истиқболни тадбиқ этишни, бошқа одамлар ва жойлар ҳақидаги билимларни ривожлантиришдан кўпроқ нарсани ўз ичига олган ўқитиш ва ўрганишни талаб қилади. Бу шуни билдирадики, маданиятлараро муносабатга киришиш ҳар икки томон маданиятининг табиатини ва мулоқотдаги ўзаро муносабатга киришиш йўлларини қабул қилишни талаб этади.

Бинобарин, бу истиқбол маданиятни ўқитишга “тили ўрганилаётган халқ маданияти урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини, уларга нисбатан ҳамдардликни ривожлантириш” воситаси сифатида қаралиши керак [92].

Маданиятлараро муносабатларни ўрганиш, аввало, ўша маданиятни тушунишни, улар ўртасидаги муносабатларни англашни ўз ичига олади. Шунинг учун маданиятни одамлар билан бўлган амалиёт сифатида тушуниш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу шуни англатадики, чет тили дарсларида бошқа маданият тўғрисидаги билимларни ривожлантириш масаласи бўлибгина қолмай, ўқувчилар ўзларини шу маданиятларни ўрганиш орқали англаб етишлари билан боғлиқ.

Маданият тил ўрганувчига ва ўқув жараёнига катта таъсир кўрсатади. Умуман олганда, ўқувчилар ўзга маданият ва улар ўрганадиган тилга салбий муносабатда бўлишга мойил бўлишади. Маданий саводхонлик шунинг учун “ўзини янада кўпқиррали ва камроқ худбин шаклга эга бўлиши учун уни такомиллаштириш” демакдир [30; 110-111 б.].

Маданиятни чет тили билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўргатиш бошқа халқ маданиятини тушунишни ривожлантиради ва зиддиятларни камайтиради. Маданиятни англаб етиш орқали ўқитувчилар бошқа халқ маданий фарқларини ва инсонлар ўртасидаги муросасозликларни камайтиришни ўргатишади. Ўқитувчилар халқ маданиятининг туб жамият аъзолари учун муҳим бўлган хусусиятларга эътибор қаратиш орқали ўқитувчилар ўқувчиларни юқори ва паст маданият мавжуд эмаслиги ва халқлар ўртасида фарқлар борлигидан хабардор қилиши мумкин. Ўқитувчиларнинг вазифаси ўқувчиларни тили ўрганилаётган халқ маданиятига қизиқишни рағбатлантириш ва чет тили синфини “тил ўргатиладиган жой эмас, балки ўрганиш жараёнида иштирокчилар ўртасида амалга ошадиган ва ўзаро таъсир ўтказиш имкониятлари яратиладиган жой” [103; 42-б.] сифатида ташкил қилишда ёрдам беришдан иборатдир. Тил ўқитиш дастурларида чет тил маданиятини ўргатиш алоҳида маданий билишни ривожлантиришга асосланади.

Маданий билиш “ўз-ўзини англаш, танқид қилиш ва кишининг қадриятлари ва эътиқодларига ишонч билдириш қобилияти” деб

белгиланиши мумкин. Шунингдек, ҳамдардликни ва бошқани кўзлари орқали дунёни кўриш қобилиятини, турли хил қарашлар орқали дунёни билиш билан боғланган билимларни ривожлантиришдир [102; 184-185 б.]. Бундан ташқари, бу маданий фарқлар туфайли юзага келадиган ҳолатларни тушуниш, улар билан самарали ишлаш ва турли маданий халқлар орасида юзага келадиган муносабатлар муҳитини яратишдир. Маданий баркамол шахслар кўпроқ очиқ хатти-ҳаракатли, юқори даражада мослашувчан, юқори даражадаги идрок эгаси бўлади. Гарчи, маданият ва баркамоллик тушунчалари ўзаро боғланган бўлсада бағрикенглик муносабатларини шакллантирадиган амалиётларни кўпроқ талаб қилади. Чет тили ўқитиш ва ўрганишда маданий компетентликни ривожлантириш маданиятга асосланган бағрикенгликни кучайтириш механизми бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ бағрикенглик мураккаб ва мунозарали тушунчадир. С.В. Берген ўзининг тадқиқотлари хулосасида шундай фикр билдирган “Ҳақиқий бағрикенглик ... бошқаларнинг ҳурмати ва кадр-қимматини мажбурий равишда кўрсатишни ўз ичига олади уларнинг амалиёти ёки кадриятлари билан рози бўлиш ёки қабул қилиш” [39; 111-112 б.]. Унинг талқинида олим Беннет қарашларига қўшилиб, “Бағрикенглик одамларга ҳурмат билан ва ёмон ниятларсиз муносабатда бўлишни англатади; бу биздан ижтимоий меъёрларни тарқатиб юборишни ёки қадимийликка бўлган садоқатимизни, шарафли эътиқодларимизни сусайтиришни талаб қилмайди” [34].

Адабиётлар таҳлилидан маълум бўлдики, Россияда бағрикенглик бўйича дастлабки тушунча Л.М. Безотечество [35] томонидан берилди. У бағрикенглик моҳияти ҳақидаги турли хил фикрларига хулоса ясаб тадқиқотчи бағрикенглик таърифини шахснинг шахсий сифати ва қиймати сифатида текширилган хусусиятлари асосида таҳлил қилади. Бағрикенглик “ўзига хос қийматни қабул қилишга асосланган ҳар бир шахс эгалик қиладиган шахснинг интеграл динамик сифати бўлиб, у ўзини шахснинг

ўзаро таъсирида ахлоқий тамойил сифатида намоён қилади” дея таъриф берилади [35].

Юқорида берилган сўнгги таърифлар ЮНЕСКО томонидан 1995 белгиланган “дунё маданиятларимизнинг бой ранг-баранглигини, ифода шаклларимизни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва кадрлаш, инсон бўлиш йўллари” сифатида бағрикенгликнинг асосий моҳияти билан боғлиқ. Маъноларнинг сезилмас фарқларига қарамай, келтирилган таърифлар орасида етарлича умумийлик мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси шахс ривожланишини таълим орқали амалга ошириш мумкин.

Тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиш бағрикенгликни ўқитишнинг икки асосий жиҳатини кўриб чиқишга ундайди: бағрикенглик таълимдаги етакчи кадриятлардан бири сифатида ва бағрикенглик самарали ўзаро маданий ҳамкорликнинг асоси сифатида.

Чет тили дарсларида ҳар бир мавзу бағрикенглик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўқитиш мумкин, чет тили синфи таълим муросасозлик ва ўзаро тушуниш ва маданиятлараро муносабатларни ўрганиш учун энг қулай муҳитлардан биридир. Бағрикенгликни кадрият сифатида ривожлантириш жараёни бутун бағрикенглик ахлоқи ва хатти-ҳаракатлари синф ва синфдан ташқари фаолиятда интерфаол таълим тажрибаси ва мулоқот орқали тарғиб қилинади. У соғлом таълим муҳити: синфда демократик ва ҳамжихат муҳит, холис баҳо, этика ўқитувчи-талаба ва ўзаро жуфт муносабатлар, умумий кадриятлар, анъаналар ва мактабга тегишли жамоа орқали илҳомлантирилган.

Шу тариқа ўқувчилар синфдошлари ва тарбиячилари билан ўзаро муносабатларда бағрикенглик, ҳамдардлик ва бағрикенглик муносабатларини ривожлантирадилар. Бағрикенгликни ривожлантириш жараёни ўзаро маданий асос сифатида ўзаро ҳамкорлик, маданий ва шахслараро бағрикенгликни уйғотадиган мавзулар ва материаллар орқали самарали шакллантирилади. Шундай қилиб, ўқувчилар ўзаро маданий бағрикенглик,

маданий фарқларга мослашувчанлик ва хилма-хилликнинг ижобий томонларини эътироф этишади. Ушбу назарий шарх инглиз тили ва Америка таълими кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган Америка инглиз дастури ривожлантириш учун ёрдам берадиган маданиятлараро кўникмаларни шакллантириш учун ишлаб чиқилган дарс режаси учун асос бўлиб хизмат қилади. Материаллар бошқа эҳтиёжлар ва таълим контекстлари учун осонгина мослаштирилиши мумкин. Шундай экан, бугунги кунда шахснинг ўз-ўзини такомиллаштириши кераклиги истикболли йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнида эса, бу борада ўқувчиларга педагогик ёрдам жуда ҳам зарурдир. Ўқувчининг шахс сифатида намоён бўлиш имконияти педагогик жараёнда жадал ривожлантирилади. Шахсга йўналтирилган ўқув жараёнининг уни тарбиялаш доирасидаги натижаси дунёнинг долзарб масаласи эканлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Шунинг учун бағрикенглик тарбиясини биз муайян мақсадга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнида амалга оширишни назарда тутамиз. Бағрикенглик тарбияси, педагогик жараённинг динамик ривожини билан бир қаторда ўқувчининг узлуксиз такомиллашуви учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия ўзаро узвий алоқадорликдаги яхлит жараён бўлиб ўқувчи шахсининг узлуксиз ривожланишига йўналтирилиши керак. Унда шунингдек, бағрикенгликка оид тушунчаларни мунтазам тарзда ўқувчилар онгига сингдириб бориш мақсади ҳам назарда тутилмоқда.

Шуни айтиш жоизки, таълимнинг амалдаги мазмунида бағрикенглик тушунчасини ўқувчи онгига сингдириб боришга етарлича эътибор берилмаган. Ўқувчининг ҳаётини нуқтаи-назарини ахлоқий меъёрлар доирасида шакллантириш алоҳида ижтимоий педагогик аҳамият касб этади. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда бағрикенгликни ривожлантириш ҳар бир педагогнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Чунки, жамиятда инсонлар орасидаги англашилмовчиликларнинг аксарият қисми уларда бағрикенгликка оид билимнинг етарли даражада шаклланмаганлиги натижасида вужудга

келмоқда. Бағрикенгликнинг етарлича таркиб топмаганлиги учун ҳам одамлар қалбида қўрқув пайдо қилиш, уларни ваҳимага солиш, турли диний экстремистик оқимларга тортиш, диний низоларни келтириб чиқариш, у ёки бу миллатга хос бўлган маданий обидаларни бузиш халқнинг фахри, ифтихори, ғурури, миллий, бойликларига даҳл қилиш ҳолатлари тез-тез учраб турмоқда.

Бағрикенглик тушунчаси шаклланган ёшларда турли ҳил ахборотларни қабул қилиш ва уларни объектив ўзлаштириш кўникмаси ривожланади. Бунинг учун эса, ўқувчилар орасида ишчан муҳит яратилиши керак. Ўқитувчилар синфдаги ишчан муҳитни қўллаб-қувватлашлари лозим. Бағрикенглик тарбиясида ҳар бир ўқувчининг алоҳидалик, ўзига хослик, бағрикенглик тушунчаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ижодий фикрлашга одатланиш даражасини аниқлаган ҳолда, педагогик чора-тадбирларни қўллаш тавсия қилинади. Акс ҳолда, педагогик таъсир имкониятлари намоён бўлмай қолади. Шу билан бир қаторда ўқувчининг инсонийлик қиёфасини ҳам ҳисобга олган ҳолда, бағрикенглик тушунчаларини шакллантиришга киришиш лозим. Ҳозирги кунга қадар бундай имкониятлардан бағрикенглик тарбиясида етарли даражада фойдаланилмапти [21; 25-б.].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир қанча миллат, дин вакиллари таҳсил олаётган таълим муассасаларининг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш самарали натижа беради. Бундай гуруҳлар орасидаги ҳамкорликни ташкил этишда мактаб ўқувчиларининг билиш фаоллигини жонлантириш, жамоа бўлиб ишлаш ҳаракатини тадбиқ этиш натижасида ушбу гуруҳларнинг аъзолари орасида дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳисси таркиб топиб, мустаҳкамланиб боради. Улар секин-аста бир-бирларига кўникиб, ўзаро бардошли бўлишни бошлайдилар. Турли миллат ва динга тегишли бўлган бундай ўқувчилар бир-бирларининг урф-одат ва қадриятлари, турмуш тарзларига ҳурмат билан қарашни ўрганадилар. Шу

билан бирга, шахсий толерантлик тушунчалари камайиб, ўқувчилар кўпрок ижтимоийлашиб борадилар.

Умуман олганда, маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш ўқув муассасасининг стратегик йўналиши бўлиши лозим. Бунга педагогларнинг ўзлари ҳам назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлишлари талаб қилинади. Педагогларнинг умумий иш фаолияти жараёнида нафақат билим бериш ёки методик юкломани бажариш, балки инсон сифатида умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида ўз дунёқарашига эга бўлиш, индивидуал ҳаётий тажриба асосидаги хулосалар, турли инсонлар ва гуруҳлар билан ишлашга мойиллик, киришимлилик, ўзгалар ва ўзгача нарсаларни қабул қилиш шаклланган бўлади. Бу имкониятлар бир инсонда тўлалигича акс этмаса-да, лекин профессионал кўникмаларга эга бўлиб бориш жараёнида, ўқитувчиларнинг ҳаётий тажрибаси давомида юқоридаги кўникмаларда намоён бўлади. Ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантириш жараёнида тамойиллар асосида олиб бориш талаб қилинади. Булар, ижтимоий йўналтирилган педагогик фаолият, ўқувчиларни умуминсоний кадриятларга йўналтириш, субъективлик, педагогик жараённи инсонпарварликка йўналтириш, ўқувчиларнинг индивидуал тажрибаларига таяниш, диалогизм, ўқувчиларнинг позицияларини тушуниш ва қабул қилиш, ўқувчиларга конструктив ёрдам бериш, ҳамкорлик, таълим олаётган шахсни позитив ривожлантиришни мақсад қилиш каби ўзига хос тамойиллар асосида иш юритиш педагог учун самарали натижаларни беради [113].

Инглиз тилини ўрганишда асосий эътибор инглиз тилида гаплашувчи халқлари ҳаётининг турли жиҳатларига ва ўзбеклар ҳаёти билан таққослаб ўрганишга қаратилади. Маданиятларо таълимга йўналтирилган ўқувчилар ижодкор, моддий ва маънавий бойликни яратишга қодир, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбияланган бағрикенг шахснинг психологик ва педагогик шароитларини таъминлашга интилади. Баъзи олимлар маданий компонентни тилшуносликнинг ажралмас қисми деб

ҳисоблашади: “ҳозирги кунда тилни ўрганишда ишлатилаётган ҳар қандай манба миллий ва маданиятга тегишли маълумотларсиз имконсиз” [80; 88-б.].

“Чет тили” дарслари ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун катта имкониятларга эга. Чет тили – бу мактаб, ижтимоий ва таълим муҳотидаги кўп маданиятли муҳитнинг бир қисми бўлиб, бағрикенгликни шакллантириш бунда амалга ошириладиган маданиятлараро, ижтимоий ва маърифий муносабатлар тизимидаги каби муҳит, тарғибот миллий маданиятни ўзлаштириш, шаклланиши маданий таълим орқали инсон кадриятлари чет тилини ўрганиш шартларидир.

Қирғизистонлик олимлар Т.Х.Акбаров, У.Б.Орунбоевларнинг фикрига кўра, ўқувчиларда бағрикенгликни тарбиялаш учун кўйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур: 1. Бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга одамлар ҳар хил бўлиши, улар билан яхши муомала қилиб яшаш керак эканлигини тушунтириш. 2. Ҳар бир нарса ўзини тақрорланмас, кадрли хусусиятларига эга эканлиги, шунинг учун бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак эканлигини тушунтириш. 3. Ўзининг ўз халқининг маданияти, ҳаёт тарзини бошқаларникидан устун деб ҳисобламасликка ўргатиш [23].

Ёш авлодда бағрикенгликни тарбиялаш кўйидагиларни ўз ичига олади: 1. Дунёдаги барча нарсаларнинг (ер шаридаги материклар, давлатлар, уларда яшовчи халқлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқ.) турлича эканлигини тушунтириш. 2. Миллатларни ирқи, дини, ҳаёт-тарзи ҳар хил эканлигини тушунтириш. 3. Миллатлар бир-биридан фарқ қилишини тушунтириш. 4. Кишилардаги фарқларга бағрикенглик ва сабр билан муносабатда бўлиш. 5. Фуқароларни ўзаро тинч-тотувликда яшашга ўргатиш. 6. Ёшларга масъулиятни сезган ҳолда, жавобгарликни юқорилатиш йўналишида тарбия бериш. 7. Ёш авлодда вазминликни кучайтириш, бағрикенглик, сабрлилик, чидамлилиқ каби хусусиятларни тарбиялаш [23].

Россиянинг Тула вилоятидаги иккита мактабида тадқиқотчи А. Кодокова томонидан 2012 йил май ойида 14-17 ёшлардан иборат 104 нафар

ўқувчидан 5 саволлар бўйича сўровнома ўтказилди [57; 14-15 б.]: 1) Сиз ўзингизни бағритош деб ўйлайсизми? 2) Мактабларда бағрикенглик ҳақида гапиришимиз керакми? 3) Бошқа миллатларга ҳақида билганингизда сўнг уларга бўлган муносабатингиз ўзгардимиз? 4) Россия кўп миллатли мамлакат деб ўйлайсизми? 5) Чет тилини ўрганиш бизга бошқа маданиятларни билишга ва бизни янада бағрикенг бўлишга ёрдам беради деб ўйлайсизми?

Натижалар шуни кўрсатдики, деярли жами сўровномада иштирок этганларнинг ярми мактабларда бағрикенглик ўтилиши керак деб ўйлашади. Шу билан бирга, бағрикенглик тушунчасини яхши англаб етмагаслиги сабабли 1 саволга ҳа деб жавоб берган. Умуман, дарслардан кейин ўқувчиларнинг 80% ўзларини бағрикенг деб ҳисоблашади. Ўқувчиларнинг ярмидан кўп қисмининг таъкидлашича, чет тили дарслари бошқа халқ маданиятларини ўрганишга ва янада бағрикенг бўлишга ўргатади [60; 14-15 б.].

Шундай экан дарсга оид бўлган манбалар бағрикенгликка оид мавзулар билан бойитилиши керак. Тилни ўргатиш халқ маданиятидан хабардор бўлишга ва хорижий тилни ўқитиш эса, бошқа халқ маданиятларига нисбатан бағрикенг бўлишга ўргатади. Чет тили ўқитувчилари ўқувчиларнинг дунёқарашини ва ўқувчиларнинг қадриятларини шакллантириш имкониятига эга. Умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синф ўқувчилари чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда қуйидаги мавзулардан кенг фойдаланиш мумкин: “Миллатлараро дўстлик”, “Ўзбекистон жаҳон интеграциялашувига йўл”, “Ўзбекистон умумий уйимиз”, “Миллатлараро тотувлик”, “Бу улуг Ватан меники”, “Мен Ўзбекистон фуқаросиман”, “Ватаним фахрим”, “Тил – дунё калитидир”, “Дунё маънавий мерослари”, “Турли миллат урф-одатлари”.

Миллатлараро дўстлик мавзусини ўқитишда ўқитувчи ўқувчиларга “Менинг хорижлик дўстим” мавзусида эркин иншо ёзишни топшириқ сифатида бериши мумкин. Бунда ўқувчилар ўзларига таниш бўлган

инсонлари ҳақида иншо ёзишлари мумкин. Иншо ёзиш жараёнида ўқувчилар инглиз тилида ёзиш куникмасини ривожлантириш имкониятига эга бўлибгина қолмай уларни бошқа халқ маданиятни ҳурмат қилиш, кадриятларини қадрлаш, унинг маданиятидан хабардор бўлишликни ўргатади. Шунингдек, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун дарс жараёнини қуйидаги методлар ёрдамида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. “Саволлар ва муҳокама” (15 дақиқа) методидан 8 синф инглиз тили дарсида фойдаланилиб, дарс ишланмаси тузиб чиқилди (7-илова). Бунда ўқитувчи икки қатор кириш саволларини беради. Саволлар биринчи қатори бағрикенгликка тааллуқли (“Бағрикенглик нима? Нима учун бугунги кунда бу бундай машҳур сўз?”, “Унга шахсий муносабатингиз қандай?”); иккинчи қаторининг дастлабки саволлари эса маданиятга тааллуқли (“Кадриятлар нима?”, “Инглиз кадриятлари нима? Анъанавий ўзбек кадриятлари нима?”). Ўқитувчи ушбу муҳокама сўнгида фикрларга хулоса ясаб, турли халқларнинг маданиятлари, кадриятлари ва эътиқодлари бир-биридан ажралиб туриши ва уларнинг вакиллари ўртасидаги тушунмовчиликларга чек қўйиш учун улар бошқа халқ маданияти ва эътиқодларини ўзаро ҳурмат қилиш, ҳамдард бўлиш кераклиги тўғрисида тушунтириш беради. “Ўқувчиларда бағрикенглик тамойилини шакллантириш” методида эса ўқитувчи иштирокчиларга яна бир савол беради: “Бағрикенглик универсал тамойилми? ёки дунёда ҳеч қачон тоқат қилиб бўлмайдиган нарсалар борми? Нима бўлган тақдирда ҳам бағрикенг бўлишимиз керакми?” Ўқитувчи иштирокчиларни бағрикенглик тамойили асосий инсон ҳуқуқлари ва ахлоқий кадриятлар билан муносабат бўлиши керак деган ғояга йўналтиради. Бироқ, шуни унутмаслигимиз керакки, биз муайян хатти-ҳаракатларга тоқат қилишдан бош тортишимиз, бошқаларнинг кадриятларига ҳеч қачон ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмаслигимиз ва асосийси инсон ҳуқуқларини бузмаслигимиз керак. Ўқитувчи гуруҳни бағрикенглик тамойилини шакллантиришга таклиф қилади (кичик

гуруҳларда), гуруҳ иштирокчилари бирма бир доскага чиқиб бағрикенглик сифатларини ёзишади ва жараён сўнгида яқуний таърифлар ўқитувчи томонидан белгилаб берилади.

Шу тариқа инглиз тилини ўқитиш жараёнида тили ўрганилаётган халқ маданияти ҳам бирдек ўргатиб борилади. Шу билан бирга, маданият орқали ҳилма хил муаммолар билан шуғулланишнинг ўзига хос йўлларини таклиф этади. Чет тили дарслари ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун жуда катта имкониятлар тақдим этади. Бағрикенглик мавжуд муҳитда эса, ишонч ва ўзаро ҳурмат, самимий хатти-ҳаракатлар, ҳамдардлик ва ҳамкорлик ҳукм суради.

1.3-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича хорижий тажрибалар ва уларни оммалаштириш

Чет тилининг жаҳон сахнасидаги юксалиши мафкуравий сиёсат, иқтисодиёт ва халқлар миграциясининг доимий ўсиши тил алоқаларининг ривожланишини тезлашишида мулоқотнинг мунтазам янги мақсадларининг пайдо бўлиши чет тилларни ўзлаштиришга қизиқишни ортишига сабаб бўлади. Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишнинг янги мақсади бу ўқув жараёнида маданиятга оид маълумотларни мавжудлигини айтишимиз мумкин.

Табийки, бугунги кунда чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида янги муаммолар мавжуд бўлиб, улар методологик ёндашувларни янгилаш зарурлигини тақозо этмоқда. Чет тилини алоқа воситаси сифатида эгаллаш қанчалик қийин бўлса, халқлар тиллари ва маданиятларини фарқлаш шунчалик мураккаб бўлади. Бинобарин, муайян халқнинг маданий хусусиятларини ҳисобга олиш орқали турли халқлар вакиллари ўртасидаги мулоқот даражасининг сифат жиҳатидан ошишига эришилади. Шу ўринда

айтиб ўтиш керакки, бағрикенгликнинг жамиятдаги, ижтимоий соҳалардаги, таълимдаги ўрни Афдал (2005), Браун (2006), Гутри, Кинг ва Палмер (2000), Терензини, Кабрера, Колбек, Бёрклунд ва Паренте (2001), Хендерсон-Кинг ва Калета (2000), Нието каби кўпчилик олимлар томонидан кенг ўрганилган (2005).

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларини назарий таҳлил қилиш хулоса қилишга олиб келади, бағрикенглик нафақат таълимда, балки бошқа соҳаларда ҳам асосий аҳамиятга эга. Масалан, Афдал (2005) бағрикенглик жамиятнинг кўплаб соҳаларида асосий идеал эканлигини таъкидлади. Бағрикенг бўлмаслик айбловлари, тоқат қилмаслик жиддий ва аксарият ҳолларда инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий ҳурматига зарар етказиши мумкин. С.Уелдон (2006) бағрикенгликни либерал демократик эътиқод, бу фуқаролардан сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ишларда тўлиқ иштирок этишни талаб қилади, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи бағрикенглик тушунчалари ва тенг фикр мавжуд. Масалан, Браун (2000) учун “бағрикенглик нутқи” кўп маданиятли адолатнинг ва фуқаролик тинчлиги маёқига айланди. Брауннинг сўзларига кўра, бағрикенглик ўзликни англаш сиёсати билан боғлиқ бўлган.

Профессор С. Нието (2006) таълимдаги тенгликни таъкидлади. С. Нието иккаласи ҳам – таълимдаги тенглик ва ижтимоий адолат концепциясига таянади. Унинг фикрига кўра, бў тўртта таркибий қисмдан иборат. Биринчидан, у таркибий тенгсизлик ва камситишга олиб келадиган, ирк, ижтимоий синф, жинс ва бошқа ижтимоий ва инсоний фарқларга асосланган нотўғри тушунчаларни, ёлғонларни бузади. Иккинчидан, ижтимоий адолат истиқболи – бу барча ўқувчиларни тўлиқ салоҳиятини ўрганиш учун зарур бўлган манбалар билан таъминлаш. Ўқувчиларнинг қобилияти ва кадр-қимматига ишониш, уларга ғамхўрлик қилиш каби ҳиссий манбалар жисмоний шахслар сифатида бир хил даражада муҳимдир. Ижтимоий адолат истиқболининг учинчи компоненти ўқувчилар ўзларининг

таълимларига олиб келадиган қобилиятлари ва кучлари намуналаридир. Ушбу манбалар уларнинг тиллари, маданияти ва тажрибаларини ўз ичига олади. Ижтимоий адолатнинг тўртинчи муҳим таркибий қисми бу танқидий фикрлашни тарғиб қиладиган ва ижтимоий ўзгаришларни қўллаб-қувватлайдиган ўқув муҳитини яратишдир.

Тўлиқ ишонч билан биз чинакам бағрикенгликни ва меҳрибонлик, сабр-тоқат, ўзини тута билиш, севги каби ўзига хос хусусиятларни тенглаштира оламиз. Ҳатто тоқат қилмаслик ҳам бу фазилатларнинг борлиги ёки йўқлиги билан ифодаланиши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, бағрикенглик бу ўқувчининг ўзини тутиши, унинг айтиб ўтилган фазилатларга муносабатидир. Бу инсон табиатининг намоён бўлишидир. Умуман айтганда, биз бағрикенглик деганда, ўзингизникидан фарқ қиладиган ҳис-туйғуларни ва одатларни қабул қилишга истаги деб тушунамиз. Бу турли хил қарашлар ва эътиқодларга, хатти-ҳаракатлар ва амалиётларга ҳурматни англайди.

Бағрикенглик тушунчасининг моҳиятини Т.А. Баклашева, Е.М. Галишникова ва Л.В. Хафизовалар ўз мақолаларида ўрганиб чиқиб, унда муаллифлар бағрикенглик – бу жамиятда инсонда шаклландиган фазилат, бу ҳар бир шахснинг ички таҳминлари сифатида талаб қилинадиган инсоннинг фазилати деган хулосага келишган. Ушбу ҳодисани тушунишнинг энг кенг тарқалган йўналишлари ёки бағрикенглик тушунчаси: диний бағрикенглик, ирқий ва этник бағрикенглик, сиёсий бағрикенглик, ногиронларга қарши бағрикенглик, гендер бағрикенглиги ва жинсий бағрикенглик, таълим бағрикенглик [41; 38-44 б.]. Маълумки, бағрикенгликни шакллантиришда чет тили муҳим роль ўйнайди. Иккинчи тилни ўрганиш таълимнинг асосий элементи бўлиши керак. Мактаб битирувчиси дунё хилма-хиллиги ва фарқлилиги билан ажралиб туришини тушуниши керак. Маданий хурофотлар, ирқчилик каби муаммолар чет тилидаги синфларда ўрганилиши мумкин. Бундай таъсирланиш маданий ҳамдардлик ва одамлар ўртасидаги

Ўзаро боғлиқликни тушунишни ривожланишига ёрдам беради. Чет тилини ўрганиш глобал иқтисодиётда мустахкам пойдеворни ривожлантириш, турли маданиятлар, жойлар ва турмуш тарзи ҳақида билиш, одамлар билан эркинроқ мулоқот қилиш каби имкониятлар эшигини очади. У нафақат ўқувчиларнинг ақлий диққати, ўқиш ва ёзиш каби қобилиятларини оширади балки уларнинг онгини янги маданиятларга очади ва янги фикрлаш услублари, чет эл маданияти ва анъаналарини кўриб чиқиш имкониятини беради.

Маданий амалиётлар, ижтимоий урф-одатлар ва тил чегаралари бўйлаб ахлоқий амалиётларлардан хабардорлик кўп маданиятли дунёга чуқур ҳурмат кўрсатишга ва уларга мослашишни осонлаштиришни ўргатади. Чет тилидаги дастурнинг таркибидаги ўзгаришларга чуқур эътибор ўқувчиларнинг ўрганиши керак бўлган билими ва кадриятларига таъсир кўрсатади (Исмагилова и Полякова, 2014). Бағрикенгликни шакллантиришда чет тилларни ўрганишнинг ўрни катта аҳамиятга эга. С.Ренауд и Э.Танненбаум томонидан таъкидланганидек, турли хил маданиятлардан ташкил топган синф муҳити ҳамдардликни ҳосил қилиш ва инглиз тилини эгаллашни ривожлантириш учун завқланиш ва кашфиётларга жуда кўп имкониятларни таклиф этади [93; 24-25 б.]. Таълим тизимида бағрикенглик энг кўп учрайдиган тушунча бўлиб, бу мавзу бўйича ўнлаб йиллар давомида тадқиқотлар олиб борилган (Федерико, 2005; Гибсон, Дюк ва Тедин, 1992; Голебиовска, 1995; Мур ва Овадия, 2006; Салливан ва Трансеуе, 1999; Вогт, 1997; Уилсон, 1994). Бағрикенгликнинг дастлабки тадқиқотларидан бошлаб, у таълим билан аниқ ва ижобий боғлиқдир. Яхши маълумотли одамлар фуқаролик эркинликлари ва умуман бағрикенгликка кўпроқ риоя қиладилар ва кам маълумотли кишиларга нисбатан уларни ёқтирмайдиган гуруҳга нисбатан қўллашда бағрикенглик тамойилларидан қочишга мойил эмаслар. Ушбу тарбиявий таъсирлар қандай шароитларда ҳақиқатни сақлайди ва таълим қандай қилиб ва нима учун бағрикенгликни ривожлантиради, бугунги

кунгача бағрикенглик тадқиқотларида ҳал қилувчи масалалар бўлиб қолмоқда. Вогт (1997) ўзининг “Бағрикенглик ва таълим китобида бугунги кунга қадар бағрикенглик ва таълим ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиб, қуйидагича хулоса қилади: “Таълим нафақат ўқувчиларга янги маълумотлар беради, балки янги ижтимоий тажрибалар билан уларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириши, шахсий хусусиятларини ўзгартириши ва таъминлаши мумкин” [38; 246-б.].

Вогт таълим таъсирининг тўртта кенг тарқалган изоҳига ишора қилади: а) шахснинг ривожланиши, б) когнитив ривожланиш, с) гуруҳлараро алоқа ва д) фуқаролик, ахлоқий ва кўп маданиятли кўрсатмалар. Ушбу тадқиқотлар, хусусан, 3-бобдаги тадқиқотлар, ўқитувчиларнинг бағрикенгликка хос иккиланишларни қандай ҳал қилишлари унинг мактаблардаги амалиётига қандай таъсир қилишини билишимизга катта ёрдам беради. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот таълим жараёнлари бағрикенгликнинг пайдо бўлишига қандай кўмаклашиши ва уларни олдини олиш тўғрисида тушунча беради.

Натижалар шуни кўрсатадики, ўқитувчилар мактаб ўқувчиларига уларнинг тоқат қилинадиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган нарсалар ҳақидаги тушунчаларини етказадилар. Шундай қилиб, чет тилларни ўқитиш амалиётига маданиятлараро ёндашувни жорий этилиши, шубҳасиз, долзарб ва инновацион характерга эга.

Ўзаро маданиятлараро мулоқотни ўқув жараёнидаги лингвистик ва маданий жиҳатларини ҳисобга олмасдан туриб ўзлаштириб бўлмайди. Мамлакатшунослик ҳақидаги маълумотлар шундай услубда тақдим этилиши керакки хорижий тилни ўрганувчиларда катта қизиқиш уйғота олиши керак. Шунингдек, ўз мамлакати ҳақидаги маълумотлар билан таққосланган ҳолда тақдим этилиши керак. Шубҳа йўқки, тилларни ушбу тилда сўзлашувчи халқларнинг дунёси ва маданияти билан биргаликда ўрганиш лозим.

Халқларнинг миллий маданиятлари бир бирларидан жуда катта фарқ қилади, шунинг учун уларнинг ўзаро алоқалари билан боғлиқ муаммолар

мавжуд. Бу қийинчиликларни камайтириш учун ҳар қандай чет тилини уша халқ маданияти билан таништира туриб ўрганиш лозим. Тил бу маданиятнинг кўриқчиси ва ташувчиси, грамматика, иборалар, мақоллар, халқ фольклори, илмий ва бадиий адабиёт, оғзаки ва ёзма нутқда сақланиб қолган маданий кадриятлар сақлагувчисидир. Муваффақиятли мулоқот қилиш учун бошқа маданият ҳақидаги билимларимиздан фойдаланишимиз керак.

Чет тилларни ўргатишга ўзаро маданий ёндашув кўникмаларини шакллантиришни талаб қилади, бу эса, ўз миллий маданиятини йўқотмасдан маданий мулоқотни амалга ошириш қобилиятини шакллантиришни назарда тутди. Шундай қилиб, хулоса қилиш керакки, турли маданиятлар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганиш халқларнинг маданий хусусиятларини ўрганиш билан бир вақтда содир бўлиши керак, бу ерда асосий устунлик шундаки, бошқа маданиятга нисбатан бағрикенгликни ривожлантириш, ўз навбатида, тили ўрганилаётган халқларнинг келажакда етарли даражада мулоқот қилиш имконини беради.

Ҳеч шубҳа йўқки, шахсни бағрикенглигини шакллантириш замонавий мактабнинг етакчи тарбиявий вазибаларидан бирига айланиши керак. Б. Шоу ҳам шундай дейди: “энди биз қушлар каби ҳавода учини, худди балиқ каби сув остида сузишни ўрганганмизда, бизга фақат битта нарса етишмайди: одамлар каби ерда яшашни ўрганиш”.

Ҳозирги босқичда чет тилини ўргатишда асосий эътибор ўқувчиларни маданиятлараро мулоқотга киришишига қаратилади. Чет тили бу тасаввур тизими шахснинг кадр-қийматига бевосита таъсир этадиган, бағрикенглик муаммосини ҳал этиш учун кўплаб имкониятлар берадиган фандир. Биз, чет тили ўқитувчилари ўқув жараёнини шундай қуришимиз керакки, болалар дунёнинг хилма-хиллигини кўра олсинлар, унинг кўп қирралилигини қабул қила бошласинлар ва бошқалардан фарқ қилишдан қўрқмасинлар. Антуан де

Сент-Экзюпери шундай деган: “агар мен сизга қандайдир ҳолатда ўхшамасам, сизни умуман ҳақорат қилмайман, аксинча, сизни улуғлайман”.

Бағрикенглик мавзуси ўқитишнинг барча соҳаларида етакчи ҳисобланади. Жумладан, О.В. Афанасьева, И.Н. Михиева “Rainbow” [62] ва М.З. Биболетова, Н.Н. Трубаневанинг [88] “Enjoy English” ўқув кўлланмаларида қандай қилиб бир-бирини тушунишнинг ўрганиш; миллий либослар, имо-ишоралар; инглиз эртаклари, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар анъаналари; жаҳон маданияти арбоблари ва хорижий тенгдошлари мактабдаги ҳаёти; шахслараро можаролар ва уларнинг бадиий асарлари мисолида ҳал этиш кабилар берилган. Бу мавзулар шахсларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун катта имкониятлар яратади. Дастурга мувофиқ инглиз тили дарсларини шундай қуриш керакки, ўқувчилар ўзларининг қизиқишларига яқин бўлган мавзуларга тўхталиб ўтишлари керак: “Менинг мактабим”, “Мен ва оилам”, “Дўстларим”, “Мен ва соғлиғим” ва бошқалар. Ўқувчи, унинг муаммолари, қизиқишлари ва ҳаёти тадқиқот марказидан жой олади. Дарс мавзуси оила ҳақида бўлса, болалар ўз қариндошлари, ота-оналар, бобоси, бувиси ҳақида фахрланиб гапиришади, уларнинг суръатларини, чизмаларини тақдим этишади, яқинларининг қизиқишлари ҳақида билиб, уларга бўлган муносабатлари ҳақида ўйлаб қолишади. Севги ва дўстлик мавзулари барча халқлар учун тушунарли ва абадийдир. Демак, маданиятлараро мулоқот диалог сифатида ўз халқи меросига қўшимча тарзда, бошқа маданиятга доир мавзулар бўйича амалга оширилиши мумкин. Шу тариқа ўқувчиларнинг ўзаро маданий мулоқотга доир дунёқарашини, ўз мамлакатини, ҳам кичик Ватанини ифодалаш қобилиятини ривожлантирамыз.

7-синф “What do my clothes say about me” дарсида ўқувчилар бошқа халқларнинг миллий либослари орқали уларни қадриятлари ва урф-одатларини билиб оладилар ва уларни Ўзбекистондаги хулқ-атвор қоидалари билан таққослайдилар. Дарсининг кириш қисми инглиз тилидаги “What do you

know about clothing? (“Менинг либосларим ҳақида нималарни биласиз?”) саволидан фойдаланиб дарс бошланади. Дарсларда ўқувчиларга турли халқ маданияти вакилларининг миллий либослари кўрсатилиб, уларнинг урф-одатлари, қадриятлари ҳақида маълумотлар берилади. Бу эса, жаҳон маданияти ва ўз маданиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Дарснинг бошқа жиҳатлари ўқитишнинг методик тизимига ўқитувчининг шахси ва хулқ-атвори ҳам киритилади. Чет тили ўқув фани сифатида муҳим аҳамиятга эга: биз табиатан шахсга тегишли бўлган мулоқотни ўргатамиз. Ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотда шерик бўлишлари, дарс эса, ижодий дўстлик муҳитини яратувчи жой бўлиши керак. Ўқитувчининг вазифаси шундан иборат бўлиши керакки, ўқувчиларни мавзу ва муаммони муҳокама қилишга қизиқтириш, ўзи ҳам уларни диққат билан тинглаши, ўқувчиларни ҳам бунга ўргатиш, ўзини самимий тутиш, хатоларни тўғри жавобга ишора шаклида тўғирлашдир. Агар ўқитувчи бу муаммоларнинг барчасини муваффақиятли ҳал қилишга эриша олса, ҳар бир дарс бағрикенглик кўникмаларини шакллантирадиган дарс бўлади. Бу жараёнда ўқувчилар фаол иштирок этса, таълим ва тарбия янада самарали бўлади. Бағрикенгликка қаратилган дарсларда ўқувчиларнинг афоризмлари, буюк шахсларнинг сўзлари, шеърлар ва расмлардан ташкил топган тарқатма материаллардан муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Мисол учун, 8-9 синфлар инглиз тили дарси Америкага саёҳат мавзусида бўлса дарс бошланишида Тереза онанинг “Let us always meet each other with a smile, for the smile is the beginning of love” – “Келинг ҳар доим табассум билан учрашайлик, табассум бу муҳаббатнинг бошланишидир” дея фикри билан бошланади.

Табассум – америкаликларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири. Инсон табассум қилганда, демак, улар яхши кайфиятда ва ҳамма билан дўстона муносабатда бўлишади. Америка жамиятининг яна бир ўзига хос хусусияти ҳар бир инсоннинг салоҳиятига ишониш ва уларнинг ўзига ишониш

қобилиятидир. Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилади: “Ўзингизга ишонинг!” (“Believe in yourself!”).

Инглиз тилида мулоқот, бу реал ҳаётда доимий ўзаро маданиятлараро таъсир кўрсатишдир. Ўқувчиларга бировнинг маданияти биздан кўра ёмонроқ ёки яхшироқ эмаслигини етказиш керак, бу фақат бошқача ва сиз бу фарқларни бағрикенглик билан тушунишингиз керак. Ўқувчи бошқа мамлакатлар ва халқлар маданияти билан танишар экан, ўқитувчининг шу тилнинг халқига, юртига, унинг тарихи, маданияти ва дунёдаги ўрнига нисбатан бўлган ҳурматини кўра олиши лозим.

Ўқитувчи ўрганилаётган тилнинг ўлкасида яшаши ва тили билан мулоқот қилиш тажрибасига эга бўлса, дарснинг эмоционал таъсири кучлироқ бўлади. Лекин, афсуски, бир нечта ўқитувчилар аниқ сабабларга кўра, чет элга саёҳат қила олмаслиги мумкин.

Лексик материаллар чет тили дарсларида бағрикенгликни кучайтириш имкониятларини ҳам беради. Тил ва нутқ бирликлари, грамматик ва лексик бурилишлар хушмуомилалликни, тинч, осойишта суҳбат тарзини кафолатлайди. Кўпгина инглиз тилидаги сўз ва иборалар инсоннинг шахсий ҳаётига эҳтиёткорона муносабатни ифодалайди. “Менинг уйим – менинг қалъам” мақоли шахсий, оилавий ҳаётга бўлган ҳурматни акс эттиради. Буларнинг барчаси инглиз тили ўқитувчисига, ўқувчиларга ва одамларга, инглиз маданияти ва анъаналарига, шунингдек, яхши хулқ-атворга эга бўлишликни, ҳурмат қилишни ўргатиш имкониятини беради. Шу билан бирга дарсларда қўшиқ материалдан фойдаланиш ҳам ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади. Чет тили дарсини инглиз тилидаги қўшиқлар билан бошлаш инглиз маданияти муҳитини ҳосил қилишга имкон беради. Муайян қўшиқ ижро этилиши ўқувчиларни чет тили муҳитига киришларига ёрдам беради. Ҳар бир байрам, имконият, мавзу учун мос бўлган қўшиқни ўрганилади. Агар тил жиҳатидан тушуниш осон бўлган қўшиқларни танланса, улар

тушуниш осонроқ бўлади. Ўқувчилар ўқув йили давомида жуда кўп кўшиқларни ўрганишлари мумкин (Jingle Bells, жим кеча, кеча ва бошқалар). Кейин ўрта ва ўрта мактабларда Ватан, дўстлик ҳақидаги кўшиқлар ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади (What a wonderful world ва ҳоказо).

Агар ўқитувчи тили ўрганилаётган халқ орасида яшаб, ўша тил сўзлашувчилари билан мулоқот қилиш тажрибасига эга бўлса, дарснинг эмоционал таъсири янада кучлироқ бўлади. Афсуски, чет элга саёхат фақат маълум сабабларга кўра, кам сонли ўқитувчилар учун мумкин.

Чет тили дарсларида бағрикенгликни ривожлантириш имкониятлари лексик материалга киритилган. Тилшунослик ва нутқ бирликлари, грамматик ва лексик иборалар мулойимлик, суҳбатни тинч ва осойишта ўтказишини кафолатлайди. Кўпгина инглиз тилидаги сўзлар ва иборалар инсоннинг шахсий ҳаётига ҳурматни тавсифлайди.

Дарслар, синфдан ташқари ишлар ва чет тили ҳафталикларида ўрганган кўшиқлари ижро этилиши орқали уларни кўшиқ ҳақидаги маълумотлари мустаҳкамланади. Рус тадқиқотчиларидан С.В.Шманатова томонидан 2017 йил 16 декабрда эълон қилинган [131] мақоласида ўзининг тажрибаларини куйидагича изоҳлайди: “Ҳар чорак ёки таътил охирида мен кўшиқ видео сериясидан фойдаланган ҳолда байрам дарсларини ўтказаман. Мен ҳар доим болаларнинг эътиборини биз бир сайёрада яшашимизга қаратаман. Шу билан бирга, агар имконият бўлса, у ҳолда инглиз тили дарсларига инглиз тилида яхши гапира оладиган одамларни меҳмон сифатида суҳбат қилишга таклиф қилиш керак. Бу каби учрашувлар дарсларда алоқа муҳитини яратишга имкон беради. Ушбу мавзуга кўшимча равишда бошқа мамлакатдаги тенгдошлари билан алоқа электрон хабар алмашиш (электрон почта) орқали содир бўлиши мумкин ва алоқа ҳам индивидуал, ҳам гуруҳли бўлиши мумкин. Электрон хабар алмашиш ўқувчиларнинг ёзиш қобилиятлари билан бир қаторда мулоқот қобилиятларини ривожлантириш учун жуда яхши восита. Чет элдаги тенгдошлари билан мулоқот маданиятлараро

бағрикенглик шахсини шакллантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, интернетнинг турли мамлакатлардаги ёшлар ҳақидаги газетадаги матнларни танлаб, ўқувчиларни турли мамлакатлардаги тенгдошлар ўртасидаги муносабатлар мавзусига жалб қилиш орқали ҳам ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга катта ёрдам беради.

Шунингдек, ёш авлодни ўзаро тушуниш мавзуси ўқувчиларнинг қизиқиши ва ҳиссий томонларига таъсир қилади, яъни бериладиган манбаларнинг янгилиги ва долзарблиги, замонавий инглиз тилининг сўз бойлиги, муаллифнинг ўзи номидан манба тақдимоти ва ҳ.к. Шу билан бирга, синфдан ташқари ишлар тилни ўрганишнинг барча жабҳаларида ижобий роль ўйнайди. “Christmas”, “New Year”, “Thanksgiving Day” каби байрамлар тўғрисида тушунчага эга бўлиш ўқувчиларда чет эл маданиятига нисбатан ҳурмат билан қарашни ўргатади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчилар ушбу байрамларда четда қолишни истамайдилар ва мактабда инглиз тилида байрам тадбирларини ўтказишда фаол қатнашадилар. Бундай тадбирларнинг мақсади инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг урф-одатлари тўғрисидаги билимларни кенгайтириш, ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини фаоллаштириш, шу билан бирга тилга қизиқишни оширишдир. Бу каби тадбирлар юзасидан С.В.Шманатова [133] қуйидагича таърифлайди: “New Year”, “Christmas” каби тадбирлар учун визуал материаллар, саҳналар учун либослар тайёрлаймиз, саҳнани безатамиз, меҳмонларни ўз қўлларимиз билан таклиф қиламиз. Кўплаб байрамлар учун биз посткарталарни, табрикларни тайёрлаймиз, ўқиймиз, мавзуларни муҳокама қиламиз, деворий газеталар ва реклама рисолаларини чиқарамиз. Шунини айтиш жоизки, “Инглиз шеърят байрами” қизиқарли тарзда ўтади, унда ўқувчилар ва ўқитувчилар болалиқдан ҳаммага таниш бўлган инглизча қофияларни ўқишади. Дарсларни ва синфдан ташқари ишларни ўзига хос, ноанъанавий шаклда ўтказиш нафақат нутқ фаолиятининг асосий турларини ривожлантиришга, балки мактаб ўқувчиларининг ижодий ташаббусларини шакллантиришга

қаратилган. Бундан ташқари, инглиз тили дарсларида ҳар қандай мавзу бўйича мақол ва маталлар билан ишлаш ўқувчилар учун катта қизиқиш уйғотади, шунинг учун уларни керакли мавзу бўйича танлаб олиш мумкин. Масалан: ўқувчиларга бағрикенглик мавзусидаги мақолларни эслаб қолиш таклиф қилинди. Ўқитувчи уларнинг ишларини текширади ва таклифлар киритади. Биргаликдаги фаолият натижасида тахминан руйхат шаклланади: 1) A friend's eye is a good mirror. 2) A friend in need is a friend indeed. 3) East or West home is best. 4) There is no place like home. 5) Two heads are better than one. 6) Live and let live. 7) It is never late to learn. 8) Tastes differ. 9) When in Rome do as Romans do. 10) All is well that ends well.

Иш тарзда тузилиши мумкин: 1. Жуфт бўлиб ишлаш. Ўқувчилар инглиз тилида мақоллар ва маталлар билан карточкаларни олишади ва ўзбек тилидаги маънодош бўлган картадаги вариантларни танлашади. Ўқувчилар ўзларининг вариантларини ўқийдилар, ўқитувчи билан синфда муҳокама қиладилар ва тўғри жавобни топадилар. 2. Ўқувчилар жуфтликда ишлайди: бири инглиз тилидаги шаклини, бошқаси ўзбек тилидаги шаклини айтадилар, кейин талабалар ролларни алмаштиради. 3. Ўқитувчи бошқа карталарни тарқатади, бу ерда сўзларнинг бир қисми битта картада жойлашган бўлиб, унинг иккинчи қисмини бошқа картадан топишингиз керак. Кейин ўқувчилар мақолларни тўлиқ ўқишади.

Шундай қилиб, тақрорлаш натижасида ўқувчилар мақолларни ёддан ўрганадилар ва уларни ўз нутқларида қўллашлари мумкин. Бундай иш ҳар доим жонли бўлади. Ўқувчилар ўзларининг ижодкорлигини, ўзаро ёрдамини, сабр-тоқатини ва синфдошларининг фикрларига нисбатан бағрикенглигини намойиш этади. Инглиз тили курсида кўплаб мавзулар мавжуд бўлиб, уларни ўрганишда бағрикенглик тарбияси муаммосини таъкидлаш зарур. Масалан, дастлаб “Ташқи кўринишнинг тавсифи” мавзуси бўйича сўз бойлигини оширишда, шунингдек, диалогларни тузишда одатда турли ирқ рангларига эга, миллий либосларда кийинган ва ҳар доим жилмайиб турадиган

одамларнинг тасвирларидан фойдаланилади. Ўқувчилар кўзлари, сочлари рангини номлайдилар, “Do you like them?”, “And why?” деган саволларга жавоб беришади, қайси бири билан дўст бўлишни исташларини улар билан келишинг. Ўрта ҳаволада “Living together” мавзусини ўрганаётганда ижтимоий фаолият соҳаси, оиладаги муносабатлар, дўстлар билан муносабатлар, шунингдек, она тилининг ва таржима қилинадиган тил мамлакатларининг маданий хусусиятларига тўхтаб ўтилиши керак.

Барча ўқув материалларида келтирилган “Environment problems” ва “Sport” каби мавзуларни ўрганиш, асосий эътибор бутун жамиятнинг ҳавфсиз ривожланишига ягона нуқтаи назар билан биз барча халқларни бирлаштира оладиган дастлабки ғоя сайёрамизда фаровонликка эришишимиз мумкин, деган фикрга қаратилади. Кўпгина инглиз тилидаги сўзлар ва иборалар инсоннинг шахсий ҳаётига ҳурматни тавсифлайди. “Privacy” махсус атамаси (шахсий, шахсий ҳаёт), “My home is my castle” (“Менинг уйим – менинг қалъам”) мақол, шахсий ва оилавий ҳаётга ҳурматни акс эттиради.

Бошқа шахснинг фикрига нисбатан ҳурматли муносабатни тарбиялаш элементини ўз ичига олган техникадан ҳам фойдаланилади. Оғзаки машқларнинг хилма-хиллиги ўқувчиларнинг диққатини шакллантиради: улар ўзларининг сеvimли машғулотларига ва дидларига бошқа ўқувчининг сеvimли машғулотларига қарши туришни ўрганадилар.

Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга катта имкон берадиган ролли ва тақлидли ўйинлардан, тескари алоқа, ҳис-туйғулар ва ҳиссиётлар алмашинуви билан боғлиқ машқлар фойдаланиш, “бу ерда ва ҳозирда” акс эттиришни ташкил этиш, болаларнинг қизиқишлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган муаммоларни муҳокама қилиш, лойиҳа усули, биргаликда ўрганиш усули, ўзаро таъсир элементлари кабилар катта аҳамиятга эга.

Таълим фаолиятини ташкил этиш шаклини танлаш алоҳида аҳамиятга эга: кичик гуруҳларда машғулотлар гуруҳ, жуфтлик ва индивидуал иш. Бир

томондан, коммуникатив фаолиятни ҳар қандай ҳолатда ташкил этишда мақсадга эришиш учун мақбул психологик иқлим яратилиши муҳимдир, иккинчидан, топшириқни бажариш жараёнида маълум бир муомала маданияти, алоқа усуллари ва ўзаро ёрдамни кузатиш мумкин. Ўқитувчилар биргаликда ишлашнинг ушбу усуллари ўргатишлари керак.

Инглиз тили дарсларида ўқувчилар билан мулоқотнинг дастлабки кунлариданок, уларга ўзларининг аҳамиятини, кадр-қимматини ҳис қилишларига ёрдам беришга ҳаракат қилиш керак. Шу билан бирга ўртоқларининг хизматларини тан олинисига ёрдам бериш, биргаликда ўйнаш ва ўқиш учун шароит яратиш, дўстликни мустаҳкамлаш, бошқа болаларни ҳурмат қилиш, мулоқот қобилиятларини ривожлантириш, низоларни конструктив равишда ҳал қилиш, бир-бирларини тинглаш ва эшитиш қобилиятини яхшилаш учун диалоглар ўтказиш керак. Инглиз тили дарсида ўзаро ҳамкорлик қилиш қоидаларини қабул қилиш, нотиқнинг сўзини тўхтатмаслик, бир-бирига яхши муносабатда бўлиш; бошқаларни қўллаб-қувватлаш; бошқаларга ўзлари каби муносабатда бўлиш; бошқаларнинг фикрларини ҳурмат қилиш каби тарбиявий аҳамиятга эга, ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантирувчи сўзларни кўпроқ қўллаш керак.

I боб бўйича хулосалар

1. Бағрикенглик тушунчасининг келиб чиқиши ва унинг мазмунининг ўзига хос хусусиятлари қадимги даврларга бориб тақалади. “Авесто”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”ида, Абдулҳолик Ғиждувоний қарашларида, Шайх Нажмиддин Кубронинг “Ал-усул ал-ашара”, “Рисолаи ат-туруқ”, “Фи одабус соликин” каби асарларида бағрикенглик ўз-ўзини англаш, ўз нафсини тийиш ва уни идора этиш; ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва қадрлаш; муроса; ўзаро ҳурмат; бир-бирини қадрлаш; сабр-тоқатлилиқ; чидамлилиқ; қаноат; шукр;

кечиримли бўлиш; холислик; саховатпешалик; озор бермаслик; раҳмдиллик каби ибратли фикрлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистон тарихида Амир Темур ва темурийлар даври, маърифатпарварлик ҳаракати, жадиждлар бағрикенгликнинг турли қирраларини тарғиб этганлар.

2. Таълим ва тарбия жараёни ўқувчиларда бағрикенгликни тарбиялаши учун ўрта махсус таълим тизимида “комил инсон” шаклланишининг барча хусусиятларини ўз ичига қамраб олган такомиллаштирилган технология асосида фаолият олиб бориш, ёшларни замонавий жамиятда яшашга ўргатишнинг бош хусусиятларидан бири сифатида бағрикенглик принципларини қабул қилиш, бағрикенглик тамойилларининг мантикий узвийлиги ва маънавий яхлитлиги асосида инсоннинг шахслараро, жамиятлараро муносабатларга кириша олиш қобилиятига эга бўлиш турли вазиятлардан тўғри чиқиб кета олиш муаммоларни адекват хулоса қилиш каби хислатларни тарбиялаши мақсадга мувофиқ.

3. Ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантиришда инглиз тили катта аҳамиятга эга. Инглиз тили дарсларида ўқитувчи бағрикенглик тушунчасини билан ёнма-ён дарс жараёнини олиб боради. Ўзга юрт маданиятини ўқувчиларга сингдириш учун даставвал ўқитувчининг ўзидан ҳам бағрикенг бўлиш талаб қилинади. Ўқитувчи ўзга халқ тилини ўқувчиларга ўргатар экан, аввало, унинг ўзи дунё маданиятини ҳурмат қилиши, кадрлаши, дўстона муносабатда бўлиши лозим.

4. Маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини, аввало, мактаб ўқувчиларида шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни бағрикенглик, яъни ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, ҳис-туйғулари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш, уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

5. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг муҳим воситаларига диалог, яъни

мулоқотни киритиш мумкин. Шу билан бирга, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун миллий ва дунё маданиятига тегишли бўлган материаллардан ташкил топган сахна кўринишлари ва тақдимотлар каби тадбирлар ёрдамида ўқувчиларда бошқа халқ маданияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш мумкин.

6. Инглиз тили дарсига оид бўлган манбалар маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга хизмат қиладиган мавзулар билан бойитилиши керак. Чет тили дарслари ўқувчиларни бошқа халқ маданиятларига нисбатан бағрикенг бўлишга ўргатишда самарали ҳисобланади.

7. Миллатлараро дўстликка оид мавзулар, роли ўйинлар, турли маданиятлар билан суҳбат, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга ёрдам берадиган тадбирлар ва тақдимотлар ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенгликка оид билимини ўстириши билан бирга ўқувчиларда чет тили ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга.

II БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРИДА МАДАНИЯТЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

2.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш мазмуни

Дунё яралибдики, унинг барча даврларида бағрикенглик инсонга ҳос энг олий фазилат ҳисобланган. Бағрикенглик деганда, бошқа кишиларнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан бардошли, чидамли, сабр-тоқатли бўлиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва озодликларини бузмаган ҳолда шахсий ҳуқуқ ва озодликка эгалик тушунилади. Шу ўринда бағрикенглик инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг асоси ҳисобланади. Кўп миллатли ва кўп маданиятли мамлакатларда бағрикенглик тушунчаси етарлича шаклланмас экан, ўзга миллат ва дин вакилларига нисбатан тоқатсизлик, чидамсизлик натижасида инсон ҳуқуқларининг поймол бўлиши, зўравонлик ва турли можароларнинг келиб чиқишига замин яратилган бўлади.

“Бағрикенглик” тушунчаси узоқ асрлар давомида шаклланди ва ҳозирги вақтда ҳам турли белгилар билан тўлдириб борилмоқда. Толерантлик тушунчаси турли маданият ва халқнинг тарихий тажрибаси билан боғлиқликда хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Ўзбек тилида нашр этилган луғатларда “толерантлик” тушунчасининг “бағрикенглик” тушунчаси билан синоним сифатида ишлатилиш ҳолати кўзга ташланади: “Бағрикенглик – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, саҳий, кенг феълли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча. Бағрикенглик ўзгаларнинг дунёқараши, диний эътиқоди, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларига ҳурмат-эҳтиромда бўлиш, муомала-муносабатда камситиш ва таҳқирлашларга йўл

қўймаслик, инсонийликни ҳамма нарсадан устун ҳисоблаб, жамоада, иш жойларида, маҳалла-қуйда бунга риоя этишни англатади. Мазкур тушунча турли диндаги, турли миллат ва элатларга мансуб кишиларнинг бир мамлакат доирасида, ягона давлат таркибида баҳамжиҳат, тинч-осойишта яшашини ифода этади” [63].

Худди шундай бошқа халқларда ҳам мазкур тушунчанинг ўзига хос таърифлари мавжуд. Қуйида А.Э. Рўзиев [76] томонидан амалга оширилган тасниф асосидаги дунё тилларида бағрикенгликни таърифловчи атамаларнинг луғавий маъноларини келтириб ўтамиз: 1) tolerance (инглиз) – мурувватли, сабр-тоқатли бўлишга тайёрлик; to tolerance – сабр-тоқатли бўлиш, ҳеч бир таъқиқлашларсиз ўз фикрларини намоён қилиш ҳуқуқини бериш; 2) tolerance (француз) – бошқалар бизларга қараганда яхшироқ ва мукамалроқ фикрлашлари мумкинлигига бўлган қатъий ишонч; 3) tolerancia (испан) – ўз фикрлари ва ғояларидан ҳам мукамалроғлари борлигини тан олиш; 4) kuan rong (хитой) – бошқаларни борича қабул қилиш ва бошқаларга бағрикенг муносабатда бўлиш; 5) tasamul (араб) – кўнгилчанлик, раҳм-шафқатлилик, кечиримлилик, бошқаларни борича қабул қилиш ва кечириб; 6) толерантность (рус) – сабрли бўлиш (ўзини тутта билиш, тоқатли бўлиш, ҳар қандай шароитда муроса қила олиш), бошқаларнинг борлигини қабул қилиш ва тан олиш, бошқаларга ёки бирор нарсага муносиб эмаслигини англаш, тан олиш.

Бугунги кунда бағрикенглик тушунчасининг турли фанларнинг объекти сифатида тадқиқ этилаётганлиги мазкур тушунчанинг фанлар доирасидаги таърифларининг шаклланиш ҳолатини ҳам юзага келтирди. Жумладан, фалсафий тадқиқотларда мазкур тушунча дунёқараш сифатида турли цивилизациялар, маданиятлар ва конфессиялар (диний эътиқодлар)нинг яшашга бўлган ҳуқуқини тан олиш, балки уларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларининг умумий қоидалари мажмуи эканлигига алоҳида эътибор қаратилади [111].

Инглиз тили дарсларида бағрикенгликни ривожлантириш жараёни маданиятлараро бағрикенгликнинг одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор қоидалари орқали интерфаол таълим методлари ва дарсдан ташқари машғулотлар, реал мулоқотлар орқали тарғиб қилинади. Бу дарсда демократик ва ўзаро ҳамкорлик муҳити, холис баҳолаш, ўқитувчи-ўқувчи ахлоқи ва ўзаро муносабати, ўқув жамоасига тегишли ўзаро анъана ва кадриятларидан иборат бўлган соғлом ўрганиш муҳитидан руҳлантирилади. Бу йўл орқали ўқувчилар ўзларига нисбатан бағрикенглик муносабатларини, ўзлари билан бирга таълим олаётганлар ва гуруҳдошлари ўртасидаги алоқаларда бағрикенглик ва ҳамдардликни ривожлантиради. Чет тили дарсларида бағрикенгликни ривожлантириш жараёни самарали маданиятлараро ўзаро муносабатлар сифатида маданиятлараро ва шахслараро муносабатларни кўзғатувчи мавзулар ва материалларни киритиш орқали кучайтирилади. Шундай қилиб, ўқувчилар маданиятлараро бағрикенгликни, маданий фарқларга мослашишни хилма-хилликни ижобий томонларини ўрганишади.

Социологик тадқиқотларда қайд этилишича, бағрикенгликка фалсафий категория сифатида қаралиб, материянинг объектив амал қилиш шакли тарзида, яъни тушунча ҳолида онгда ўз ифодасини топишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бағрикенглик – ўзга шахсга ёки нарсага, ҳодисага нисбатан ўз ҳис-туйғуларимизни кўлга ола билиш демакдир. Ўз-ўзини чеклаш ирода кучига эга бўлмоқлик демакдир. Бағрикенглик ўз-ўзини чеклаш орқали ифодаланган иродадир ва бу ўзгаларга хайрихоҳ – муросасозлик билан қараш имкониятини билдиради [51; 51-б.].

Психологик нуқтаи назардан бағрикенглик – инсоний бағрикенгликнинг бир кўриниши ёки ифодаси бўлиб, инсон учун ёқимсиз, нохуш бўлган бирор омилга нисбатан қатъий жавобнинг йўқлиги ёки унинг кучсизлигини билдиради. Ўша вазият ёки омил қанчалик шахсга ёқмаси-да, у бунга чидайдими, босиқлик қилади, керак бўлса мослашади [31].

Фалсафий, социологик ва психологик нуқтаи-назарларга таянган ҳолда, педагогика фани бағрикенглик тарбияси тушунчасига қуйидагича таъриф берилса ўринли бўлади: “Бағрикенглик тарбияси деганда, узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларда бағрикенгликка оид тушунчалар, сифатлар, одатлар, хулқ-атвор, қадриятлар тизимини таркиб топтиришга қаратилган, мақсадли йўналтирилган, изчил, тизимли педагогик жараён тушунилади”.

Ғиждувоний таълимотининг асл моҳияти бағрикенгликдир. Фалсафа фанлари доктори Г. Наврўзова Абдулҳолиқ Ғиждувоний асарлари асосида бағрикенгликни қуйидагича гуруҳлайди: 1) Инсоний бағрикенглик – инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати. 2) Оилавий бағрикенглик – оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиклиги, меҳмоннавозлик, меҳрибон ва ғамхўр бўлиш. 3) Маҳаллий бағрикенглик – қавм-қариндош, кўни-кўшни, турли дин ва миллат вакилларининг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши. 4) Эл-юрт бағрикенглиги – мамлакат аҳли бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларни тан олиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши. 5) Халқлар ва миллатлараро бағрикенглик – миллати, ирқи, жинси даражаси, яшаш жойидан қатъий назар бирлик ва дўстликда умр кечиришдир [69; 39-40 б.].

Абдулҳолиқ Ғиждувоний таълимотида бағрикенглик йўналишларни ўз ичига олади: 1) Этно-психологик бағрикенглик – ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одати, қадрияти руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш. 2) Миллий бағрикенглик – турли миллатларнинг ёнма-ён тенглик ва дўстлик асосида яшаши. 3) Ирқий бағрикенглик – турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиб, улар билан баҳамжиҳат умр кечириш. 4) Жинсий бағрикенглик – жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш. 5) Диний бағрикенглик – турли хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир манзил-маконда эзгу ниятлар билан ҳамкорлик ва муроасада яшаши. 6) Иқтисодий бағрикенглик – иқтисодий ёрдам, тенг муносабатга асосланган ҳамкорлик. 7) Ижтимоий-

сиёсий бағрикенглик – жамиятдаги мол-мулки, нуфузи, сиёсий қарашларидан катъий назар, ўзаро тенг ҳуқуқли инсонлар сифатида тан олиш ва улар билан мулоқотда бўлиш. 8) Умуминсоний бағрикенглик – барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлиш. Бу ғояларни амалга ошириш ирк, элат, миллат, аҳоли қатлами, динлар, жинслар ҳамда ҳимоясизларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик сиёсатини қоралайди ва улуғвор сифатларни эгаллашга, эзгу амаллар қилишга ундайди. Ғиждувоний одамларга тенглик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат билан қараш, бир-бирини қадрлаш, имконият ва салоҳиятларининг униб ўсишига имкон бериш, эъзозлаш, севиш, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди.

Бағрикенгликка бўлган муносабат худди таълимга бўлган муносабат каби муҳимдир. Д.В.Зиновьевнинг “Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ижтимоий-маданий бағрикенглик асосида ошириш” номли ишида бағрикенглик педагогик маҳоратнинг асосий қирраларидан эканлиги унинг бўлажак ўқитувчилар учун ниҳоятда кераклиги далиллар ёрдамида ёритиб берилган [44; 148-б.].

Умуман олганда, Э. Танненбаум ва С. Риердон эътироф этишига кўра тарихий-генетик таҳлил, инглиз тили дасрларида бағрикенгликнинг жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишга ёрдам беради. Биринчидан, бағрикенглик – жамият тараққиётини таъминловчи омил, иккинчидан, бағрикенглик – таълим тизимининг ижтимоий буюртмасидир [93; 24-25 б.].

Шунга кўра, инглиз тили дарсларида бағрикенглик таълим тизимидаги ижтимоий буюртма сифатида қуйидаги йўналишларда намоён бўлади: 1) таълим олувчиларда бағрикенглик ижтимоий қадрият сифатида сингдирилади; 2) таълим олувчиларда миллатлараро – этник бағрикенглик шакллантирилади; 3) ўқувчиларда шахслараро бағрикенглик намоён бўлади.

Демак, инглиз тили дарсларида шахслараро бағрикенгликни шакллантирмасдан туриб миллатлараро-этниқ ва ижтимоий қадрият сифатидаги бағрикенгликни ифода эта олмаймиз. Чунки, инсон ўзини ўраб

турган кишилар билан бағрикенглик муносабатлари асосида ширинсўз, сабр-тоқатли бўлиши унинг келажакдаги муваффақиятларига асос бўлади [112].

Маданиятлараро бағрикенг шахсни шакллантириш – мураккаб жараён ҳисобланади. Ўқувчиларнинг тенгдошлар ва атрофдаги инсонлар билан мулоқотга киришиш асосида ҳамда бошқа кишиларга муносабати ва карашлари билан боғлиқ ижтимоий воқелик таъсирида амалга ошади.

Мактабларнинг чет тили дарсларида ташкил этилувчи тарбиявий фаолият натижасида ўқувчиларда қуйидаги тарздаги психологик-ахлоқий йўналганлик таркиб топтирилиши зарур: 1) инсонийлик – шахслараро муносабатларни инсонийлаштириш, инсоннинг ички оламига эътибор қаратиш; 2) рефлексивлик – шахсий ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликларини англаш, уларни толерант хулқ-атвор билан боғлиқликда йўлга қўйиш; 3) жавобгарлик – қарорлар қабул қилиш вазиятида ички кучларнинг намоён бўлишига асосланувчи шахсий талаблар тизимига эғалик; 4) ҳимояланганлик – бошқа кишилар билан биргаликда фаолият юритишнинг қўллаб-қувватланиши, ҳавфсизлиги ва имконияти борлигининг кафолатланиши; 5) мослашувчанлик – вазият, шароит билан боғлиқликда тўғри қарорлар қабул қила олиш; 6) ўз-ўзига ишонч – ўзининг куч ва имкониятларини адекват баҳолай олиш; 7) ўз-ўзини бошқара олиш – ўзининг ҳис-туйғуларини бошқара олиш, ўз хулқини назорат қила олиш; 8) хилма-хиллик – бир-бирига ўхшаш мураккаб вазиятларда қарорлар қабул қила олиш, воқеликни баҳолашда хилма-хил ёндашувларга таяниш; 9) перцепция – кишилардаги турли хил хусусиятларни сеза олиш ва аниқлай олиш, уларнинг ички дунёсини англаш кўникмаси; 10) эмпатия – бошқа кишиларнинг муаммоларига ҳамдард бўлиш, воқеликни эмоционал баҳолай олиш; 11) ҳазилкашлик – айрим ҳолатлар, ноқулай вазиятлардан кулги йўли билан чиқиб кета олиш.

Умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили дарсларида бағрикенглик тарбияси билан боғлиқликда ташкил этилувчи фаолият бағрикенгликнинг

турли йўналишларини ўз ичига қамраб олишига ҳам эътибор қаратилиши керак.

Ижтимоий-демографик омилларга таянган ҳолда, олимлар бағрикенгликнинг соҳаларини ажратиб кўрсатишади: 1) гендер бағрикенглик – бошқа жинс вакилларига нотўғри муносабатда бўлмаслик, бир жинснинг иккинчи жинс асосида келиб чиққанлиги ҳақидаги ғоялардан воз кечиш; 2) ёшга доир бағрикенглик – инсоннинг ёши билан боғлиқ ўзига хосликларини тўғри қабул қилиш (кексаларнинг ёшларни тушуна олмаслиги, ёшларда билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги ва бошқалар); 3) маълумотлилик даражаси билан боғлиқ бағрикенглик – нисбатан паст даражадаги маълумотга эга кишиларнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига сабрли бўлиш; 4) миллатларо бағрикенглик – турли миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, бирор миллат вакилининг камчилик ва салбий ҳаракатларини шу миллатга мансуб бошқа кишиларда ҳам бор деб ҳисобламаслик. Миллатларо бағрикенглик ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб етишини назарда тутати. Бу бурч ва вазифалар кўп миллатли муҳитда ҳаёт кечириш, шу жумладан, ўзининг муносабатлари, кўникма ва малакалари, мулоқот олиб бориш эҳтиёжига талабчанлик билан қараш зарурлиги, яъни бир-бирини тинглаш, тушуниш, шунингдек, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни сабр-тоқат билан ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар қайси томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ижобий ҳал қилишга интилишни тақозо этади; 5) ирқий бағрикенглик – бошқа ирқ вакилларига паст назар билан қарамаслик; 6) диний бағрикенглик – турли динлар, конфессиялар, конфессионал гуруҳларга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш; 7) географик бағрикенглик – турли ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг бир-бирларининг яшаш шароитларини бор ҳолича қабул қила олишлари, камситишга йўл қўймаслик; 8) табақавий бағрикенглик – жамиятдаги турли қатлам вакиллари (бойларнинг камбағалларга, камбағалларнинг бойларга)га сабрли бўлиш; 9)

физиологик бағрикенглик – касал, ногирон, жисмоний нуқсони бор кишиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш; 10) сиёсий бағрикенглик – турли сиёсий партия ва жамоат бирлашмалари, сиёсий лидерлар фаолиятига тоқатли бўлиш; 11) маданий бағрикенглик – маданий кизиққонликка зид бўлиб, бошқа маданиятларни тан олиш, уларни тўғри қабул қилишга қобилиятлилиқ. Маданий бағрикенглик маданий таъсир ўтказиш, маданий экспансияга йўл қўйилмаслигини талаб этади; 12) шахслараро бағрикенглик – инсонлардаги мураккаб табиийликни, улар орасидаги фарқларни англаш ва қабул қилишга қобилиятлилиқ бўлиб, мулоқот жараёнида инсоннинг бошқаларни ўз мавжудлиги ва ривожининг юксак тимсоли сифатида кўра олишидир [55; 105-106 б.].

Бундан ташқари, мактабларнинг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тарбиясини амалга оширишда бугунги кунгача тўпланган тажрибалар, фалсафий ёндашувлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бошқача айтганда, ўқувчиларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда экзистенциал, девирсификацион, когнитив, бихивеоризм, диалогик, фасилитатив, ижтимоий-маданий ёндашувларнинг мазмуни ва имкониятларини самарали татбиқ этиш керак. Экзистенциал ёндашув бағрикенгликни автоматлашган, стереотип ҳаракат сифатида эмас, англаган, аниқ вазиятда бағрикенглик субъектидан мазмунли йўналганликни топа олиш ва масъулият ҳисси билан ёндашувни талаб этувчи жараён сифатида таърифлайди.

Когнитив ёндашув нуқтаи назаридан бағрикенглик ўзида кўп ўлчамли, хилма-хил билим ва тафаккур натижаларини акс эттиради. Олам манзараси мураккаб кўринишга эга бўлиб, кўплаб турли-туман нуқтаи назарлардан ягона ҳақиқатга келиш осон эмас.

Бихевиористик ёндашув бағрикенгликни инсоннинг “бошқалар” билан конструктив ўзаро ҳаракатига йўналган хулқ-атвори; бошқа инсонларни ўзи

билан тенг кўриш, шахс сифатида эътироф этишини тавсифловчи сифат сифатида шарҳлайди.

Диалогли ёндашув бағрикенгликнинг муҳим тури – бошқа кишилар билан ўзаро муносабат, шахслараро ўзаро ҳаракат ва мулоқотни йўлга қўйишнинг муҳим усули – шахслараро бағрикенгликни тақозо этади. Инглиз тили дарсларида айнан бағрикенгликнинг мазкур турида бағрикенглик муаммосининг барча (ҳам уни ўрганиш, ҳам ўргатиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан) жиҳатлари ёрқин намоён бўлади.

Фасилитатив ёндашувда бағрикенгликни ривожлантиришнинг адекват психологик-педагогик тактикасини излаш, бағрикенгликнинг табиий, рефлексив ва индивидуал шаклланиши учун ҳар бир субъектда шахсий, мустақил ва эркин нуқтаи назарни ишлаб чиқиш учун кўпроқ ижобий шарт-шароитни яратишга асосий эътибор қаратилади.

Ижтимоий-маданий ёндашув бағрикенгликни ҳаётий фаолият стратегиясида намоён бўлувчи шахс фазилати сифатида кўриб чиқишни талаб этади. Айнан мазкур ёндашув шахсда этник бағрикенгликни шакллантиришда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади [55; 107-108 б.].

Мазкур ёндашувларга асосланган ҳолда, ҳозирда ўқувчиларда толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришга оид қатор моделлар ишлаб чиқилган бўлиб улар орасида, асосан, интеграцион, институционал, модулли ва фанлараро моделлар кенг тарқалган.

Интеграцион модель тарафдорларининг фикрича, таълим муассасасида ўқитиладиган фанлар толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришда етарлича имкониятларга эга. Шунинг учун турли фанлар бўйича ўтиладиган дарсларнинг мазмунига бағрикенгликни сингдириш лозим. Бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг институционал модели ўзида толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришнинг бир нечта сценарийларини қамраб олади. Мазкур моделлар орасидан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: “таълим муассасасининг тарбиявий тизими” – бағрикенглик

тушунчаси ҳамкорлик ҳамда тизимли, шахсий ва фаолиятли ёндашувларни амалга ошириш шарти сифатида юзага чиқади. Таълим муассасасининг мақсади сифатида эса, ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли шахсни шакллантириш белгилаб берилади; “ижтимоий лойиҳалаш” – мазкур ҳолатда бағрикенгликка бошқа кишилар, ўзи ва жамият учун ижтимоий аҳамиятга эга фаолият тажрибаси асоси сифатида қаралади, мақсад сифатида эса, фаолиятнинг ижтимоий аҳамиятини англаш ҳамда шахсий фаоллик, катталар ва ёшларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ҳисобга олиш асосида аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал эта олиш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади.

“Фуқаролик форуми” – мазкур ёндашувда бағрикенглик бепарқлик, лоқайдликни бартараф этиш усули сифатида намоён бўлади, мақсад эса, жамиятда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисаларга кишиларнинг ўз муносабатларини билдира олишларига эришишдир.

Бағрикенгликни шакллантиришнинг модулли модели – мазкур ҳолатда бағрикенглик фазилатини шакллантириш муаммоси мустақил масала сифатида кўриб чиқилади ҳамда ўқув режасига махсус курс ва факультатив машғулотларни киритиш орқали ҳал этилади.

Толерант онг ва хулқ-атворни шакллантиришнинг фанлараро модели ўзида мазмуни ва йўналганлигидан қатъий назар бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг барча педагогик метод ва усулларини ўзида бирлаштиришни талаб этади. Ҳар бир таълим муассасаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, лабораториялар ташкил этиши ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш методикаларини ишлаб чиқиши йўлга қўйилади [64; 83-84 б.].

Чет тили дарсларида инглиз тилида гаплашувчи мамлакатлари тарихи, урф-одатлари, маданияти, тилини ўрганиш ижтимоий-маданий компетенциянинг мазмуни ҳисобланади ва чет тили таълимининг муҳим элементига айланади.

Шунингдек, инглиз тили дарсларида турли мамлакатларнинг адабиёти, мақоллари, тил хусусиятлари, одоб-ахлоқ қоидалари ўрганилади.

Инглиз тили синфида ижтимоий-маданий ваколатларни шакллантириш ўқувчиларнинг таржима қилинадиган тил мамлакати ҳақидаги лингвистик, эстетик ва ахлоқий билимларини бойитишни назарда тутди. Шунингдек, бошқа одамлар учун ноўрин ёки ҳақоратли хатти-ҳаракатларнинг олдини олишни ўрганиш учун маданий оғзаки бўлмаган хатти-ҳаракатларга эътибор бериш керак. Чет тили мавзуси нафақат ўрганилаётган тил мамлакатлари маданиятини таништиради, балки таққослаш йўли билан унинг миллий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди, умуминсоний кадриятлар билан таништиради. Чет тили соҳасида давлат таълим стандартида ваколатлар кўриб чиқилади: нутқнинг фонетик, лексик ва грамматик жиҳатларини ўз ичига олган тилшунослик; тўртта фаолият тури билан ифодаланадиган нутқ компетенцияси: сўзлаш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва ўқиш; хорижий тилда она мамлакатнинг ижтимоий-маданий портретини яратишга имкон берадиган ижтимоий-маданий компетенцияси; умумий махсус кўникмаларни ўз ичига олган таълим ва билим компетенцияси.

Инглиз тили дарсларида инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг маданиятини ўрганиш ижтимоий-маданий ваколатларни шакллантириш учун катта аҳамиятга эга: уларнинг тарихи, таниқли ёзувчилар, шоирлар, олимлар билан танишиш.

Инглиз тили дарсларида ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш ҳақида гапирганда унутмаслик керак бўлган кейинги жиҳат бу нутқ одобидир. Нутқ одоб-ахлоқи нутқ маданияти, нутқ маданияти эса, инсоннинг юзидир. Чет тилининг нутқ одоб-ахлоқ қоидалари умуман шахсни тарбиялаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Тил маданиятимизни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг нутқ одоб-ахлоқ қоидаларини орқали ўрганиш учун кўп манбалар мавжуд. Шунинг учун кишиларни, оғзаки нутқнинг турғун

ибораларини, фразеологик бурилишларни ўрганишга катта эътибор қаратилади.

Инглиз тили дарсларида ижтимоий-маданий компетенцияни муваффақиятли шакллантириш, тўлақонли натижага эришиш учун фақат дарс машғулоти билан чекланиб қолиш етарли бўлмайди. Қуйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган инглиз тили дарсларидан ташқари иш имкониятларидан фойдаланиш ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун самарали бўлади: инглиз тили дарсларида дунё мамлакатлари маданияти ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш; маҳаллий маданият ва бошқа халқлар маданиятини таққослаш; ахлоқий ва эстетик тарбия.

Чет тилларини ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири бу шахснинг коммуникатив ва ижтимоий-маданий ривожланишидир. Ижтимоий-маданий тараққиётга реал матнларни (бадий адабиёт, газета ва журнал, реклама ва маълумотнома) идрок этиш маданиятини ривожлантириш, мактаб ўқувчиларида маданиятлар суҳбати тўғрисида ғояларни шакллантириш, ўқувчиларни ўрганилаётган тил мамлакатлари маданияти билан таништириш киради. Демак, ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш таълимнинг асосий мақсадлари: амалий, ривожлантирувчи ва тарбиявий билан узвий боғлиқдир. Чет тилини ўргатиш орқали, биз инсон онгида тинчлик маданиятини шакллантираемиз, маданиятлараро мулоқотда иштирок этиш истагини ривожлантираемиз.

Ижтимоий-маданий компетенция мураккаб ҳодисадир ва турли тоифаларга тегишли компонентлар мажмуини ўз ичига олади. Уни таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг маданиятини ўрганиш уларнинг тарихи, таниқли ёзувчилар, шоирлар, олимлар билан таништириш, ижтимоий-маданий ваколатларни шакллантириш учун катта аҳамиятга эга. Таълим мазмунининг асосий ижтимоий-маданий таркибий қисми таълим

матни ҳисобланади. Ўқув матни сифатида қуйидагилар қўлланилиши мумкин: тематик, минтақавий, бадий матнлар, диалоглар ва полилогиялар, шеърлар, қўшиқлар, хатлар, интервью, инглиз тилида сўзлашувчилар билан аудио матнлар. Матннинг ҳақиқийлиги ўқувчиларнинг қизиқиши ва ёшига мос келиши ва табиий ҳолатга имкон қадар яқин бўлиши муҳимдир. Ролли ўйинлар орқали ўқувчиларни ўқув фаолиятига жалб қилиш инглиз тилини ўрганиш учун ижобий мотивацияни ривожлантиради. Айнан ушбу ўйинлар давомида ўқувчилар мулоқот маданиятини ўрганадилар: дўконда қандай харид қилиш, қандай саломлашиш, дўстларингизни, қариндошларингизни, танишларингизни қандай табриклашингиз, маълумот учун савол беришингиз. Инглиз тилини ўқитиш таркибидаги ижтимоий-маданий компонент ҳақида гапирганда, маданий компонентни ажратиб кўрсатиш муҳимдир. Бу ижтимоий воқеликлар, стандарт вазиятдаги хатти-ҳаракатлар модели асослари, муҳим тарихий воқеалар, адабиёт ва санъатнинг йирик намояндалари ҳақидаги билимдир.

Ўқувчиларнинг ижтимоий-маданий ваколатларини ривожлантиришнинг самарали усулларида бири-бу чет тилидаги мулоқотнинг реал ҳолатларида ёзиб олинган ёки она тилида сўзлашувчилар томонидан ўқилган аудио матнлардир. Ўқувчиларнинг ижтимоий-маданий ваколатларини ривожлантиришнинг яна бир усули бу видео материаллардан фойдаланишдир. Видеолар – бу мамлакатнинг ўзига хос маданий портретлари ҳисобланади.

Лингвистик ва маданий – ижтимоий-маданий семантикага эга бўлган ва уларни маданиятлараро мулоқот шароитида қўллаш қобилиятига эга бўлган лексик бирликлар (масалан, саломлашиш, мурожаат қилиш, оғзаки ва ёзма нутқда ҳайрлашиш); социолингвистик таркибий қисм – ижтимоий қатламларнинг, турли авлодлар, жинслар, ижтимоий гуруҳлар, лаҳжалар вакилларидаги лингвистик хусусиятлари (фон билимлари, воқеликлар, мавзуга оид билимлар); ижтимоий-психологик – маълум маданиятда қабул

килинган коммуникатив техникадан фойдаланган ҳолда ижтимоий ва маданий жиҳатдан аниқланган сценарийларга, миллий ўзига хос хатти-харакатлар моделларига эгаллик қилиш; культурологик компонент – ижтимоий-маданий, тарихий-маданий, этномаданий замин (таржима қилинадиган тил одамларининг урф-одатларини билиш). Ижтимоий-маданий ваколатларни ривожлантиришнинг энг самарали воситаси – бу мамлакат маданияти, урф-одатлари ва ижтимоий меъёрларига сингишдир. Ўқувчиларда бундай имконият йўқлигини ҳисобга олиб, лингвистик муҳитдан ташқарида ижтимоий-маданий компетенцияни ривожлантиришнинг самарали усулларини излаш керак. Таълим мазмунининг асосий ижтимоий-маданий таркибий қисми таълим матни ҳисобланади. Ўқув матни сифатида лар қўлланилади: тематик, минтақавий, бадиий матнлар. Муваффақиятли мулоқот қилиш учун нафақат суҳбатдошнинг бир хил тил воситаларига (фонетик, лексик, грамматик кўникмаларга) эга бўлиш, балки дунё ҳақидаги умумий мазмунли билимларга ҳам эга бўлиш керак [6].

Демак, инглиз тили дарсларида ижтимоий-маданий компетенцияни шакллантириш учун материалларни танлаш ушбу талаблар асосида ишлаб чиқилади: ишлатилган материалларнинг ҳақиқийлиги; маълумотларга бойлик; маълумотларнинг янгилиги; замонавий ва тарихийлик; ўқувчиларнинг қизиқишларини, шунингдек, сеvimли машғулотларини, афзалликларини ҳисобга олиш; нутқ сўзлашларининг ўрганилаётган чет тили адабий меъёрига мувофиқлиги; материалларнинг лингвистик ва минтақавий аҳамияти; ўқув материалларини ўқувчиларнинг чет тилини билиш даражасига мувофиқ танлаш ва улардан фойдаланиш (мавжудлик ва мақсадга мувофиқлик принципини ҳисобга олган ҳолда); танланган материалларни тематиклик ва ортиб бораётган мураккаблик тамойилларига мувофиқ равишда ташкил этиш.

Юқорида кўриб чиқилган йўналишлар ва услублар ўқувчиларда инглиз тили орқали нафақат ижтимоий-маданий компетенцияни, балки маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга қўйиладиган педагогик талаблар

Бугунги кунда мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарорлигига мустаҳкам кафолат мавжуд. Ҳозирги кунда юртимизда 137 маданият марказлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлаган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашгани сабабли, халқимиз турли миллат ва элатларнинг маданий-маънавий меросининг ўзида мужассам этгани, миллатимизга мансуб бағрикенглик, меҳмондўстлик ва саҳоватпешаликнинг қон-қонимизга сингиб кетгани ҳам бунда муҳим омилдир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган бўлиб, унинг бешинчи йўналиши диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасига қаратилган [8]. Шу ўринда айтиш жоизки, 2021 ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жами 10130 та мактабда 6246491 нафар ўқувчилар таълим олмоқда. Уларга 7 ҳил тилда таълим берилиб келинмоқда. Жумладан, ўзбек тилида 8227 (5346791 нафар ўқувчи), қорақалпоқ тилида 245 (124231 нафар ўқувчи), рус тилида 88 (636463 нафар ўқувчи), тожик тилида 92 (66959 нафар ўқувчи), козоқ тилида 143 (53407 нафар ўқувчи), қирғиз тилида 21 (7795 нафар

ўқувчи) ва туркман тилида 23 (10845 нафар ўқувчи) мактабларни ўз ичига олади [128].

Ёшлар онгига бағрикенглик ғояларини сингдиришда таълим тизими алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, инсон айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Қолаверса, таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли тарбия жараёнида тадрижийликни таъминланади. Шунинг учун ҳам, халқаро ҳужжатларда масаланинг бу жиҳатига доимо алоҳида эътибор берилади. Хусусан, “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да тарбия мурасасизликнинг олдини оладиган энг самарали воситалардан бири экани, “Таълим соҳасидаги сиёсат ва дастурлар алоҳида одамлар, этник, ижтимоий, маданий, диний ва тил жиҳатидан алоҳида гуруҳлар, шунингдек, миллатлар ўртасида тушунишни яхшилашга, ўзаро ҳамжиҳатликни ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим”лиги қайд этиб ўтилган [20].

Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантиришда чет тили дарслари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки чет тили дарсларида ўқувчи ўша маданият тўғрисида кўпгина маълумотларга эга бўлиши билан бирга уларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш, унга нисбатан ҳурмат туйғуси билан қараш ва ҳамжихат бўлишни ўрганади. Шунини айтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўқувчи онгига сингдириб боришга етарлича эътибор берилмаган. Ўқувчининг ҳаётий нуқтаи-назарини ахлоқий меъёрлар доирасида шакллантириш алоҳида ижтимоий педагогик аҳамият касб этади. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда маданиятлараро бағрикенгликни ривожлантириш нафақат чет тили дарсларида балки барча фанлар кесимида ҳар бир педагогнинг асосий мақсадига айланиши лозим. Чунки, жамиятда инсонлар орасидаги англашилмовчиликларнинг аксарият қисми уларда

маданиятлараро бағрикенгликка оид билимнинг етарли даражада шаклланмаганлиги натижасида вужудга келмоқда.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили дарслари жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама мулоқотга киришишлари учун зарур бўлган педагогик қувватлар секин-аста ишга солинмоқда. Лекин афсуски, олиб борган кузатишлар натижасига кўра, инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тарбияси жамият талаб қилаётган мантиқ асосида тўла амалга оширилмаётганлиги кузатилди. Бу эса, ўқувчиларнинг тил ўрганиш компетенцияларини ривожлантириш имкониятларини пасайтиради. Сабаби, чет тили дарслари тил билан бирга миллий ва бошқа халқ маданиятини уйғун ҳолда олиб борилса, уларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари ортади ва тил ўрганишдаги компетенциялари янада ривожланади. Афсуски, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам баъзи ҳолларда ўқувчиларга нисбатан беқарор, сабрсизлик билан муносабатда бўладилар. Инглиз тили дарсларида бериладиган маданиятлараро бағрикенглик тарбияси, биринчи навбатда, ўқув жараёни мазмунига мос равишда амалга оширилиши лозим. Педагоглардан талаб қилинадигани эса, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ҳосил қилишга оид бирламчи тажрибаларни етказишдир. Бу ҳаракат, асосан, ўқув-тарбия жараёнида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат инглиз тили дарсларида бирмунча осонроқ кечади. Ўқитувчи ўзга халқ тилини ўқувчиларга ўргатар экан шу жараён билан биргаликда у ўша халқ маданияти ва урф-одатларини четлаб ўтмайди. У бу ҳаракати билан ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик туйғусини шакллантиради. Шундай бўлишига қарамасдан, таълим жараёнида бағрикенгликни шакллантиришга доир илмий-методик тавсияларга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш асосий унсурларидан бири муайян билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар, баҳолар тизимидир. Билимлар қанчалик

объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган қадриятлар, баҳолар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Сабаби билимсиз, малакасиз инсонлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб, тушунмовчиликлар юзага келиши жуда кўп кузатилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар” [24] деган фикрлари чуқур мазмунга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Рус олимлари томонидан ҳам таълим тизимида бағрикенгликни тарбиялашга доир бир қанча қарашлар илгари сурилган. Г.Н. Сериковнинг таълимотига кўра, таълим-тарбия тизими муҳитида бағрикенглик учун маконни яратишда омиллар бўлиши талаб этилади: 1) ҳар бир педагогнинг бағрикенглиги; 2) маъмуриятнинг бағрикенглиги; 3) педагогик жамоанинг бағрикенглиги; 4) ўқувчиларнинг бағрикенглиги; 5) ўқувчиларнинг ота-оналари бағрикенглиги. Бу омилларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти натижасидагина, ўқувчиларда қатъий тизимнинг ишлаши кузатилган [83; 28-29 б.]. И.В. Миротворскаянинг фикрича, толерант онг ва хулқ-атвори шакллантиришнинг фанлараро модели ўзида мазмуни ва йўналганлигидан қатъий назар бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг барча педагогик метод ва усуллари ўзида бирлаштиришни талаб этади. Ҳар бир таълим муассасаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, бағрикенглик маданиятини шакллантириш методикаларини ишлаб чиқиши йўлга қўйилади [64; 82-83 б.].

Т.Х.Ақбаров, У.Б.Орунбоевларнинг фикрига кўра, дарсларда ўқувчиларда бағрикенгликни тарбиялаш қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) Ўқувчиларга дунёдаги барча нарсаларнинг турлича эканлигини тушунтириш. 2) Миллатларни ирқи, дини, ҳаёт тарзи ҳар хил эканлигини тушунтириш. 3) Миллатлар бир-биридан фарқ қилишини тушунтириш. 4) Кишилардаги ўзгачаликка бағрикенглик ва сабр билан мунособатда бўлиш. 5) Фуқароларни ўзаро тинч-тотувликда яшашга ўргатиш. 6) Ёшларга масъулиятни сезган ҳолда, жавобгарликни юқорилатиш йўналишида тарбия бериш. 7) Ёш

авлодда вазминликни кучайтириш, бағрикенглик, сабрлилик, чидамлилик каби хусусиятларни тарбиялаш [23].

Ўзбек олимларидан Г. Тиллаеванинг таърифлашича, “Бағрикенглик шахс шаклланишининг асосий омилларидан бўлиб, у миллатлараро тотувликни таъминлаш, цивилизациялар алмашинуви даврида юз берадиган зиддиятли вазиятларда жамиятга муносабат, унинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилидир”. Чунки ўқувчи ва талабаларда миллатлараро бағрикенгликни ривожлантириш натижасида уларнинг ижтимоий ҳаётга муносабати ўзгаради. Уларнинг турли проектларни яратишга, ҳар хил турдаги суҳбатларда, дебатларга қатнашиш имконияти кенгаяди [93; 24-25 б.].

У. Кудратова эса, шундай таъкидлайди: “Умуман олганда, тарихий-генетик таҳлил, бағрикенгликнинг жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишга ёрдам беради. Биринчидан, бағрикенглик – жамият тараққиётини таъминловчи омил, иккинчидан, бағрикенглик – таълим тизимининг ижтимоий буюртмасидир. Шунга кўра, бағрикенглик таълим тизимидаги ижтимоий буюртма сифатида йўналишларда намоён бўлади: 1) Таълим олувчиларда бағрикенглик ижтимоий қадрият сифатида сингдирилади. 2) Таълим олувчиларда миллатлараро – этник бағрикенглик шакллантирилади. 3) Ўқувчиларда шахслараро бағрикенглик намоён бўлади.

Хулоса қилганда, инглиз тили дарсларида шахслараро бағрикенгликни шакллантирмасдан туриб миллатлараро-этниқ ва ижтимоий қадрият сифатидаги бағрикенгликни ифода эта олмаймиз. Чунки, инсон ўзини ўраб турган кишилар билан бағрикенглик муносабатлари асосида ширинсўз, сабр-тоқатли бўлиши унинг келажакдаги муваффақиятларига асос бўлади”.

Педагогик бағрикенглик эса, нафақат сабр-тоқат, руҳий барқарорлик, балки мувозанат, адолат, хушмуомалалик ҳисси, инсонийлик, хайрихоҳлик, кузатиш, ўқувчиларга яқинлик, доно, сабр-тоқат, масъулият, меҳр-оқибат, ўқувчилар билан муносабатлар ва мулоқотда сохталик йўқлиги, нозикликдир.

Г.Р. Акрамованинг нуқтаи-назарига кўра эса, бағрикенглик тушунчаси шаклланган ёшларда турли ҳил ахборотларни қабул қилиш ва уларни объектив ўзлаштириш кўникмаси ривожланади. Бунинг учун эса, ўқувчилар орасида ишчан муҳит яратилиши керак. Ўқитувчилар синфдаги ишчан муҳитни қўллаб-қувватлашлари лозим. Бағрикенглик тарбиясида ҳар бир ўқувчининг алоҳидалик, ўзига хослик, бағрикенглик тушунчаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ижодий фикрлашга одатланиш даражасини аниқлаган ҳолда, педагогик чора-тадбирларни қўллаш тавсия қилинади [21; 25-б.].

А.Ж. Атажонованинг қарашларига кўра эса, 1–4-синф ўқувчиларида бағрикенглик тушунчаларини шакллантириш чора-тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади: ўқувчиларни жамиятдаги барча дин ва миллат вакилларининг кадр-қимматини ҳимоя қилиш тамойиллари билан таништириш; ҳар бир шахс, табиат ва жамиятнинг ноёб тақдорланмас мўъжизаси эканлигини англаб етишига педагогик кўмак бериш; миллатлар ва динлараро маънавий-маданий фарқланишнинг асоси ўзаро уйғунлаштирувчи тамойилдан иборат эканлигини тушунтириш; ҳамкорлик ҳаракатининг асоси – субъект муносабатларини ташкил этишга кўмаклашиш [29]. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўқувчиларни топшириқ бажараётган пайтда юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга, шу билан бирга ўқувчилар орасида меҳнатни тўғри тақсимлашга ўргатиш лозим. Ўқувчилар бир-бирларини тўлдирувчи элемент эканликларини, уларнинг ҳар бири ушбу гуруҳ учун ўзига хос ўринга эга эканлигини ҳис қилишлари кераклигига руҳлантириш (мотивация бериш) керак.

Б.Э. Риэрдоннинг фикрича, бағрикенглик мавзуси барча предметларни ўрганиш жараёнлари учун долзарбдир. У бағрикенглик таълимини режалаштириш жараёнида ўзига хос методик йўриқ бўлиб ҳисобланувчи еттита йўналишини таснифлайди. Бағрикенглик таълимининг еттита йўналиши мавжуд: 1) бағрикенглик; 2) танишув; 3) фарқларни ҳурмат қилиш;

4) индивидуал бетакрорликни тушуниш; 5) фарқларни ўзаро тўлдириш; 6) ўзаро боғлиқлик биргаликдаги фаолият асоси сифатида; 7) дунё маданияти.

Маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш бўйича фаолият эса қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) гўдакда ўзи ҳақида бекиёс, қадрли ва бетакрор шахс сифатида тасаввурларни шакллантириш; 2) бошқа одамлар ҳақидаги, ўзини уларга таққослаб фарқлар ва ўхшашликларни аниқлашга асосланган тасаввурларини ривожлантириш; 3) таълим дастурига асосланган ҳолда ўзини қуршаб олган олам ҳақида билим бериш (маданиятнинг ўзига хослиги, яшаш тарзи, оилавий ҳаёти ва бошқ.). Фаол ҳаёт тарзини тарбиялаш эса, қуйидагиларга асосланади: Гўдакда ўз эҳтиёжларини (жисмоний ва маънавий) хис қила олиш, уларни бошқаларга зарар етказмасдан қондириш малакасини ривожлантириш; ўз имкониятларини баҳолай олиш; ўз имкониятлари доирасида ҳаракат қилиш ва уларни ривожлантиришга интилиш малакасини ривожлантириш; ўз ютуқ ва камчиликларини тан олиш; танқидий ёндашиш; ўзи ва ўзгалар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқалар ҳуқуқлари билан ҳисоблашиш малакасини шакллантириш; ўзгалар анъаналари ва маданиятини ҳурмат қилиш ва уларга нисбатан бардошли бўлиш; болалар билан биргаликда жамиятдаги маълум қоида ва меъёрларни (қоида, қонун, меъёр, талаб ва анъана каби тушунчаларни) ўрганиш; ҳар бир кишининг аҳамиятини билиш ва қадрлаш, ўзгалар ҳаётига қизиқишни орттириш. Бағрикенглик қадриятини таркиб топишида болалар жамоаси ва таълим муассасаларидаги муҳитнинг аҳамияти катта. Бағрикенглик муҳити аста-секинлик билан шаклланади. Уни яратишда таълим муассасаси раҳбарияти, ўқитувчилар, оналар, жамоатчилик катта аҳамиятга касб этади [75].

Демак, юқоридаги манбалар таҳлилидан шу нарса аниқ бўлдики, бағрикенглик маданияти муҳим ижтимоий кўрсаткичлардан иборат: 1) тенгҳуқуқлилиқ (миллати, тили, дини, жинси, ирқий келиб чиқишидан қатъий назар барча одамлар бир хил ҳуқуққа эгадирлар); 2) жамиятнинг

сийсий ҳаётида иштирок этиш учун имкониятларнинг тенглиги; 3) умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда барча халқлар, инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги; 4) жамиятнинг турли миллат вакилларига ўзаро ҳурмат ва фидойилик; 5) барча халқ вакиллари ўз тили, маданияти, урф-одатларига амал қилиш имконияти.

Бағрикенг тавсифга эга шахс сифатлари қуйидагиларни ўз ичига олади: масъулиятлилиқ, ўз-ўзини англаш, раҳмдиллик, очик кўнгиллилиқ, туйғуларни ҳис қила олиш, инсонпарварлик, ҳамдардлик, олийжаноблик, адолатлилиқ, сабр тоқатлилиқ, руҳий барқарорлик, хушмомилалиқ. Бағрикенг бўлмаган шахс сифатлари эса, қуйидагиларни ўз ичига олади: дунёни турфа хиллигини кўра олмаслик, аламзадалиқ, хавотирга берилувчанлик, ўзига бино қўйганлик, худбинлик, бошқа инсонлар билан чиқиша олмаслик, кишиларни ўз қарашлари билан баҳолашлилик [75].

Тадқиқотларимиз таҳлили шуни кўрсатадики, инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни тарбиялаш қуйидаги педагогик талабларни ўз ичига олади:

1) Инглиз тили дарсларида бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга одамлар ҳар хил бўлиши, улар билан яхши муносабатда бўлиб яшаш керак эканлигини тушунтириш.

2) Ўқувчиларга турли халқ маданиятлари тўғрисидаги материалларни етказиш орқали ҳар бир халқ ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги, шунинг учун бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак эканлигини, уларнинг маданиятига ҳурмат билан қараш кераклигини тушунтириш.

3) Ўз халқининг маданияти, ҳаёт тарзини бошқа халқлар маданиятидан устун деб ҳисобламасликка ўргатиш.

4) Инглиз тили дарсларида ўқувчиларни маданиятлараро бағрикенгликка ўргатиш орқали уларда тил кўникмаларини ривожлантиришга эришиш.

5) Инглиз тили дарсларида ўқувчиларни гуруҳ бўлиб ишлашга ўргатиш.

Шу ўринда, мамлакатимиз ўқувчи ёшларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантириш муҳим. Бунга сабаб эса, мамлакатимизда турли миллат вакиллариининг узок йиллардан бери биргаликда яшаб келишидир. Маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантириш жамиятда тотувлик, ҳамжихатлик, инсонпарварлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Демак, биз умумтаълим мактабларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ҳосил қилиш барча фанлар қисмида амалга оширилиши мумкин, лекин, асосан, чет тили дарсларида бу бирмунча самаралироқ бўлади. Мактаб чет тили дарслари календар режасига маданиятлараро бағрикенглик тўйғусини шакллантиришга доир қўшимча материаллар киритилиши керак. Шу билан бирга чет тили дарслари дунё халқлари маданиятини ўзида акс этган видео лавҳалар ва фильмлар, тақдимот материаллари, анъана ва қадриятларни ўзида ифода этган сахна кўринишлари ва реал ҳаётдан олинган матнлар билан бойитилган ҳолда амалга оширилиши керак. Инглиз тили дарсларида алоҳида маданият куни дарслари йўлга қўйилиб, унда дунё халқлари маданиятига саёҳат муҳити яратилади. Ушбу дарсда бошқа халқ маданиятига оид материаллар, бошқа халқ маданиятини ўзида намоён этувчи расмлар, либослар, урф-одат ва қадриятлари тўғрисида маълумотлар, миллий қўшиқлардан парчалар ёки уша халқ маданиятини ўзида ифодаловчи сахна кўринишлари берилиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу тақдим этиладиган материалларнинг барчаси чет тили дарслари билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда индивидуал ишлар билан бирга, гуруҳли машғулотлардан ҳам кенг фойдаланиш ўқувчиларни жамоа сифатидаги фикрини шаклланиб боришига

катта хисса қўшади. Шундай қилиб, ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Бу, айниқса, инглиз тили дарсларида бирмунча самаралироқ бўлади. Маданиятлараро бағрикенгликни ўқувчиларда ҳосил қилиш орқали биз юртимиз ҳудудида неча юз йилдан бери яшаб келаётган турли миллат вакилларининг тинч, осойишта, ўзаро ҳамжиҳатликда бир-бирларининг маданий қадриятлари билан бир қаторда ўзбек маданиятига ҳам ҳурмат билан қарашга ўргатамиз. Бунинг учун эса, чет тили дарсларида ўқитиш жараёнини янги ғоялар билан бойитиш ва куроллантириш талаб этилади.

2.3-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш усуллари, методлари, механизмлари

Бизнинг бугунги дунёмиз доимий ўзгаришларга, жумладан, глобаллашувга, жамият ривожланиш суръатларининг тезлашишига, ахборот жамиятига ўтишга, маданиятлараро ўзаро таъсир кўламининг сезиларли даражада кенгайишига, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига, инсон капиталининг ролининг ошишига таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан, дунё нафақат бундай ривожланиш суръатларига дош бера оладиган, балки тинимсиз ўз олдига қўядиган ва тоборо янги вазифаларни ҳал қиладиган жамиятга муҳтож. Таълим янги даражадаги жамиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўн йил олдин тегишли бўлган мақсадлар, парадигмалар, усуллар янги мақсадлар, парадигмалар ва усулларга йўл очиб бериши керак.

Чет тили фанининг ўзига хослиги ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини чет тилидаги мулоқот сифатида ўзлаштиришини назарда тутди. Бироқ, замонавий дунёда болалар дунё маданияти билан деярли бир вақтнинг ўзида (интернет, хорижий фильмлар,

мусликий асарлар, босма нашрлар) танишадилар ва бу шуни кўрсатадики, маданиятлараро компетенция коммуникатив компетенциянинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда, Ўзбекистон таълим модернизациясининг асосий мақсади шахсда ижобий маънавий сифатларни ривожлантириш, ҳамда маданиятлараро ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдир.

Бундан келиб чиқадики, маданиятлараро бағрикенглик компетенцияни мактабда фаол ривожлантириш керак. Ўрта мактаб ва, айниқса, юқори синфлар – бу мактаб ўқувчилари шахсият, ўз-ўзини англаш, ўзини ўзи кадрлаш ва атрофдаги дунёни идрок этиш концепциясини ривожлантира бошлаган пайт, шунинг учун маданиятлараро бағрикенглик компетенциясининг тўғри тушунчалари айнан уша пайтда белгиланиши керак. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, эътибор мактабларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш муаммосига қаратилган бўлиб, у мамлакатнинг барча мактабларида кучга кирадиган давлат таълим стандартларига тўлиқ мос келади.

Шу ўринда, “Кўп маданиятли таълим макони” ва “бағрикенглик” тушунчаларининг алоҳида жиҳатини кўриб чиқамиз. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, кўп маданиятли таълим ва кўп маданиятли тарбиявий муҳит ўқувчиларга инсон ва кўп миллатли турли этник маданиятларнинг миллий қадриятлар ва мазмунли ҳамкорлиги маданиятлараро мулоқотни таъминлаш учун катта имкониятлар беради (Харитонов, 2013; Жексон, 2013). Ўрганилаётган “кўп маданиятли таълим муҳити” ҳодисаси бир бутун мураккаб кўпайтиришни таъминловчи кўп ўлчовли муносабатларни ўз ичига оловчи интеграл тизим. Кўп миллатли муҳитда бағрикенгликни тарбиялаш кўп маданиятли жамоалар учун муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, кўп маданиятли жамиятларни бирлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш мумкин бўлган воситадир. Масалан, “Россияда кўп маданиятли таълим, бир томондан, ўқувчиларнинг маданий ўзига хослиги ва этник

идентификациясини шакллантиришга ёрдам беради ва бошқа томондан, уларнинг этник-маданий жиҳатдан бошқа этник гуруҳлардан ажралиб қолишининг олдини олади” (Корякина, 2017).

Бағрикенгликни ўзга халқ қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш сифатида кўрсатиш мумкин, чунки бу турли хил этник гуруҳлар ўртасидаги бағрикенглик алоқаси бошқаларни ўрганиш билан боғлиқ маданиятлар ва уларга кириш учун асосдир. Бағрикенглик феноменини ўрганишнинг асосий услубий асослари бу принципдир. Таълим муҳити кўп даражали сифатида намоиш этилиши мумкин. Маданиятлараро бағрикенглик компетенция тил билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ, сўнгги пайтларда социологлар, психологлар ва ўқитувчилар баркамол шахс учун баъзи бир тил қобилиятлари ва қобилиятларига эга бўлиш етарли эмаслигини англай бошладилар. Шунингдек, мулоқот қобилиятлари ёки алоқа қобилиятларини талаб қилинади. Ўзгарган шароитда жамиятнинг чет тилини билиш даражаси билан боғлиқ ижтимоий тартиби шунчаки тилни билишда эмас, балки реал мулоқотда чет тилидан фойдаланиш қобилиятида намоён бўлади. Давлат таълим стандартига мувофиқ, чет тилини ўрганишнинг асосий мақсади “чет тилининг коммуникатив ваколатларини шакллантириш ва такомиллаштириш” бўлиб, у Европа Кенгашининг “Замонавий тиллар: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” хужжатининг мақсадларига тўғри келади. Умумий Европа компетенцияси”. Чет тили коммуникатив компетенцияси – бу билимлар, қобилиятлар ва кўникмалар мажмуи бўлиб, унга эгалик қилиш ўқувчиларга чет тилидан турли ижтимоий жиҳатдан аниқланган вазиятларда, она тилида сўзлашувчилар риоя қиладиган лингвистик ва ижтимоий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда амалда қўллашга имкон беради. Ўқувчилар ҳаётида шахсий ва ижтимоий иқтисодий муносабатларга киришиши, атрофдаги муаммоларни ечимини ҳал этиши учун зарур бўлган компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Маълумки, компетенция бу муайян соҳаларга оид билим ва тажриба, кўникма ва бошқа шахсий сифатларнинг фаолиятда кўринишидир. Коммуникатив, шахсий, касбий, умуммаданий, махсус кабилар эса касбий компетенциянинг турлари (<https://fayllar.org/2-kompetensiya-haqida-tushuncha.html>) бўлиб, бағрикенглик шахсий компетенция сифатларига киради. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш комуникатив, шахсий, махсус ва умуммаданий каби таянч компетенцияларни ривожлантириш орқали амалга оширилади.

“Маданиятлараро бағрикенглик компетенция” тушунчаси 1990-йилларда инсоннинг маданиятлараро мулоқотда муваффақиятли иштирок этиш қобилиятини шакллантириш кўрсаткичи ва янги таълим парадигмасининг муҳим таркибий қисми сифатида миллий педагогик ва услубий фанга кириб келди. Бир қатор муаллифлар маданиятлараро мулоқотни турли миллий маданиятларга мансуб алоқа иштирокчиларининг етарли тушунчаси сифатида изоҳлашади. Маданиятлараро мулоқотнинг энг тўлиқ таърифи И.И. Халеева “Маданиятлараро алоқа – бу турли маданиятларга ва тилларга мансуб одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос жараёнлари тўпламидир. Бу нафақат турли хил маданиятларга мансуб бўлган, балки айти пайтда уларнинг ҳар бири “ҳар хил” эканлигини ва ҳар бирининг бегоналигини қабул қиладиган ўзаро таъсирдаги шериклар ўртасида содир бўлади” деб таъкидлайди [121; 148- б.].

Таълим сифати кўп жиҳатдан танланган минтақавий ва лингвистик ва маданий материалга боғлиқ. Чет тили ўқув дастури тили ўрганиладиган халқ маданияти ва кундалик ҳаёт ҳақидаги долзарб ва қизиқарли маълумотлар, фотосуратлар, диаграммалар, статистик маълумотлар, ўқитувчиларнинг батафсил шарҳлари ва тақдим этилган материаллар асосида тузилиши ва замонавий таълим стандартига тўлиқ мос келиши керак. Демак, чет эл маданиятини ўрганиш тилни ўрганишдан бошланади. Чет тилини ўрганаётганда ўқувчи маданиятнинг ўша қисмини, унинг орқасида турган

ижтимоий бирлигини кашф этади. Чет тили орқали ўқувчи бу тилда сўзлашадиган одамларнинг маданиятини шакллантиради. Аммо, чет эл маданиятини фақат ўз халқи маданияти билан таққослаб ўзлаштириш орқали яхшироқ англаб етиши мумкин.

Ҳозирги вақтда хорижий тилларни ўқитишнинг маҳаллий ва хорижий услубларида ўқитиш маданиятига турли хил ёндашувлар мавжуд. Шунингдек, Г.Д. Томахин чет тилини ўқитиш жараёнида маданиятни ўқитишнинг иккита ёндашувини ажратиб кўрсатган: ижтимоий ва филологик. Биринчи ёндашув ҳар қандай чет тилини, яъни мамлакатшуносликни ўрганиш билан анъанавий равишда боғлиқ бўлган фанни ўқитишга асосланган. Иккинчи ёндашув – бу филология, унинг асосий объекти мамлакат эмас, балки она тилида сўзлашувчиларнинг асосий билимидир. Тилшунослик ва минтақавий тадқиқотлар маърузалар пайтида ҳам, тил дарсларида ҳам қўлланилиши мумкин [89; 45-46 б.]. Ушбу икки ёндашувнинг фарқи шундаки, умумий мамлакатшунослик лингвистик тадқиқотлар билан таққослаганда тилни ўрганиш билан камроқ боғлиқ, улар тингловчиларнинг она тилида олиб борилиши мумкин, бу чет тилини ўрганмайдиган одамлар учун мумкин. Шу билан бирга, лингвистик ва маданий материаллар ўрганилаётган тилдан ажралмасдир: уларда тил таржима қилинган тил мамлакати тарихи ва маданияти тўғрисида маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. М.К. Борисенко, “лингвистик ва маданий жиҳат чет тили дарсларининг ажралмас қисмига айланиши керак”, қачонки “лингвистик бирликлар менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари ва натижада чет тили жамиятининг хулқ-атвор нормалари тўғрисида маълумот ташувчиси сифатида қабул қилинади” [32; 23-б.]. Г.Д. Томахин лингвистик ва маданий тадқиқотларга таърифни беради: “Бу, бир томондан, тилни ўқитишни бирлаштирган йўналиш, бошқа томондан, ўрганилаётган тилнинг мамлакати тўғрисида маълумот беради”. Асосий объект мамлакат эмас, балки маълум бир тилда сўзлашувчиларнинг маданияти, уларнинг маданиятини

умумлаштирилган шаклда. Унинг фикрига кўра, “маданиятшунослик ҳақида гапириш тўғри бўлади. Бироқ, бу атама тил билан узвий алоқани англамайди ва шунинг учун бу фан тилшунослик ёки лингводидактика эмас, балки маданиятшуносликнинг бир қисми бўлиши мумкин [89; 51-б.]

Тил ва маданий компетенция маданиятлараро компетенциянинг ажралмас қисмидир, аммо иккаласи бир хил эмас. Тилшунослик ва маданий компетенция – бу ўрганилаётган тилнинг мамлакати тўғрисида миллий кодланган маълумот тизимидан фойдаланиш қобилияти, маданиятлараро компетенция эса, олинган билимлардан фойдаланган ҳолда етарли даражада алоқа ўрнатиш қобилиятидир. Унда равон бўлмаган одамнинг чет тилида мулоқоти индивидуал миллий услуб билан тавсифланиши мумкин, уни йўқ қилиш керак эмас, балки маданиятлараро мулоқотга мослаштириш керак, яъни уни ўқув жараёнида олган билимлари ва малакалари билан етарли даражада бирлаштириш керак. Бу борада Н. Клернинг фикри характерлидир. “Оғзаки мулоқотнинг аксарияти, – дейди Клер, – маълум бир маданият учун, маълум бир тарих учун маълум бир дунёқараш асосида амалга оширилади. Алоқа иштирокчилари учун умумий бўлган ушбу билимлар захирасиз мулоқот қилиш мумкин эмас”. Шунингдек, маданиятлараро бағрикенглик компетенцияни шакллантиришда коммуникатив ва тадқиқот характеридаги ўқув машқлари бўлиши керак. Бундай машқлар: 1) муайян мамлакат маданияти учун имкон қадар реал бўлганларга иложи борича яқинроқ бўлган диалогли вазиятларда лингвистик бирликлар ва грамматик тузилмаларни ишлаб чиқиш (масалан, аэропортда, ресторанда, дўконда, зиёфатда ва бошқалар); 2) агар зарур техник воситалар мавжуд бўлса, чет эл маданияти вакиллари билан ҳақиқий алоқа (электрон почта, ёзишмалар, форумда ёзишмалар; видеолар алоқа ва ҳ.к.); 3) ўрганилган мавзуларга оид илмий-тадқиқот ва ижодий лойиҳалар, аммо маълумот қидириш ва тақдим этишдан ташқари, шу маълумотларнинг лингвистик ва минтақавий таҳлили; 4) босма нашрлардан тортиб, таржима қилинган тил мамлакат миллий каналларининг

фильмлари ёки янгиликларига қадар ҳақиқий материалларни лингвистик ва минтақавий таҳлил қилиш.

Маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси чет тили коммуникатив компетенциясининг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли, бирини ривожлантириш иккинчисини ривожлантиришга ёрдам беради. Маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси – бу махсус характерга эга бўлган компетенция, содир бўлаётган нарсаларнинг коммуникаторлари учун умумий маъно яратиш орқали амалга ошириш қобилияти ва натижада ҳар икки томон учун ижобий бўлган мулоқот натижасига эришишдир.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ, асосан, мактабда чет тилини ўрганиш мақсадларга эришишга қаратилган: хорижий тилнинг коммуникатив компетенциясини унинг таркибий қисмлари, яъни: нутқ компетенцияси – нутқ фаолиятининг тўртта асосий тури (гапириш, тинглаш, ўқиш, ёзиш) бўйича мулоқот қобилиятларини ривожлантириш; тил компетенцияси – янги тил воситаларини (фонетик, имло, лексик ўзлаштириш, грамматик) асосий мактаб учун танланган мавзулар ва алоқа вазиятларига мувофиқ; мақсадли тилнинг лисоний ҳодисалари, она ва чет тилларида фикрларни ифодалашнинг турли усуллари тўғрисида билимларни ўзлаштириш; ижтимоий-маданий / маданиятлараро компетенция – тажриба, қизиқишларга мос келадиган алоқа мавзуси, соҳалари ва вазиятлари доирасида таржима қилинадиган тил мамлакатлари / мамлакатлари маданияти, анъаналари, ҳақиқатлари билан танишиш; турли босқичларда бошланғич мактаб ўқувчиларининг психологик хусусиятлари; маданиятлараро алоқа шароитида ўз мамлакати, унинг маданиятини намойиш этиш қобилиятини шакллантириш; компенсацион компетенция – ахборотни қабул қилиш ва узатиш пайтида тил воситалари етишмаслиги шароитида вазиятдан чиқиш кўникмаларини ривожлантириш; ўқув ва когнитив компетенция – умумий ва махсус таълим қобилиятларини янада ривожлантириш, фаолиятнинг универсал усуллари; талабалар тилларни ва

маданиятларни мустақил ўрганиш, шу жумладан, янги ахборот технологияларидан фойдаланиш учун мавжуд бўлган усул ва услублар билан танишиш. Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари: бағрикенглик хулқ-атворини шакллантириш механизмлари (махсус тадбир – фаолият муҳитини ташкил қилиш, бағрикенглик хатти-ҳаракатларини ривожлантириш, этник, маданий ва диний фарқлар барқарорга асосланган ҳамкорлик стратегиясини яратиш ва гуруҳлараро бағрикенгликни барқарорлаштирувчи ҳолатларини муваффақиятли яратиш) ва уларнинг экспериментал текширувлари.


Чет тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда қуйидаги вазифалар жорий қилинади: 1) ўқувчиларнинг бағрикенглик туйғусини шакллантиришни таъминловчи ҳолатларни тадбирларда иштирок этиш самарадорлиги ва шахснинг ўзига хос бағрикенглик муносабатини шакллантиришга қаратилган хатти-ҳаракатларни кўпайтириш; 2) таълим жараёнининг барча фанлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун бағрикенглик муносабатлари ривожлантириладиган воқеа-ходисалар, намоишлар (томошалар)ни кўпайтириш; 3) ўқув фанларининг ўзаро таъсирини таъминлайдиган бағрикенгликка оид дунёқарашлар ва кадриятлар асосидаги тадбирларнинг самарадорлигини ошириш; 4) дарс жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир материаллардан кенг фойдаланиш; 5) чет тили дарслари ўқув жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга ёрдам берадиган методлардан кенг фойдаланиш.

Бағрикенглик хатти-ҳаракатларнинг шаклланиши чегаралаб бўлмайдиган жараён бўлиб, унда қуйидагилар орқали ўзаро таъсир ўтказилади: 1) бағрикенглик хулқ-атвори андозаларига оид муносабат шакллантиришнинг мақсадли тартиб солиш; 2) бағрикенгликнинг қиёсий тасвирларини ривожлантириш ва бағрикенглик хулқ-атвор имкониятларини тушуниш (ўз-ўзини тарбиялаш); 3) бағрикенглик хулқ-атворини

шакллантиришнинг механизлари (махсус тадбир-фаолияти муҳитини ташкил этиш, бағрикенглик хатти-ҳаракатларининг шахсдаги ролни ривожлантириш, этник, маданий ва диний фарқларни ҳисобга олган ҳолда стратегияларни яратиш ва амалга оширишда барқарор профессионал ўзаро ҳамкорликнинг муваффақиятли ҳолатларини яратиш).


Тадқиқотимиз таҳлиliga кўра бағрикенглик хулқ-атвори шакллантириш механизларига кўйида берилган сифатларнинг ёрдам бериши аниқланди: 1) ўқувчиларнинг ижтимоий норма сифатида бағрикенглик қадриятларини англашига; 2) ўзларининг ресурсларидан унумли фойдаланиш орқали бағрикенглик хатти-ҳаракатлари қобилиятларини ривожлантириш; 3) психологик барқарорлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган шахснинг фазилатлари, ҳолатлари, сифатларини такомиллаштириш; 4) бағрикенглик ҳаракатининг тажрибасига доир янги фикрлар яратиш; 5) шахснинг маънавий-ахлоқий, фуқаролик ва ватанпарварлик маъно уйғунлигини ва ҳаёт фаолиятининг тартибга солувчи мажбуриятлари (қонун устуворлиги, ҳамкорлик, фуқаролик бурч).

Тадқиқот сўнгида инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди:



2.3.1-расм. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш жараёни модели

Шунингдек, шахсинг миллий ва дунёвий маданиятига киришиши масалалари ечими, унинг бошқа маданиятлар билан танишuvi ва ўқувчи шахсининг бағрикенглик сифатлари унинг юқори синфдаги кўп маданиятли муҳитга: мослашувчан, ижтимоий-ҳуқуқий, маданий, тарбиявий, ижтимоий-тарбиявий кабиларга кириша олиш имконини беради.



2.3.2-расм. Кўп маданиятли муҳитда ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш функциялари


Кўп маданиятликнинг мослашиш функцияси мактаб таълими муҳитида таъминланади: педагогик қўллаб-қувватлаш; тенгдошларининг ўзаро маданиятлараро мулоқоти; маданиятни, тилни, тарихни, турли менталитетга тегишли бўлган одамлар билан танишишни ўрганиш.

Маданий функцияга мувофиқ ўқувчиларга ўзларини яхши англаб етишга, турли маданий қатламларга тегишли бўлган халқларни яхши қабул қилишга ўргатиш керак.

Ўрта мактаб кўп маданиятли муҳитининг ижтимоий-тарбиявий функцияси ўқувчиларни атрофдаги кўпмаданиятли муҳит билан биргаликда таълимга оид тизимини ўз ичига олишни англатади. Ушбу функциянинг моҳияти ўқувчиларни низоларда, айниқса, турли миллат вакиллари билан бўладиган муносабатларда, беқарор вазиятларда ўзларининг хатти-ҳаракатларини бошқариш ва назорат қилишга ўргатишдир. Ушбу фикр доирасида Р.Люзиернинг этик ва психологик муҳитни яхшилайдиган, ҳурмат, дўстлик ва ўзгаларнинг маданияти, тили урф-одатларига нисбатан ишончи,

устирадиган баёноти жуда долзарб ва муҳим деб ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маданиятлараро мулоқот ўрнатишга ёрдам беради деб таъкидлайди (Люзиер, 2000).

Чет эл олимлари ишлари кўп қиррали ва кўп маданиятли таълимнинг чизмасини яратиш устида иш олиб бормоқда. Кўп маданиятли таълим замонавий чет эл педагогикаси таълимининг зарурий таркибий қисми сифатида ўрин эгалламоқда. Ушбу турдаги таълимнинг устувор мақсади кўпмаданиятли жамиятда ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашдир. Кўп маданиятли таълим доирасида назарий тадқиқотлар таҳлилларини ажратишга ёрдам беради: маълум маданий гуруҳлар ва маданий мероси аъзоси бўлган муайян шахснинг таълими; замонавий дунёнинг ижобий тушунчаси сифатида кўпмаданиятли муҳитга мослашишни талаб қиладиган шароитда ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш; ўзга одамлар маданиятини тушуниш ва ҳурмат қилиш; ўқувчиларнинг ижтимоий синф, этник гуруҳларда ижтимоий-маданий характерга эга қобилиятларини юқори даражада ривожлантириш. Чет тили бўйича ўқув дастурлари ва дарсликларини ривожлантиришда кўп маданиятли ёндашувнинг асосий хусусиятларини аниқлаш керак.



2.3.3-расм. Кўпмаданиятли таълим тилининг тизими

Ушбу схема ўқувчиларнинг бағрикенгликни шакллантириш босқичлари, ўқитиш воситалари, қонуниятлари, шакллар ва уларни амалга ошириш методларини белгилайди. Шунини таъкидлаш керакки, чет тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда ўқитувчиларнинг ўрни муҳимдир. Ҳаётини матнлар, чет тилидаги газета ва журналларни ўқиш, инглиз тилида гаплашувчи мамлакатлар халқлари маданиятини таништирувчи аудио матнларни тинглаш ва видеофильмларни томоша қилиш, ўқувчиларга уша тил халқи маданияти билан боғлиқ муаммоларига бошқача кўз билан қарашга имкон бериб, тили ўрганилаётган халқ маданияти вакилларининг турмуш тарзи, менталитети, анъана ва урф-одатлари тўғрисида билим беради. Маданиятлараро мулоқот тамойилини амалга оширилиши ўқувчиларни маданий масалаларни можаросиз ўзаро тинч йўл билан ҳал этиш ва ўзаро эркин мулоқот қилишга ўргатади. Ўз маданиятини бошқа маданият билан таққослаб ўргатиш орқали ўқувчилар қуйидагиларни ўрганишади: нафақат фарқларни, балки ўрганилаётган маданиятларнинг ўхшашликларини билиш; замонавий кўп маданиятли дунёда турфа маданиятларнинг биргаликда яшашдаги фарқларини мезон сифатида қабул қилиш; замонавий дунёда маданий камситиш ва маданий тенгсизликка қарши қаратилган ҳаётини фаол ёндашувни шакллантириш.

Тадқиқот иши доирасида инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш таҳлил қилиш давомида ўқитишнинг самарали усулларини танлаш принциплари хусусида ҳам кўплаб назарий адабиётлар, дарсликлар, онлайн маърузалар таҳлил қилинди. Принциплар инглиз тилини ўқитиш нуқтаи назаридан муҳим қонуниятлар ёки қоидалар мажмуи деб таърифланади. Чет тил ўқитиш методикасида принциплар бир нечта гуруҳларга ажратилади: лингвистик, умумдидактик, психологик-психоллингвистик, методик принциплар шулар жумласига киради. Ушбу принциплар ўзбек олимлари, ғарб мутахассислари,

МДХ олимлари томонидан чуқур тадқиқотлар асосида ўрганилган ҳамда таълим жараёнида қўллаш таклиф қилинган. Мазкур принциплар асосида умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синф инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда қуйидаги методлардан кенг фойдаланиш мумкин.

1-метод. “Таъриф беринг”. Ушбу метод умумий ўрта мактабининг юқори синф ўқувчиларида қўллаш мумкин. Бу методнинг мақсади ўқувчиларда тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш, лексик-грамматик тил кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериш билан бирга уларни ўзга халқ маданияти ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларга нисбатан ҳурмат қилишга ўргатади. Бунда ўқувчилар (4-5 та) гуруҳларга ажратилади. Ўқитувчи ўқувчиларга инглиз тилида гаплшувчи мамлакатлар халқлари маданиятини номини топширик сифатида беради. Ўқувчиларнинг вазифаси эса, ушбу халқ маданияти, урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот тақдим этишдир. Қайси гуруҳ кўпроқ маълумот бера олса, ўша гуруҳ рағбатлантирилади.

2-метод. “Ўзга халқ вакили билан суҳбат”. Ушбу методнинг аҳамиятли томони шундаки, у ўқувчиларни реал ҳаёт билан таништиради. Ўқитувчи ўзга халқ маданиятига тегишли бўлган вакилни дарсга таклиф қилиб, у билан қисқача инглиз тилида интервью ташкил этиши мумкин. Ўқувчилар унга инглиз тилида ўзларини қизиқтирган саволларини беришади. Агар бундай вакил топилмаса гуруҳ аъзоларидан кимдир чиқиб ўша халқ вакили сифатида жавоб бериши мумкин. Бу метод ўқувчиларда гапириш, тинглаб тушуниш, лексик-грамматик куникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

3-метод. “Ҳикоя тузиш”. Бу методда ўқувчилар 4 гуруҳга ажратилади. Уларга бирорта халқ номи айтилади. Уларнинг вазифаси эса, уша халқга тегишли бўлган белгилар, жиҳозлар каби нарсаларни доскага бирин кетин чизишади. Сўнгра ўқувчилар гуруҳлари билан ушбу доскада чизилган

расмлар ёрдамида ҳикоя яратишади. Энг яхши ҳикоя ярата олган гуруҳ жараён сўнгида рағбатлантирилади.

4-метод. “Иссиқ картошка” методи. Бу метод ўқувчиларни қувноқлиги билан ўзига жалб қилиши мумкин. Бунда ўқитувчи дастлаб 5-6 та вароққа ўқувчиларда маданий бағрикенглик шакллантиришга доир саволларни ёзиб, уларни бирин-кетин ўраб картошка ясалади. Қўйидаги саволлар бўлиши мумкин: What is tolerance? Who is more tolerant in your group? Can you tell us qualities of tolerance? How do you respect other culture’s people? Do you have a friend related to other cultures?

Гуруҳ ичида бир ўқувчи танланади ва ўқувчиларга орқа қилиб доскада туради. Бошқа ўқувчилар эса, ясалган “иссиқ картошкани” бир бирларига улоқтиришади. Доскада турган талаба “stop” деб айтганда, картошка кимни кўлида қолиб кетса, уша ўқувчи уни биринчи қаватини очиб ичидаги саволга жавоб беради. Сўнг ўйин то қоғозлар сони тугагунича шу тарзда давом этади.

5-метод. “Савол тузиш”. Ушбу метод “Савол тузиш” деб номланиб ўқувчиларга инглиз тилида гаплашув мамлакатлар халқлари маданиятини ўзида акс эттирган расм кўрсатилади. Ўқувчиларнинг вазифаси эса, ўша расмга қараб савол тузишдир. Ҳамма ўқувчилар ўзларининг саволларини бирма бир беришади. Ушбу метод ёрдамида ўқувчилар тўғри савол беришни ўрганишади.

6-метод. “Саёҳат дарси”. Ушбу методдан дарсда кенг фойдаланиш ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик шакллантиришда самарали ҳисобланади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга бирорта давлатга ҳаёлий саёҳат қилишни таклиф этади. Ўқитувчи уша давлат халқи, маданияти, урф-одатлари, миллий либослари ҳақида қизиқарли расмлар ёрдамида маълумотлар берилади. Ўқувчиларга шундай муҳит яратиладики, улар худди ўша маданиятни яқиндан билиш имкониятига эга бўлишади.

7-метод. “Ўйлаб топ”. Бу метод юқори синф ўқувчилари учун яхши. Дарс жараёнида синфни 2 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳдан бир

нафардан вакил доскага чиқиш сўралади. Гуруҳнинг ўша аъзоси доскага орқа қилиб туради. Ўқитувчи доскага бирорта халқ маданиятига тегишли бўлган бирорта нарсани ёзади ёки расмини кўрсатади. Унинг гуруҳи эса, ушбу нарсани доскада турган гуруҳ вакилига таърифлаб беришади. У эса, таърифлардан уни нима эканлигини топиши керак.

8-метод. “Топган топалоқ”. Бу методда ўқитувчи ўқувчиларга бирорта халқ маданияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот беради. Ўқувчилар бу маълумотлар қайси халқ маданиятига тегишли эканлигини топишдан иборат.

9-метод. “Бағрикенг инсон”. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга инсонга тегишли бўлган сифатлар, ўзига хос хусиятлари ҳар хил шаклда ёзилган расмни тақдим этади. Ўқувчилардан бағрикенг инсон сифатларини топишлари ва унга изоҳ бериш сўралади. Ўқувчилар расмда берилган сўзлар тўпламидан бағрикенг шахс сифатлари яратилади.


10-метод. “Маданият суръатларда” методдан фойдаланишда ўқувчилар гуруҳларга ажратилади. Ушбу методда ўқувчиларга турли халқ маданиятини ўзида акс эттиривчи белгилар, миллий либослар, қалпоқлар, аксессуарлар, миллий таомлар, уй-жой кўринишлари, байроғ каби расмлар чизилган тарқатма тайёрланади ва ўқувчиларга тарқатилади. Ўқитувчи улардан ушбу расмни қайси маданий халқларга тегишли эканлигига қараб ажратишлари сўралади. Берилган топшириққа ажратилган вақт тугагандан сўнг ҳар бир ўқитувчи ўзларининг фикрларини изоҳлаб беришади.

11-метод. “Ижодкор шериклар”. Бу ажойиб синф фаолияти ўқувчилар орасида ижодкорликни уйғотиши мумкин. Ўқувчилар, аввало, жуфт бўлиб ўтиришади ва бир-бирига тескари ҳолатда жойлаштирилади. Бир ўқувчига ўзга халқ маданиятини ўзида акс эттирувчи расм, бошқасига эса қоғоз ва қалам берилади. Расмга эга ўқувчи аслида нима эканлигини айтмасдан расмдаги нарсани тасвирлаши керак. Бошқа одам унинг тавсифига кўра, ижодкорлик ва тасаввурларни ишга солиб уни чизиши керак.

12-метод. “Қувноқ поездча”. Бу бошланғич даражадаги ўқувчилар билан ўйнаш мумкин бўлган қувноқ ўйин. Ўқувчиларни 1 ёки 2 га гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан поездни ифодалаш учун сафланиш ва ўзаро боғланиш талаб қилинади. Ўқитувчи поезд аста-секин олдинга ҳаракатланганда бошланг дейди. Ўқитувчи кейин бўйруқлар беришни бошлайди. Масалан: тўхта, секин, орқага ҳаракат, чап ва ўнгга бурилинг каби бўйруқлар ўқитувчи томонидан берилади. Ўқувчилар бу бўйруқларни тинглашади ва уларнинг ҳаракатланишида уларга амал қиладилар. Бу ўқувчилар ўртасида ҳамжихатлик, дўстлик, бир-бирига ишонч каби сифатларни шакллантиришга ёрдам беради.


13-метод. “Ташаккур билдириш”. Ушбу метод ўқувчиларни ташаккурларини изҳор этишга ўргатишади. Улар ўз яқинларига қандай ташаккур билдиришни ўрганишади.

14-метод. “Ҳаммаси ўзим ҳақимда”. Бунда ўқувчиларга тарқатма тарқатилади. Улар ўзлари ҳақида сўралган маълумотларин берилган шакллар ичига ёзишади. Бу метод уларни ўзларини инглиз тилида яхши таърифлашга ўргатади. У қуйидаги шаклда бўлиши мумкин.



2.3.4-расм. Ҳаммаси ўзим ҳақимда методи кўриниши

16-метод. “Сирли гап”. Ушбу методда доскага инглиз тилида бирорта гап ёки ўз халқга тегишла мақол, матал ёзилади. Лекин унда ҳарфларнинг баъзи қисми тушириб қолдирилган ҳолатда ёзилиши керак. Ўқувчилар тушиб қолган ҳарфларни топишлари керак. Сўнг ўша мақол, матални изоҳлайдилар.



2.3.5-расм. Сирли гап методи кўриниши

17-метод. “Турли маданиятлар билан суҳбат” методида эса ўқитувчи бағрикенглик самарали мулоқот ва маданиятлараро тушуниш учун, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян соҳалар ҳақида сўрайди. Ўқитувчи иштирокчиларни халқлар турли одамлардан иборат бўлибгина қолмай уларнинг қадриятлари ҳам бир биридан ўзаро фарқ қилади деган фикрга йўналтириши керак. Ўқитувчи гуруҳни тасодифий равишда тўртта кичик гуруҳга ажратади ва уларнинг ҳар бирига ўзига хос “ўз халқи маданияти тавсифи” (Culture description) дея номланган тарқатма материали тарқатади. Гуруҳ иштирокчиларининг вазифаси эса ушбу тарқатма материалга ўзларининг тасаввуридаги маданиятини тавсифлайдилар. Кейин ҳар бир гуруҳнинг бирор бир вакилини бошқа гуруҳларга бориб уларнинг маданияти билан танишиш сўралади. Намуна сифатида қуйидагиларни бериш мумкин: Биринчи маданият гуруҳи: бу мамлакатда ҳар бир инсон баланд овозли бўлади. Одамлар ўз ҳис-туйғуларини очик ифодалашга одатланган. Суҳбатдошидан оила, соғлик масалалари ва қариндошлари каби нарсаларни тўғрисида батафсил сўраш ва муҳокама қилиш одобдан ҳисобланади. Уларнинг суҳбатлари ўзаро кўп жисмоний ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади. Меҳмондўстлик тимсоли сифати ҳар бир киши меҳмонларга ширинлик таклиф этади. Ширинликни ҳар доим дарҳол истеъмол қилиш ишонч ва барака рамзи ҳисобланади. Иккинчи маданият гуруҳи: бу мамлакат фуқаролари самимий ва дўстона. Улар меҳмонларни табассум билан кутиб олишади. Улар ўз меҳмонларига мумкин бўлган барча эътиборни берадилар, лекин бир вақтнинг ўзида шахсий саволларга жавоб бермасликлари ҳам мумкин. Уларнинг ҳаёти фақат ўзларига маълум бўлган урф-одат ва қоидалар

билан тартибга солинади (“урф-одатдан”, “урф-одатдан эмас”). Агар сиз уларнинг анъаналарига қарши бирор нарса қилишга уринсангиз бу “урф-одатдан эмас” деб жавоб қайтаришади. Ушбу маданиятга тегишли халқлар ўзаро гаплашганда ҳеч қачон бир бирига тегмайдилар. Ҳар бир гуруҳ иштирокчилари иложи борича ўз маданиятлари ҳақида тавсиф бериш талаб қилинади ва қисқа вақт ўтиб маданият вакиллари бир-бирига ташриф буюра бошлайди: 1-маданият 2- маданиятга ташриф буюради 3-маданият эса 4-га ташриф буюради ва ҳоказо. Ушбу ташрифлардан сўнг, иштирокчилар ўз ўринларини эгаллашади ва ўқитувчи уларни ўйинга бўлган таъсирларини тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашади.

Бундан ташқари, ўқувчиларни дарсдан ташқари бўлган жойларга, музейларга, зиёратгоҳларга, диққатга сазовор жойларга экскурсия қилдириш маданиятлараро бағрикенгликни компетенциясини шакллантиришда жуда катта имконият беради. Шундай қилиб, умумий ўрта таълим мактабларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш жараёни тили ўрганилаётган мамлакатнинг миллий маданияти тўғрисида етарли маълумот базасини шакллантириш, чет тили ва унинг ҳақиқатлари тўғрисида етарли ва дўстона тасаввурни шакллантириш ва ниҳоят, маданиятлараро бағрикенгликни шакллантирадиган мулоқотларга доир амалий машғулотларни ўз ичига олиши керак. Чет эл маданиятини ўз маданияти билан тенг равишда қабул қилишга тайёр бўлишдан ташқари, ўқувчилар ўрганилаётган тил ҳақиқатларига нисбатан ижобий муносабатни ривожлантиришлари керак. Бу уларга баъзи бир амалиётлар орқали бошқа маданият вакиллари билан самарали мулоқот қилишга ва бағрикенглик шаклланган шахс бўлишга имкон беради.

Таъкидлаш керакки, чет тилини ўқитишнинг замонавий мақсади ўқувчининг шахсиятини шакллантиришга унинг тайёрлиги, қобилиятлари ва дунёнинг бошқа лингвистик қиёфаси маданияти шароитида нутқ-фикрлаш фаолиятининг ҳар хил турларини амалга оширишга имкон беради.

II боб бўйича хулосалар

1. Бағрикенгликни ривожлантириш жараёни инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликнинг одоб-ахлоқ ва хулқ-атвор қоидалари орқали интерфаол таълим методлари ва дарсдан ташқари машғулотлар, реал мулоқотлар орқали тарғиб қилинади. Бу дарсда демократик ва ўзаро ҳамкорлик муҳити, холис баҳолаш, ўқитувчи-ўқувчи ахлоқи ва ўзаро муносабати, ўқув жамоасига тегишли ўзаро анъана ва қадриятларидан иборат бўлган соғлом ўрганиш муҳитидан руҳлантирилади. Чет тили дарсларида бағрикенгликни ривожлантириш жараёни самарали маданиятлараро ўзаро муносабатлар сифатида маданиятлараро ва шахслараро муносабатларни уйғотувчи мавзулар ва материалларни киритиш орқали кучайтирилади.

2. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожлантиришнинг самарали усулларида бири бу чет тилидаги мулоқотнинг реал ҳолатларида ёзиб олингани, яъни чет тилида сўзлашувчилар томонидан ўқилган аудио матнлар ва видео материаллардан фойдаланишдир.

3. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни тарбиялаш қуйидаги педагогик талабларни ўз ичига олади:

– Инглиз тили дарсларида бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларга одамлар ҳар хил бўлиши, улар билан яхши муносабатда бўлиб яшаш керак эканлигини тушунтириш.

– Ўқувчиларга турли халқ маданиятлар тўғрисидаги материалларни етказиш орқали ҳар бир халқ қадрли хусусиятларига эга эканлиги, шунинг учун бунга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак эканлигини, уларнинг маданиятига ҳурмат билан қараш кераклигини тушунтириш.

– Ўз халқининг маданияти, ҳаёт тарзини бошқа халқлар маданиятидан устун деб ҳисобламасликка ўргатиш.

– Инглиз тили дарсларида ўқувчиларни маданиятлараро бағрикенгликка ўргатиш орқали уларда тил кўникмаларини ривожлантиришга эришиш.

– Инглиз тили дарсларида ўқувчиларни гуруҳ бўлиб ишлашга ўргатиш.

4. Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришни таъминловчи сифатида қуйидагилар жорий қилинади:

– инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик туйғусини шакллантиришни таъминловчи ҳолатларни яратувчи тадбирларда иштирок этиш самарадорлиги ва шахснинг ўзига хос бағрикенглик муносабатини шакллантиришга қаратилган хатти-ҳаракатларни кўпайтириш;

– таълим жараёнининг барча фанлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун маданиятлараро бағрикенглик муносабатлари ривожлантириладиган воқеа-ҳодисалар, намоёишлар (томошалар)ни кўпайтириш;

– ўқув фанларининг ўзаро таъсирини таъминлайдиган, бағрикенгликка оид дунёқарашлар ва қадриятларни шакллантирадиган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

– дарс жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир материаллардан кенг фойдаланиш;

– чет тили дарслари ўқув жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга ёрдам берадиган методлардан кенг фойдаланиш.

5. Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш жараёни модели ишлаб чиқилди, у ўқувчиларнинг бағрикенгликни шакллантириш босқичлари, мазмуни, йўналишлари, шакллантириш кўрсаткичлари ва маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш жараёнини белгилайди.

6. Инглиз тили ўқитиш жараёнида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда ҳаётий матнлар, чет тилидаги газета ва журналларни ўқиш, бошқа халқ маданиятини таништирувчи аудио матнларни тинглаш ва видеофильмларни томоша қилиш, ўқувчиларга ўша тил халқи маданияти билан боғлиқ муаммоларига бошқача кўз билан қарашга имкон бериб, тили ўрганилаётган халқ маданияти вакилларининг турмуш тарзи, менталитети, анъана ва урф-одатлари тўғрисида билим беради.

7. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда ва уни ривожлантиришда “Сирли гап”, “Хаммаси ўзим ҳақимда”, “Ташаккур билдириш”, “Қувноқ поездча”, “Ўйлаб топ”, “Саёҳат дарси”, “Савол тузиш”, “Иссиқ картошка”, “Ўзга халқ вакили билан суҳбат”, “Ҳикоя яратиш”, “Таъриф беринг” каби методлардан фойдаланилса янада самарали натижага эришилади.

III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

3.1-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси

Инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш йўналишига тажриба-синов мақсадида умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларидан сўровнома ўтказилди (1-илова). Мамлакатимизнинг Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг мактаблари чет тили ўқитувчилардан сўровнома ўтказилди (1-илова). Ушбу амалга оширилган тадқиқот натижасига кўра, сўровномада иштирок этган ўқитувчиларнинг ўзлари бир-бирларини тўлиқ бағрикенг эмас деб ҳисоблашларини аниқланди. Чет тили ўқитувчиларининг кўпчилиги тил дарсларини, баъзилари эса барча фанларни маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш учун самарали натижага эришилиши мумкинлигини таъкидлашган. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўзларининг ўқув дастурларига қисман киритишган. Улар дастурда қисман киритилган бўлсада, дарс бошлашдан олдин ушбу тушунчага тўхталиб ўтишларини маълум қилишди. Чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликка доир мавзуларни муҳокама қилинганида ўқувчиларнинг бунга бўлган муносабати ижобий бўлган. Бунда ўқувчиларга маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир методлар ёрдамида инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни ҳосил қилиш мумкин (2-илова).

Мамлакатимизнинг 3 та ҳудудида жойлашган мактабларда ўтказилган тадқиқотлар амалга оширилди. Дастлаб мактаб тизими ва муҳитида бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенглик масалалари тўғрисида

маълумот тўплаш учун 5-9 синфнинг чет тили дарслари кузатилди ва ушбу синфларининг ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказилди (3-илова).

Тадқиқот таҳлили:

1-савол: Мактабнинг 5-9 синфлари чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчаларига мурожат этиладими?

3.1.1-жадвал

Мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларининг 1-саволга умумий ўртача жавоблари

Маълумот қандай қилиб тўпланган?	Мактабнинг 5-9 синфлар ўқувчилари чет тили дарслари кузатилди. 5-9 синфларга дарс берадиган ўқитувчилар билан суҳбат ўтказиш
Нималар аниқланди?	Ўқитувчилар – ҳа, баъзи мактабларда – 72% Ўқувчилар – кам ҳолларда – 58%
Бу нимани аниқлатади?	Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотнинг узилиши
Таклиф	Ўқувчиларни ёнма-ён ўтирғизиш, ҳамкорликда ишлаб, уларни бир-бирларига нисбатан бағрикенг бўлишга ўргатиш

Биринчи тадқиқот саволига жавобан (жадвалга қаранг), ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги жавобларни турли хил эканлигини аниқланди. Саволга ўқувчиларнинг гуруҳларга ва ўқитувчилар билан норасмий суҳбатлар фойдаланиш орқали жавоб олинди. Мактаб ўқитувчиларининг ҳаммаси чет тили ўқув дастурида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасига баъзилари тўхталишини ва айримлари ушбу сўзнинг асл маъносини ўқувчиларга тушунтирмаганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ўқитувчилардан бири у адолатсизлик масалаларига тўхталиб ўтишлигини, лекин айнан бағрикенглик масалаларига мурожаат қилмаганини айтди. Бошқа томондан эса, ўқувчиларнинг кўпчилиги аксарият ҳолларда, бағрикенглик тушунчасига дарс жараёнида тўхталиб ўтишмаганлигини айтиб ўтишди. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тўпланган жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, улар ўртасида аниқ бир фарқ бор эди. Маданиятлараро

бағрикенгликни ўргатиш ўқув режанинг бир қисми бўлмасда ўқувчилар бағрикенгликни шакллантиришга ёрдам берадиган мавзуларни чет тили дарсларида айнан бағрикенгликка тўхталиб ўтилаётганини ўқувчилар англамаганлар.

2-савол: Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари маданиятлараро бағрикенглик тушунчасидан қай даражада хабардор?

3.1.2-жадвал

Мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларининг 2-саволга умумий ўртача жавоблари

Маълумот қандай қилиб тўпланган?	Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари чет тили дарслари кузатилди
Нималар аниқланди?	Ўқувчиларнинг деярли ярми хабардор. Бошқа фанларда ўргатилган – 52%
Бу нимани аниқлатади?	Мактабларнинг чет тили дарсларида тўғридан-тўғри қисман мурожаат қилинган. Дарс жараёнида бошқа тиллардан фойдаланиш
Хулоса	Бағрикенглик умуман ҳосил бўлмаган

Тадқиқотнинг иккинчи саволига жавобни гуруҳларни кузатиш орқали тўпланган маълумотларга эътибор қаратиш орқали берилди. Тўпланган маълумотларга кўра, ўқувчилар бағрикенглик тушунчасини чет тили дарсларидан бошқа фанларда тўхталиб ўтишган бўлиб, айнан чет тили дарсларида қисман мурожаат қилинган. Ўрта мактаб ўқувчилари бағрикенглик сўзини ўз ота-оналари билан боғлаб, болалар ўзларида мавжуд баъзи хатти-ҳаракатлар ёки муносабатлар асосида атрофдагиларга нисбатан бағрикенг бўлиш билан ифодалашди. Бошқа ўқувчилар эса, бу атамани умуман бошқача талқин қилишди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, мактабларнинг чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик атамасига тўғридан-тўғри мурожаат қилинмагани, чет тили дарсларида бағрикенглик атамасига қисман мурожаат

қилингани аниқланди. Мактабларда ўқитувчилар ва ўқитувчилардан тўпланган маълумотларга кўра, баъзи ҳолларда, ўқитувчиларнинг бағрикенглик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишига оид манбалари мавжуд; аммо бағрикенглик атамасини ўз ичига олмайди. Яъни ўқитувчилар бағрикенглик атамасини ишлатмасдан уни бошқа номларда талқин қилишади. Бошқа томондан эса, баъзи ўқитувчилар чет тили дарсларида бағрикенглик масалаларига асосий эътибор марказига айлантirmаяпти.

3-савол: Мактаб тизими ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантиришга таъсир кўрсатадими?

3.1.3-жадвал

Мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларининг 3-саволга умумий ўртача жавоблари

Маълумот қандай қилиб тўпланган?	Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари чет тили дарслари кузатилди
Нималар аниқланди?	Қисман – 56%
Бу нимани англатади?	Мактаб тизими ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга қисман таъсир кўрсатган
Хулоса	Мен ўйлайманки бу бирор нарсага чидаш даражасига ухшайди

Мактабларнинг 5-9 синф ўқувчиларига эътиборни қаратиш орқали ушбу саволга жавоб олинди. Мактаб тизими ўқувчиларни маданиятлараро бағрикенглик тушунчасидан хабардор бўлишга таъсир кўрсатишда етарли даражада ҳаракат қилинмаётганлиги аниқланди. Бағрикенглик мавзулари турли мактаб ўқувчилари ўқув режасида мавжуд бўлишига қарамай уларга ушбу атаманинг ўзи ўрганиш давомида қўлланилмаган. Ўқувчилардан маданиятлараро бағрикенглик сўзи ҳақида савол берилганда улар ушбу сўзга таъриф бера олишмади.

4-савол: Ўқитувчиларнинг ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга бўлган фикрлари ва муносабатларига мактаб муҳити таъсир кўрсатадими?

3.1.4-жадвал

Мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларининг 4-саволга умумий ўртача жавоблари

Маълумот қандай қилиб тўпланган?	Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари билан норасмий суҳбат
Нималар аниқланди?	Бундай ҳаракатлар қисман кузатилди – 60%
Бу нимани англатади?	Барча ўқитувчиларни маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини англашади, лекин ўқувчилар билан бу мавзуга камроқ тўхталиб ўтишган
Хулоса	Ўқитувчиларнинг маданиятлараро бағрикенгликка бўлган муносабатларига мактаб муҳити етарли даражада таъсир қилмайди

Ушбу саволга ўқувчилар билан норасмий суҳбат ўтказиш натижасида жавоб олинди. Тадқиқот таҳлилидан маълум бўлдики, мактаб муҳити ўқитувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўқувчиларда ҳосил қилишга бўлган фикрини ва муносабатларига қисман таъсир кўрсатган.

5-савол: Мактаб ўқув дастурлари 5-9 синф ўқувчиларининг ижтимоий адолат масалаларини ўз ичига олган ҳолда ўқитувчиларнинг ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга бўлган фикр ва муносабатларига таъсир кўрсатадими?

3.1.5-жадвал

Мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларининг 5-саволга умумий ўртача жавоблари

Маълумот қандай қилиб тўпланган?	Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари билан норасмий суҳбат
Нималар аниқланди?	Ўқувчилар кўпроқ қўллаб-қувватланади – 72%

Бу нимани англатади?	Ўқувчиларни маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир ўқув дастурида мавзулар мавжуд, аммо чет тили дарслари давомида ушбу тушунчага камроқ тўхталишади
Хулоса	Ўқитувчиларнинг маданиятлараро бағрикенгликка бўлган муносабатларига мактаб муҳити қисман таъсир қилади

Ушбу саволга жавобни ўқувчилар билан норасмий суҳбат ўтказиш орқали жавоб олинди. Тадқиқот таҳлили шуни кўрсатадики, мактаб ўқув дастурлари 5-9 синф ўқувчиларининг ижтимоий адолат масалаларини ўз ичига олган ҳолда ўқитувчиларнинг ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга бўлган фикр ва муносабатларига қисман таъсир кўрсатади. Мактабнинг 5-9 синф ўқув дастурларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга доир мавзулар мавжуд, аммо чет тили дарслари давомида ушбу тушунчага камроқ тўхталишади.

Тадқиқот натижасига кўра, мактаб тизими 5-9 синфларидаги чет тили дарсларида ўқитувчиларнинг бағрикенгликни ўргатиш нуқтаи назари ва муносабатига таъсир қилиши аниқланди. Мактабларда таълим бераётган ўқитувчилар кўпроқ бағрикенглик ҳақида мунозаралар ва тадбирларга йўналтирилган мавзуларга ва матнларга қисман мурожат қилишган. Мактаб ўқитувчилари асосий эътиборни ўқувчиларни билимини баҳолашга қаратишган. Қолган учта шароитда ўқитувчилар давлат баҳолари улар учун асосий эътиборга айланганлигини тушунтиришди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, мактабларда ўқитувчилар чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик шакллантиришга камроқ мурожат қилиши аниқланди. Чет тили дарсларида бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенглик атамалари камроқ қўлланилган. Мактабларнинг баъзи ўқитувчилари бу атамаларни нотўғри талқин қилишган. Чет тили дарсларида бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш эътибор марказида эмаслиги кузатилди. Мактабларда ўқитувчилар маданиятлараро бағрикенглик нима эканлигини яхши англашига қарамай, уларга чет тили

дарсларида камроқ муружат қилинган. Ўқувчиларнинг ўзлари ушбу атамани нотўғри таърифлашди. Мактаб тизими томонидан чет тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга камроқ эътибор қаратилган. Дарсларда реал воқеларга асосланган матнлардан фойдаланиш етарли даражада эмас. Мактаб ўқитувчилари кўпроқ ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга йўналтирадиган мунозаралар ва тадбирлар, ўзаро хурмат, ишонч, ҳамдардлик, дўстлик, раҳмдилликни акс эттирувчи мавзулар ва матнларга қисман муружаат қилишган. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш мақсадида ўқув дастурига бағрикенгликни, ҳамдардликни ўқувчиларда ҳосил қилиш учун бағрикенгликни ўргатиш масаласини ўзининг ўқув дастурига етарлича киритишмаган. Ўқитувчиларининг барчаси ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси муҳимлигини англаб етишган бўлишига қарамай, маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга камроқ эътибор қаратилган. Чет тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга етарлича имконият берилмаган. Зеро, чет тили дарслари ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантиришда самарали таъсир кўрсатади. Ўқувчилар чет тили дарсларида тил ўрганиш билан бирга бошқа халқ маданиятини ўрганишлари уларга тил кўникмаларини яхшироқ эгаллашга ёрдам беради. Шу билан бирга улар ўз тенгдошларига, синфдошларига қандай муносабатда бўлишни ўрганишади ва ўзларида бағрикенгликни шакллантириш учун қандай кўникмалари етишмаётганлигини кўришлари мумкин.

Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга тўғри йўлда таълим бериши нафақат ўзлари олдидаги балки, давлат олдидаги мажбуриятидир. Шундай экан ўқитувчилар таълим бериш жараёнида уни маданиятлараро бағрикенглик элементлари билан бойитиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан сўровнома ўтказилганда (4-илова) саволларга умумий ўрта таълим мактабининг 5-9

синф ўқувчилари ҳаммаси турлича жавоб беришди. Аксарият ўқувчилар чет тили дарсларида ўзаро яхши муносабатда эканлигини кузатилди. Аммо бағрикенглик сўзини қисман тўғри талқин қилиб беришди. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ушбу атамани қандай маъно билдиришини тўлиқ англаб етмасда, улар уни кўп маъноли сўз деб таъкидлашди. Ўқувчилар чет тили дарси давомида шу атамани кам учратган бўлишига қарамай, улар шу маънони англаувчи бошқа мавзуларни ўтишган. Чет тили дарсларида бағрикенглик, раҳмдиллик, ҳамдардлик сўзлари қисман муҳокама қилинган. Шунингдек, бошқа халқ маданияти ҳақида китобларни ўқимаган бўлсада, улар ҳақида ҳикояларни эшитишгани маълум қилишди.

3.2-§. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари самарадорлигининг статистик таҳлили

Тажриба-синов ишлари учта кетма-кет босқичлардан ташкил топди.

Таъкидловчи босқич (2018-2019 йй.) доирасида Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари чет тили дарсида 5-9 синф ўқувчиларининг маданиятлараро бағрикенгликни шаклланганлигининг дастлабки даражаси аниқланди, тажриба-синов ишининг дастури тузилди.

Шакллантирувчи босқич (2019-2020 йй.) – умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9 синф ўқувчиларининг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришни ривожлантириш босқичи.

Яқунловчи босқичи (2020-2021 йй.) – мактабнинг 5-9 синф ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлиги таҳлил қилинди.

Таъкидловчи босқичда умумий ўрта таълим мактабининг 5-9 синф ўқувчиларини чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликни шаклландиришни таҳлил қилинди. Таълим стандартига мувофиқ белгиланган мактаблар чет тили фанидан ўқувчилар таълим оладилар. Бундай тайёргарликнинг асосий мақсади: ўқувчиларда бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенглик тушунчалари тўғрисида яхлит тасаввурни ҳосил қилиш, унинг аҳамиятли томонларини таништириш, ўқувчилар ўртасидаги турли масалаларни ечишда унинг фойдали томонларини ўргатиш ҳисобланади.

Мактабнинг 5-9 синф чет тили дарсларида ўқув йили давомида қуйидаги мавзуларни ўрганилади:

5-синфда: All about me, At home and at work, What do you look like? My school life, I like English. Do you? In the classroom, My day, Things I like, Furry friends, Wildlife Seasons, The weather, Spring holidays.

6-синфда: Work and family, Houses and homes, At the grocery, At the market, Birthday, Life in the past, Cooking, At the table, Round the world in 14 days, Geography and population, Nature and climate, The world of fairy tales, Learning Review.

7-синфда: Where we live? I don't feel well Sport Olympic Games, What we wear? Shopping, Leisure, Geography, Travelling, Holidays.


8-синфда: Public holidays and traditions, Mass Media, Radio and TV, Literature and Life, Cinema, Music and Ballet, Famous for, Painting and sculpture, Environment, All the world is a stage.

9-синфда: Communication, A day in the life of, Education in Uzbekistan and USA, A day in the life of a pupil, School rules in Uzbekistan, in the UK and the USA, Political parties in Uzbekistan and UK, Industry and Service, Globalization and Uzbekistan.

3.6-жадвал

**Умумий ўрта таълим мактаби инглиз тили дарсликларидаги
маданиятлараро бағрикенгликни шакллантирадиган мавзулар сони**

Синфлар	Мавзулар сони	Маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган мавзулар
5-синф	78	52
6-синф	78	52
7-синф	70	60
8-синф	60	50
9-синф	56	46



1-расм. Умумий ўрта таълим мактаби дарсликларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган мавзулар сони

Тажриба-синов ишлари натижасига кўра, ўқитувчи томонидан ўқув дастуридаги мавзуларига қуйидагича ўзгартириш киритиш мумкин (**7-8 иловалар**).


3.7-жадвал

Ўқитувчиларнинг ўқув дастурига ўзгартириш ҳолати

Синфлар	Маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини ақллантиришга йўналтирилган мавзулар	Ўқитувчи томонидан маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган мавзуларга киритилган ўзгартиришлар
5-синф	52	62
6-синф	52	62
7-синф	60	65
8-синф	50	56

9-синф	46	52
--------	----	----

Бу ҳолат қуйидаги диаграмма шаклда тақдим этилди.



2-расм. Ўқитувчи ўқув дастурига ўзгартириш киритиш ҳолати

Шу тариқа, мазкур синфларда ўқувчилар дарс жараёнида тил кўникмалари билан бирга маданиятлараро муносабатлар, бағрикенглик каби кўникмаларни ҳам шакллантириб бориши мумкин. Таъкидловчи босқичда тажриба-синов ўтказилиб, унинг мақсади умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг маданиятлараро бағрикенглик компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқлашдан иборат.

Юқорида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг маданиятлараро бағрикенглик компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқлаш чет тили дарсларида таълим ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг янги технологияларидан самарали фойдаланишга аксиологик муносабат мажмуини ифодаловчи педагогнинг касбий-шахсий сифати тариқасида қаралиши таъкидланган эди.

Тажриба-синов ишимиз давомида диагностика методлари сифатида қуйидагилар хизмат қилди: анкета сўрови, суҳбатлар. Тажриба-синов ишларида Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар 26-сонли, Жиззах вилояти, Ш. Рашидов тумани 22-сонли ва Самарқанд вилояти, Жомбой тумани 28-сонли

умумий ўрта мактабларида жами 762 нафар ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирок этдилар.

Чет тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлик даражасини аниқлаш учун сўровнома саволлари ишлаб чиқилди. Олинган натижалар ўқувчиларнинг чет тили ўқув жараёнида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришда ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги билимларининг паст даражасини кўрсатди. Ўқувчилар маданиятлараро бағрикенглик, бағрикенглик тушунчалари тўғрисида тарқоқ тасаввурга эгалар. Мос кўникмалар ўз-ўзини баҳолаш методи билан анкета сўрови ёрдамида баҳоланди. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлиги аниқлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактаби чет тили ўқитувчилари учун 10 та саволдан иборат сўровнома ишлаб чиқилди (1-илова). Ушбу сўровнома ўқитувчиларнинг бағрикенглик, маданиятлараро бағрикенглик тушунчаларини қай даражада тушунишлари, уларнинг унга нисбатан муносабати, дарсларда фойдаланиш шакллари баҳолашлари учун анкета таклиф этилди. Анкеталарни ишлаш натижалари маданиятлараро бағрикенглик компетенциясига чет тили ўқитувчилар томонидан етарли даражада аҳамият берилмаслигини кўрсатди.

Мактаб тизими ва муҳитида бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенглик масалалари тўғрисида маълумот тўплаш учун 5-9 синфнинг чет тили дарслари кузатилди ва ушбу синфларнинг ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказилди.

Сўровноманинг “Бағрикенглик сўзи сиз учун нимани англатади?” саволига чет тили ўқитувчиларнинг аксарияти уни кўп маъноли деб ифодалашган. Шунингдек, уни саҳийлик, очиқ кўнгиллик, кенг феъллик, дўстоналик сўзлари билан боғлашган. Улардан 10% бу сўзга таъриф бера олмагани аниқланди. Ўқитувчиларининг барчаси ушбу сўзни олдин эшитишганини таъкидлашган, аммо кўпчилик бў сўзни чет тили дарсларидан

ташқаридаги ҳолатларда ишлатишган. 15% ўқитувчи эса, умуман ишлатмаганини айтиб ўтган. Тадқиқот таҳлилига кўра, ўқитувчиларнинг ўзлари бир-бирларини етарлича бағрикенг эмас деб ҳисоблашлари маълум бўлди. “Маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантириш қайси фан ўқитиш кесимида самаралироқ натижа беради деб ҳисоблайсиз?” деган саволга эса, ўқитувчиларининг аксарияти чет тили дарсларида, баъзилари эса, ижтимоий фанлар кесимида маданиятлараро бағрикенгликни шакллантириш самаралироқ натижа беради, деб ҳисоблашлари аниқланди. “Сиз бағрикенглик тушунчасини инглиз тили ўқув дастурингизга киритганмисиз?” деган саволга ўқитувчиларининг ҳаммаси маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини ўзларининг ўқув дастурларига киритишган бўлиб, 15% ўқитувчилар бундан мустасно. Улар дастурда бўлмасда, дарс бошлашдан олдинроқ ушбу тушунчага тўхталиб ўтишларини таъкидлашган. Инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенгликка доир мавзулар муҳокама қилинганида ўқувчиларни бунга бўлган муносабати ижобий эканлиги аниқланди.

Жавобларнинг таҳлили давомида олинган маълумотларга мурожаат этамиз. Назорат кесими ўқитувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга етарли даражада аҳамият берилмаслигини кўрсатди. Аксарият ўқитувчилар (80%) чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришга доир усуллардан фойдаланиш нафақат чет тили дарсларида, балки бошқа фанларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги, бу дарсларни янада қизиқарли, ишончли қилишини кўрсатадилар.

Мамлакатимизнинг 3 та ҳудудида жойлашган мактабларда ўтказилган тадқиқотларда маълумот тўплаш учун 5-9 синфнинг чет тили дарслари кузатилди ва ушбу синфларнинг ўқувчилари билан суҳбатлар ўтказилди.

“Мактабнинг 5-9 синфлари чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчаларига мурожат этиладими?” саволига жавобан,

Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги жавобларни турли хил эканлиги аниқланди. Саволга ўқувчилар ва ўқитувчилар билан норасмий суҳбатлар фойдаланиш орқали жавоб олинди. Мактаб ўқитувчиларининг ҳаммаси чет тили ўқув дастурида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасига қисман тўхталишини ва айримлари ушбу сўзнинг асл маъносини ўқувчиларга тушунтирмаганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ўқитувчилардан бири адолатсизлик масалаларига тўхталиб ўтишлигини, лекин айнан бағрикенглик масалаларига мурожаат қилмаганини маълум қилди. Бошқа томондан эса, ўқувчиларнинг кўпчилиги аксарият ҳолларда, бағрикенглик тушунчасига дарс жараёнида тўхталиб ўтишмаганлигини айтишди. Маданиятлараро бағрикенгликни ўргатиш ўқув режанинг бир қисмида бўлмасада, чет тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришга ёрдам берадиган мавзуларни ўқув жараёнида тўхталиб ўтилган, аммо ўқувчилар буларни айнан маданиятлараро бағрикенгликка йўналтирилганини тўлиқ англамаганлар. “Мактабнинг 5-9 синф ўқувчилари маданиятлараро бағрикенглик тушунчасидан қай даражада хабардор?” деган саволга жавобни гуруҳларни кузатиш ва тўпланган маълумотларга эътибор қаратиш орқали олинди. Тадқиқот натижасига кўра, бағрикенглик тушунчасига ижтимоий фанларда тўхталиб ўтилган бўлиб, айнан чет тили дарсларида қисман мурожаат қилинган. Мактаб ўқувчилари бағрикенглик сўзини ўз ота-оналари билан боғлаб, болалар ўзларида мавжуд баъзи хатти-ҳаракатлар ёки муносабатлар асосида атрофдагиларга нисбатан бағрикенг бўлиш билан боғлашди. Баъзи ўқувчилар эса, бу атамани умуман бошқача талқин қилишди. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик атамасига қисман мурожаат қилинган.

Тадқиқотлар натижасига кўра, мактабларнинг чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик атамасига тўғридан-тўғри мурожаат этилмаган. Мактабларда ўқитувчилар ва ўқувчилардан сўровнома ўтказиш натижасида тўпланган маълумотларга кўра, баъзи ҳолларда,

Ўқитувчиларнинг бағрикенглик тушунчасига оид манбалари мавжуд, аммо бағрикенглик атамаси билан ифодаланмайди. Яъни ўқитувчилар бағрикенглик атамасини ишлатмасдан уни бошқа номларда талқин қилишади. Бошқа томондан эса, баъзи ўқитувчилар томонидан бағрикенглик масалалари чет тили дарсларида асосий эътибор марказида эмаслиги аниқланди.

“Мақтаб тизими ўқувчиларда бағрикенгликни шакллантиришга таъсир кўрсатадими?” саволига жавобни мактабларнинг 5-9 синф ўқувчиларига эътиборни қаратиш орқали олинди. Мақтаб тизими ўқувчиларни маданиятлараро бағрикенглик тушунчасидан хабардор бўлишга таъсир кўрсатишда етарли даражада ҳаракат қилинмаётганлиги аниқланди. Бағрикенглик мавзулари турли мактаб ўқувчилари ўқув режасида мавжуд бўлишига қарамай уларга ушбу атаманинг ўзи ўрганиш давомида қулланилмаган. Ўқувчилардан маданиятлараро бағрикенглик сўзи ҳақида савол берилганда улар ушбу сўзга таъриф бера олишмади. “Ўқитувчиларнинг маданиятлараро бағрикенгликка бўлган фикрлари ва муносабатларига мактаб муҳити таъсир кўрсатадими?” саволига жавобни ўқувчилар билан норасмий суҳбат ўтказиш натижасида жавоб олинди.

Тадқиқот таҳлили шуни кўрсатадики, мактаб муҳитида ўқитувчиларнинг бағрикенгликка бўлган фикрини ва муносабатларига оз миқдорда таъсир кўрсатган. “Мақтаб ўқув дастурлари 5-9 синф ўқувчиларининг ижтимоий адолат масалаларини ўз ичига олган ҳолда ўқитувчиларнинг бағрикенгликка бўлган фикр ва муносабатларига таъсир кўрсатадими?” деган саволига эса қуйидаги жавоб олинди: мактабнинг 5-9 синфларидаги чет тили дарсларида мактаб тизими ўқитувчиларнинг бағрикенгликни ўргатиш нуқтаи назарига ва муносабатига таъсир қилади.

Амалга оширилган тадқиқотимиз давомида тажриба ва назорат гуруҳларида ташкил этилган экспериментал ишлар натижасида умумий ўрта таълим мактаблари чет тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик

тушунчасига етарлича тўхталиб ўтилмаслиги аниқланди. Бунга биз махсус тайёрланган ва оқилона ташкил этилган экспериментал ишлар ҳамда олинган натижаларнинг аниқ таҳлил ва талқин этилганлиги натижасида эришдик. Умумий ўрта таълим мактабининг 5-9 синфларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлик даражасини ўрганиш мақсадида анкета-саволнома ишлаб чиқилди (4-илова).

Тадқиқот юзасидан олинган сўровнома Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 26-сонли, Жиззах вилояти, Шараф Рашидов туманидаги 22-сонли ва Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги 28-сонли умумий ўрта мактабларидан жами 762 нафар ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Мазкур таълим муассасаларида ўқувчилар тақсимоти жадвалда келтирилди (3.8-жадвал).

3.8-жадвал

Таълим муассасаларида ўқувчилар тақсимоти

№	Умумий ўрта таълим муассасаси	Жами талабалар сони	Тажриба гурухи	Назорат гурухи
1	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар 26-сонли ўрта мактаби	248	124	124
2	Жиззах вилояти, Шараф Рашидов тумани 22-сонли ўрта мактаби	255	128	127
3	Самарқанд вилояти, Жомбой тумани 28 сонли ўрта мактаби	259	130	129
	Жами:	762	382	380

Ушбу ўқувчиларлар билан қуйида келтириб ўтилган 8 та махсус саволларга респондентларнинг дастлабки жавобларини олишга муваффақ бўлдик. Экспериментлар якунида олинган натижалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

3.9-жадвал

**Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясининг
шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида берилган
саволларга ўқувчиларнинг жавоблари**

Умумий ўрта таълим муассасаси	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Даражалар	Анкета саволларига берилган жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тажриба гуруҳи	124	юқори	15	11	11	14	16	13	11	15
			ўрта	36	32	34	30	31	30	38	32
			паст	69	81	79	80	77	81	75	77
	Назорат гуруҳи	124	юқори	15	12	13	16	14	11	13	10
			ўрта	42	34	39	40	37	34	32	55
			паст	62	78	72	68	73	79	79	59
Жиззах вилояти, Шараф Рашидов тумани 22- сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тажриба гуруҳи	128	юқори	13	14	13	14	18	16	15	17
			ўрта	38	36	46	42	37	52	35	40
			паст	79	78	69	72	73	69	78	71
	Назорат гуруҳи	127	юқори	14	12	12	10	9	9	13	10
			ўрта	44	43	35	39	35	32	32	30
			паст	69	72	80	78	81	86	82	87
Самарканд вилояти, Жомбой тумани 28- сонли умумий ўрта таълим мактаби	Тажриба гуруҳи	130	юқори	10	13	12	13	10	10	11	13
			ўрта	36	40	47	37	42	39	40	41
			паст	86	71	79	80	78	81	79	76
	Назорат гуруҳи	129	юқори	15	14	13	10	11	16	10	15
			ўрта	36	43	33	41	30	39	33	42
			паст	78	72	83	78	88	74	86	72

Жами	Тажриба гуруҳи	382	юқори	38	38	36	41	35	39	34	45
			ўрта	110	110	100	109	114	105	113	111
			паст	234	234	246	232	216	247	235	226
	Назорат гуруҳи	380	юқори	42	38	38	34	34	36	36	35
			ўрта	116	120	107	116	102	105	97	104
			паст	218	230	235	230	242	239	247	218

8 та саволларнинг умумлашган ўртача қийматлари жадвалда келтирилди (3.10-жадвал).

3.10-жадвал

Барча саволларга умумий ўртача жавоблар

№	Умумий ўрта таълим муассасаси	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		юқори	Ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	110	234	38	109	233
2	Жиззах вилояти, Шараф Рашидов тумани 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	109	234	39	110	233
3	Самарқанд вилояти, Жомбой тумани 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби	37	111	233	37	108	232
	Жами:	38	110	234	38	109	233

Ушбу натижалардан сўнг илгари сурилган ғоялар ва махсус методик таъминотлар орқали ўқитиш ишлари олиб борилди ва шундан сўнг ўқувчиларнинг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси ҳақидаги тушунчалари анкета саволларига берган жавоблари орқали уларнинг ривожланганлик натижалари аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг натижаларини таққослаш учун ҳар икки гуруҳ ўқувчиларининг берган жавобларини жадвал орқали белгиладик (3.11-жадвал).

3.11-жадвал

Тажрибадан сўнг инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини тушунчасини ўзлаштириш даражалари бўйича олинган натижалар

Умумий ўрта таълим муассасаси	гуруҳлар	ўқувчилар сони	даражалар	Анкета саволларига берилган жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар 26-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	124	юқори	37	39	36	37	40	36	40	39
			ўрта	62	64	60	63	64	61	63	61
			паст	25	21	28	24	20	27	21	24
	Назорат гуруҳи	124	юқори	15	19	15	16	18	17	17	19
			ўрта	39	34	39	40	37	51	51	51
			паст	70	71	70	68	73	56	56	54
Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани 22-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	128	юқори	38	39	36	36	38	35	39	35
			ўрта	69	68	72	72	68	71	71	69
			паст	21	21	20	20	22	22	18	24
	Назорат гуруҳи	127	юқори	14	14	16	15	15	15	15	17
			ўрта	44	43	35	39	35	38	38	39
			паст	69	70	76	73	75	72	72	71
Самарқанд вилояти Жомбой тумани 28-сонли ўрта мактаб	Тажриба гуруҳи	130	юқори	33	34	37	33	37	35	32	33
			ўрта	68	70	69	67	69	70	66	67
			паст	29	26	24	30	24	25	32	20
	Назорат гуруҳи	129	юқори	15	14	16	18	19	16	16	15

			ўрта	36	43	35	41	36	39	33	42
			паст	78	72	78	70	74	74	80	72
Жами	Тажриба гуруҳи	382	юқори	108	112	109	106	115	106	111	107
			ўрта	199	202	201	202	201	202	200	197
			паст	75	68	72	74	66	74	71	78
	Назорат гуруҳи	380	юқори	49	48	48	47	48	50	46	47
			ўрта	116	120	117	116	120	128	120	124
			паст	215	212	215	216	212	202	214	209

Ушбу жадвал маълумотларида барча саволларга жавоблар умумлаштирилган ҳолда акс эттирилди (3.12-жадвал).

3.12-жадвал

Ўзлаштириш даражалари бўйича олинган натижаларнинг умумлаштирилган ҳолатда берилиши

№	Умумий ўрта таълим муассасаси	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		юқори	Ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Тошкент вилояти 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	62	24	17	43	64
2	Жиззах вилояти 22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	37	70	25	15	39	73
3	Самарқанд вилояти 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби	35	68	23	16	38	75
	Жами	110	200	72	48	120	216

Тажриба якунидаги тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги натижаларни бир-бирига таққослаш мақсадида, юқори ва паст даражадаги натижалар фарқлари таҳлилини келтириб ўтилди.

3.13-жадвал

Юқори даража натижалари ва уларнинг фарқи

№	Гуруҳлар	Ўқувчи-лар сони	Даражалар	Анкета саволларига берилган жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
1	Тажриба гуруҳи	382	Юқори	108	112	109	106	115	106	111	107
2	Назорат гуруҳи	380	Юқори	44	48	47	49	52	48	48	51
			Фарқи	64	64	62	57	63	58	63	56

3.14-жадвал

Паст даража натижалари ва уларнинг фарқи

№	Гуруҳлар	Ўқувчи-лар сони	Даража лар	Анкета саволларига берилган жавоблар							
				1	2	3	4	5	6	7	8
1	Тажриба гуруҳи	382	паст	75	68	72	74	66	74	71	68
2	Назорат гуруҳи	380	паст	217	213	224	216	222	202	208	197
			фарқи	142	145	152	142	156	128	137	129

Бу икки жадвални таққослаш натижалари инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш бўйича тажриба гуруҳи билан назорат гуруҳи ўртасидаги юқори даражалар фарқи 66 тадан 75 та ўқувчигача фарқ қилган бўлса, қўйи даражадаги кўрсаткичлар эса 86 тадан 113 та ўқувчига фарқ қилганлигини кузатиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам тажриба гуруҳи ўқувчиларининг кўрсаткичлари нисбий бўлганлигини кўрсатди. Бу эса, натижалар математик-статистик таҳлил этилганда янада яққол намоён бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда, инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришни аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат

гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларни Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилдик. Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш, илгари сурилган гипотезани самарали эканлигини аниқлаш, инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш юзасидан олган билим даражаси ва шу асосида ўсиш коэффициентларини билиш мақсадида математик статистика усулларидадан фойдаланилди.

Математик статистика усулларидадан фойдаланиш учун биз кўйидаги белгиланишларни киритамиз. Масаланинг қисқача моҳияти кўйидагилардан иборат: бири тажриба якунидаги тажриба гуруҳи ўқувчилари билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса, назорат гуруҳи ўқувчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Тажриба гуруҳлари ва уларнинг элементларидан иборат бўлган тўпламни 1-танланма, назорат гуруҳлари ва уларнинг элементларидан иборат бўлган тўпламни 2-танланма деб олинди. Белгилаб олинган бу танланмаларнинг умумий элементлари сифатида m_i – баҳолаш турлари мавжуд, тадқиқотимизда 3 турдаги баҳолаш турлари бўлиб, $i=1,2,3$ қийматларни қабул қилади. Булар m_i ларнинг қийматлари мос равишда 5,4,3 га тенг x_{i-1} танланманинг баҳолаш турларига мос олган баҳоларининг умумий ўқувчилар сонига нисбатан тақрорланишлар сонини y_{i-2} танланманинг баҳолаш турларига мос олган баҳоларининг умумий ўқувчилар сонига нисбатан тақрорланишлар сонини n_1, n_2 – мос равишда биринчи ва иккинчи танланмаларнинг умумий (тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчилар сони) сонини ифодалайди. Тажриба-синов ишларида илгари сурилган ғояни гипотеза сифатида талқин қилиб, улар H_0 ва H_1 деб белгиланди. Шундан сўнг гипотеза илгари сурилди:

H_0 : Тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бир-биридан фарқ қилмайди, уларнинг билим даражаси бир хил ва самарасиз;

H_1 : Тажриба ва назорат гуруҳларда олиб борилган инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишининг самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бир-биридан фарқ қилади, уларнинг билим даражаси ҳар хил ва самарали;

тажриба-синов ишларидаги илгари сурилган ғояларнинг, шунингдек, юқорида қўйилган гипотезанинг ўринли эканлигини текшириш мақсадида Пирсоннинг мувофиқлик χ^2 (хи квадрат) критериясидан фойдаланилди. Бу критерияни ва статистик хулосаларни чиқариш мақсадида статистик формулалардан фойдаланилди.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати сифатида тажриба гуруҳларида: $\bar{X} = \frac{\sum x_i m_i}{n_1}$, бу ерда n_1 – тажриба гуруҳида катнашган ўқувчиларнинг умумий сонини ифодалайди, назорат гуруҳларида эса $\bar{Y} = \frac{\sum y_i m_i}{n_2}$ формулалари билан ҳисобланиб, бу ерда n_2 – назорат гуруҳи ўқувчилар сони. Юқоридаги ғоя гипотезаси статистик гипотезага айлантирилди, яъни H_0 гипотеза сифатида ўқувчиларнинг олинган натижалари баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимоллар тенг деб, альтернатив H_1 гипотеза сифатида баҳолаш турлари бўйича кутилаётган эҳтимолларнинг фарқи мавжуд деб олинди. Ушбу статистик гипотезани текшириш

$$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{n_1 n_2} \sum_{i=1}^c \frac{(n_{1i} y_{2i} - n_{2i} x_{1i})^2}{x_{1i} + y_{2i}} \quad (\text{Пирсон}) \quad \text{формуласи орқали}$$

амалга оширилди. Бу ерда: χ^2 – статистик (кузатув) қиймат, x_{1i} ва y_{2i} лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш турларига нисбатан олинган баҳоларнинг такрорланишлар сонини билдиради. Гипотезаларни

текшириш мақсадида $\chi^2_{\text{кузатув}}$ қиймати $\chi^2_{\text{критик}}$ қиймат билан таққосланади. Агар, $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлса, H_0 (тажриба ва назорат гуруҳларда олиб борилган мақом асарларини ўрганиш асосида ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бир-биридан фарқ қилмайди, уларнинг билим даражаси бир хил ва самарасиз) гипотеза рад этилиб, H_1 (тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган мақом асарлари асосида ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бир-биридан фарқ қилади, уларнинг билим даражаси ҳар хил ва самарали) гипотеза қабул қилинади. Бу ерда: $\chi^2_{\text{критик}}$ – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Хи квадрат критериясининг озодлик даражаси эса, $K=C-1$ формуласи орқали топилади. C – баҳолаш турлари, χ^2 мезонини тажриба-синов ишлари танлаган баҳолашдаги мезонлар бўйича 3 та баҳолаш турлари асосида олиб борилгани учун, C нинг қиймати мос равишда 3 га тенг. Унда $p=0,05$ ишонч эҳтимоли асосида деб олинса, K нинг қиймати 2 га тенг. χ^2 нинг Γ -жадвали асосида олинган қиймат $\chi^2_{\text{критик}}=5,99$ га тенг. Шунинг учун ҳисобланаётган кузатув қиймати 5,99 дан катталиги текширилади. Тажриба-синов ишларида олинган натижаларни баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун тажриба гуруҳларининг ўртача ўзлаштириш қийматини назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш қийматига нисбати $\eta = \frac{\bar{x}}{\bar{y}}$ формуласидан фойдаланиб ҳисобланади. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришнинг қийматини ҳисоблашдаги йўл қўйилган хатоликларнинг танланма дисперцияси $s_x = \sum_{i=1}^{n=x} \frac{n_i(x_i - x)^2}{m - 1}$, $s_y = \sum_{i=1}^{n=y} \frac{n_i(y_i - y)^2}{n - 1}$ формуласидан, дисперцияни ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар тажриба гуруҳлари учун $S = \sqrt{s_x}$, назорат гуруҳлари учун эса, $S = \sqrt{s_y}$ формулаларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, ўртача қийматлар учун ишонч четланишлари ҳисоблашда

тажриба гуруҳларида $\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$ назорат гуруҳларида эса $\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$ дан ва ишонч оралиқларини топиш учун эса тажриба гуруҳларида

$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$, назорат гуруҳида $\bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$ формулаларидан фойдаланилди. Бу ерда $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражасига кўра $t_{кр}=1,96$ га тенг.

Тажриба ва назорат гуруҳлари ишонч оралиғи чегара қийматлари бир-бири билан устма-уст ёки кесишиши натижаларининг ишончилигини йўқотади. Шунинг учун ҳар бир синовдаги ишонч оралиғи бир-бири билан кесишмаслигини тахмин қилиш лозим.

Ўтказилган тажриба синов ишининг ўқитишдаги сифат даражасини, яъни тадқиқот ғояси орқали ўқитилган натижаларнинг самарасини аниқлашда $K_{усб} = \frac{(\bar{X}-\Delta_T)}{(\bar{Y}+\Delta_H)}$ ҳамда ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш кўрсаткичи сифатида $K_{бдб} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n)$ формулаларидан фойдаланилди. Бу формулаларда $K_{усб}>1$ шарт бажарилишини, $K_{бдб}>0$ шарт бажарилиши талаб қилинади. Ушбу статистик формулалар асосида юқоридаги келтирилган жадваллар дастлабки ва якуний натижаларнинг статистик таҳлилин келтирамыз.

Юқоридаги жадваллар асосида тажриба ва назорат гуруҳида олинган натижалар бўйича инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлик кўрсаткичларини умумлаштирган ҳолда жадвалда акс этирилди.

**Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро
бағрикенглик компетенциясини шаклланишини
самарадорлик даражаси кўрсаткичлари**

Тажриба-синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
			юқори	ўрта	паст
тажрибадан олдин	тажриба	382	38	110	234
	назорат	380	38	109	233
тажрибадан сўнг	тажриба	382	68	200	114
	назорат	380	48	120	216

Дастлабки ўтказилган тажриба синов натижаларига кўра, тажрибадан олдинги билим даражалари қай тарзда эканлигини билиш мақсадида ўтказилган синов натижаларидан иборат статистик жадвални тузамиз (3.16-жадвал).

**Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик
компетенциясини шаклланишини
самарадорлик даражаси кўрсаткичлари статистикаси**

Гуруҳлар	Юқори	Ўрта	Паст	
1-танланма (тажриба гуруҳи)	$x_{11}=38$	$x_{12}=110$	$x_{13}=234$	$n_1=382$
2-танланма (назорат гуруҳи)	$x_{21}=38$	$x_{22}=109$	$x_{23}=233$	$n_2=380$
Σ	$x_{11}+x_{21}=76$	$x_{12}+x_{22}=219$	$x_{13}+x_{23}=467$	$n_1+n_2=762$

$$\chi^2_{\text{кузатув}} = \frac{1}{382 * 380} \left(\frac{(382 * 38 - 380 * 38)^2}{76} + \frac{(382 * 110 - 380 * 109)^2}{219} + \frac{(382 * 234 - 380 * 233)^2}{467} \right) = 0,02$$

Юқоридаги ҳисобга кўра, $\chi_{\text{кузатув}}^2=0,02 < \chi_{\text{критик}}^2=7,82$ бўлганлиги учун H_0 гипотезани рад этишга асос йўқлигини назарда тутиб, H_0 қабул қилинади.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача қиймат:

$$\bar{X} = \frac{1}{382} [38 \cdot 5 + 110 \cdot 4 + 233 \cdot 3] = 3,487$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{380} [38 \cdot 5 + 109 \cdot 4 + 233 \cdot 3] = 3,486$$

Самарадорлик коэффициенти:

$$\eta = \frac{3,49}{3,48} = 1,0$$

Бундан кўринадики, дастлабки босқичда олинган натижалар бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг билим даражаси бир-биридан фарқ қилмайди ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 1,00 га тенг.

Тажриба гуруҳи учун

$$S_x = \frac{(38 \cdot (5 - 3,487)^2 + 110 \cdot (4 - 3,487)^2 + 234 \cdot (3 - 3,487)^2)}{382 - 1} = 0,45$$

Нazorat гуруҳи учун:

$$S_y = \frac{(38 \cdot (5 - 3,486)^2 + 109 \cdot (4 - 3,486)^2 + 233 \cdot (3 - 3,486)^2)}{380 - 1} = 0,451$$

ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар тажриба гуруҳларида $S = \sqrt{S_x} = \sqrt{0,45} = 0,67$, назорат гуруҳларида $S = \sqrt{S_y} = \sqrt{0,451} = 0,67$ га тенг, ишонч четланишлари тажриба гуруҳларида $\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 3,09 \cdot \frac{0,67}{\sqrt{382}} = 0,10$ назорат гуруҳларида эса $\Delta_y = 3,09 \cdot \frac{0,67}{\sqrt{380}} = 0,10$ тенг, ишонч оралиғини бир-бирига устма-уст тушмаслигини текшириш мақсадида юқоридаги статистик формулалар асосида дастлабки босқичдаги тажриба гуруҳининг ишонч интервалини топсак $3,38 \leq a_x \leq 3,39$, назорат гуруҳининг ишонч интервали эса, $3,39 \leq a_x \leq 3,97$ га тенг. Бундан кўринадики, бу гуруҳларнинг ишонч оралиқ қийматлари бир-бири билан кесишади. Бу эса, H_0 гипотезани қабул қилинишига олиб келади. Демак, $\alpha=0,02$ қийматдорлик даражаси билан

айтиш мумкинки, тажриба ва назорат гуруҳларидаги олиб борилган тадқиқот натижалари бир-биридан фарқ қилмайди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X} = 3,48$; $\bar{Y} = 3,49$ $\Delta_n = 0,10$ $\Delta_m = 0,10$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари: $K_{yob} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{3,48 - 0,10}{3,49 + 0,10} = 0,10 < 1$;

$$K_{dob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (3,48 - 0,10) - (3,49 - 0,10) = -0,01$$

Олинган натижалардан олиб борилган тадқиқот ишларининг самараси (сифат кўрсаткичи) бирдан кичиклиги ($K_{yob} = 0,10$) ва ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожланганлик даражасининг баҳолаш кўрсаткичи мезони нолдан деярли фарқ йўқлигини ($K_{dob} = -0,01$) кўриш мумкин.

Дастлабки олинган натижаларга кўра, барча умумий ўрта таълим муассасаларидаги олиб борилган тадқиқот ишларининг самараси (сифат кўрсаткичи) бирдан кичиклиги (K_{yob}) ва инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини ривожланганлик даражасининг баҳолаш кўрсаткичи мезони нолдан кичик ёки деярли фарқ йўқлигини (K_{dob}) кўриш мумкин. Шунингдек, Пирсоннинг мувофиқлик критерияси натижасига кўра, Хи квадратнинг кузатув қиймати киритик қийматдан кичиклиги H_0 гипотезанинг қабул қилинишига олиб келинади, яъни дастлабки натижаларга кўра, тажриба ва назорат гуруҳларида олиб борилган маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланганлиги самарадорлик даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бир-биридан фарқ қилмайди, уларнинг билим даражаси бир хил ва самарасиз.

Тажриба якунидаги олинган натижаларга кўра, статистик жадвални тузамиз (3.17-жадвал).

3.17-жадвал

**Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик
компетенциясини шаклланишини самарадорлик даражаси
кўрсаткичлари статистикаси**

Гуруҳлар	юқори	ўрта	паст	
1-танланма (тажриба гуруҳи)	$x_{11}=110$	$x_{12}=200$	$x_{13}=72$	$n_1=382$
2-танланма (назорат гуруҳи)	$x_{21}=48$	$x_{22}=120$	$x_{23}=216$	$n_2=380$
Σ	$x_{11}+x_{21}=158$	$x_{12}+x_{22}=320$	$x_{13}+x_{23}=288$	$n_1+n_2=762$

Ҳар иккала гуруҳлардаги ўртача қийматларни ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{382} [110 \cdot 5 + 200 \cdot 4 + 72 \cdot 3] = 4,09$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{380} [48 \cdot 5 + 120 \cdot 4 + 216 \cdot 3] = 3,6$$

Самарадорлик коэффициенти:

$$\eta = \frac{4,09}{3,6} = 1,14$$

Статистик мезонга кўра, $\chi_{кузатув}^2$ нинг қийматини ҳисоблаймиз:

$$\chi_{кузатув}^2 = \frac{1}{382 \cdot 380} \left(\frac{(380 \cdot 110 - 382 \cdot 48)^2}{158} + \frac{(380 \cdot 200 - 382 \cdot 120)^2}{320} + \frac{(380 \cdot 72 - 382 \cdot 216)^2}{288} \right) = 116,34$$

Юқоридаги ҳисобга кўра, $\chi_{кузатув}^2=1,14 < \chi_{критик}^2=116,34$ бўлганлиги учун H_0 гипотеза рад этилиб, H_1 гипотеза қабул қилинади.

Энди ҳар иккала гуруҳлар учун танланма дисперсияни ҳисоблаймиз:

Тажриба гуруҳи учун


$$S_x = \frac{(110 \cdot (5 - 4,09)^2 + 200 \cdot (4 - 4,09)^2 + 72 \cdot (3 - 4,09)^2)}{382 - 1} = 0,47$$

Назорат гуруҳи учун эса:

$$S_y = \frac{(48 \cdot (5 - 3,6)^2 + 120 \cdot (4 - 3,6)^2 + 216 \cdot (3 - 3,6)^2)}{380 - 1} = 0,50$$

ҳисоблашдаги стандарт хатоликлар тажриба гуруҳларида $S = \sqrt{S_x} = \sqrt{0,47} = 0,68$, назорат гуруҳларида $S = \sqrt{S_y} = \sqrt{0,50} = 0,70$ га тенг, ишонч четланишлари тажриба гуруҳларида $\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 3,09 \cdot \frac{0,68}{\sqrt{382}} = 0,10$ назорат гуруҳларида эса $\Delta_y = 3,09 \cdot \frac{0,70}{\sqrt{380}} = 0,11$ тенг, ишонч оралик интервали тажриба гуруҳида $4,09 - 0,10 \leq a_x \leq 4,09 + 0,10, 3,99 \leq a_x \leq 4,19$ назорат гуруҳида $3,52 - 0,11 \leq a_y \leq 3,60 + 0,11$ бундан $3,49 \leq a_y \leq 3,71$ га тенг.

Ишонч оралиғини бир-бирига устма-уст тушмаслигини текшириш мақсадида геометрик чизмасини келтирамиз:



Демак, $\alpha=0,02$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажрибанинг якуний босқичидаги ўртача ўзлаштириш даражасидан юқорилиги мос келади. Ушбу натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бизга маълум $\bar{X}=4,09$; $\bar{Y}=3,6$ $\Delta_n=0,22$, $\Delta_m=0,20$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{yc\delta} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,09 - 0,20}{3,6 + 0,22} = 1,01 > 1;$$

$$K_{\delta\delta\delta} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,09 - 0,20) - (3,6 - 0,22) = 0,51 > 0;$$

Олинган натижалардан тажриба гуруҳи баҳолаш мезони бирга тенглиги ($K_{y\text{сб}}=1,01>1$) ва ижодий тафаккур ривожлангалик даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини ($K_{\text{бдб}}=0,51>0$) кўриш мумкин.

Бундан кўринадики, тажриба якунида олинган натижалар бўйича билим даражалари тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланиш даражаси бир-биридан фарқ қилиб, уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 1,14 га тенг. Бошқача айтганда, тажриба гуруҳидаги самарадорлик назорат гуруҳига нисбатан 14% га юқори экан.

Юқоридаги натижаларда шундай хулоса қилиш мумкинки, тажриба-синов ишларида олиб борилган тадқиқот ишлари, яратилган ишланмалар ва дарсларда тўғри ташкил этилган методика орқали олиб борилган ишлар самарали эканлиги математик статистик усуллар орқали исботланди. Ушбу статистик маълумотларга кўра, олиб борилган тадқиқот ишлари самарадорлиги ўртача 14% га юқори эканлиги маълум бўлди ва олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали эканлиги исботланди.

Бундан маълумки, тадқиқот доирасида амалга оширилган экспериментал ишлар якунида эришилган илмий-педагогик натижалар қўйилган илмий фаразнинг тўғрилигини яққол исботлади ва инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишини кузатилди. Бунда инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси шаклланиш босқичларини қанчалик ўзлаштирганлиги маълум бўлди.

Ўқитувчиларнинг инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишда фойдаланишлари учун барча имкониятлари бор; матнлари, ўқув-услугий қўлланмалар, дарсликлар, шунингдек, аудио ва видео материаллар, техника воситалари ва ҳ.к.лар билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, ушбу педагогик тадбирларни мунтазам, изчил тарзда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

III боб бўйича хулосалар

1. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш орқали унинг якуни бўйича тажриба гуруҳларда ижобий кўрсаткичларнинг бирмунча ўсганлиги кузатилди. Жумладан, ҳар икки ҳолат бўйича махсус машғулотларни ташкил этишдан олдин ўтказилган текширувдан кўра машғулотлар якунида ўтказилган текширув натижалари юқори бўлди.

2. Олиб борилган экспериментлар якунида мактаб ўқувчиларининг маданиятлараро бағрикенглик ҳақидаги тафаккури даражаси кўрсаткичлари ўсганлиги кузатилди. Бунда машғулотлар давомида олиб борилган тадбирларнинг қанчалик самарали бўлганлиги кўриниб турибди.

3. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенцияси борасидаги билим ва тасаввурлари кўламини текширганимизда, назорат гуруҳларида билимларнинг анча пастлиги намоён бўлди.

4. Чет тили дарсларида бағрикенглик ва маданиятлараро бағрикенглик тушунчаларига қай даражада тўхталиб ўтилиши ҳақида ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда бу тушунчага етарлича аҳамият берилмаслиги маълум бўлди.

5. Ўқувчилар жамоасидаги маданиятлараро бағрикенглик тушунчасидан хабардорлик даражасини юксалтириб, ўзаро ҳурмат, раҳмдиллик, бағрикенглик, дўстлик каби туйғуларни шакллантириш учун ўқув машғулотларида маданиятлараро бағрикенгликка оид мавзулардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

6. Ҳозирги глобллашув ва кучли интегротив шароитларда чет тилларини ўрганиш оммалашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Чет тили дарслари халқ маданий қадриятларини билан уйғун ҳолда олиб борилса дарс янада қизиқарли ташкил этилган бўлади. Мазкур ҳолатда чет тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш самарали ҳисобланади. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш муҳим педагогик вазифа бўлиб, унинг тадқиқотда илгари сурилган методикалар орқали амалга ошириш мумкин.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулосалар шакллантирилди:

1. Бағрикенглик ижтимоий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тушунча ҳисобланиб, унинг мазмуни жамиятда миллатлар, элатлар, халқлар, маданиятлар, қарашлар хилма-хиллиги шароитида ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини қабул қила олиш, дунё ранг-баранглигини тан олиш, халқларнинг бир-бирини англаб етиш жараёни, улар ўртасидаги ўзаро барқарорлик, тинчлик-тотувлик тафаккурини билдиради. Дунё такомилини бағрикенгликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инглиз тили дарсларида ушбу тушунчани шакллантириш янада самаралироқ бўлади. Шу сабабли инглиз тили дарсларида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида маданиятлараро бағрикенгликни ўргатиш устувор вазифа бўлиши керак.

2. Инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик тушунчасини шакллантириш тил ўқитиш жараёнида уйғун ҳолда олиб борилса янада самаралироқ бўлади. Чунки ўқувчини тил ўрганиш жараёнида дунё маданияти билан ҳам таништириб борилса, тил ўрганишга бўлган қизиқишлари ортади, шу билан бирга тил ўрганишда барча компетенцияларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда синф машғулоти интеграциясини таъминлаш лозим.

4. Умумий ўрта таълим мактаблари инглиз тили дарсларида маданиятлараро бағрикенглик муносабатларини шакллантиришга асосланган ҳамкорликдаги педагогик ҳаракатни ташкил этишда тамойилларга таяниш лозим: ишончга асосланиш, тенглик, муаммони кўра олиш, ўзга халқ

маданиятига ва кадриятларига нисбатан ҳурмат билан қараш, ўзаро ҳамкорликда ишлай олиш, тенгдошлари маданиятини борича қабул қилиш.

5. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантириш механизмлари ишлаб чиқилди. Унинг механизмлари деб қуйидагилар киритилди:

1) Махсус тадбирларни қамраб олган структуралар (саёҳат дарслари, маданият куни тадбирлари, беллашув лойиҳалари ва рағбатномалар).

2) Таълим жараёнида шахсий маданиятлараро бағрикенглик шаклланиши (“ўқитувчи”, “ўқувчи”, “ташкилотчи”).

3) Этник, маданий ва диний фарқларни қамраб олган олий даражадаги ўзаро алоқалар стратегиясини қуришда ҳолатларнинг муваффақиятли яратилиши (тенглик, муросасазликларсиз).

4) Ўқувчиларнинг маданиятлараро бағрикенглик туйғусини шакллантиришда тўлалигича фойдаланиш (ўқувчиларни тинглаш қобилияти, уларни фикрини ҳурмат қилиш, муомила қилишда дўстона муносабатга эга бўлиш, ўқитувчи ноҳақ бўлиб ўқувчи ҳақ бўлганида ўз хатосини тан олиш, ўқувчи ютуғини самимий қўллаш).

5) Гуруҳлараро мустаҳкам маданиятлараро бағрикенгликни шаклланиши (ўзаро алоқа ўрнатиш куникмасига эга бўлиш, универсал инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, индивидуаллик методларидан хабардор бўлиш, шахсий қизиқишларни, муносабатларни ҳурмат қилиш).

6. Ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шаклланишнинг самарали усулларида бири бу чет тилидаги мулоқотнинг реал ҳолатларида ёзиб олинган ёки она тилида сўзлашувчилар томонидан ўқилган аудио матнлардир ва видео материаллардан фойдаланиш ҳамда ўқувчиларни гуруҳ бўлиб ишлашга ўргатиш.

7. Кўпмаданиятли таълим тилининг модели ишлаб чиқилиб, у ўқувчиларнинг бағрикенгликни шакллантириш босқичлари, ўқитиш воситалари, қонуниятлари, шакллар ва уларни амалга ошириш методларини

белгилайди. Ҳаётий матнлар, чет тилидаги газета ва журналларни ўқиш, бошқа халқ маданиятини таништирувчи аудио матнларни тинглаш ва видеофильмларни томоша қилиш, ўқувчиларга уша тил халқи маданияти билан боғлиқ муаммоларига бошқача кўз билан қарашга имкон бериб, тили ўрганилаётган халқ маданияти вакиллариининг турмуш тарзи, менталитети, анъана ва урф-одатлари тўғрисида билим беради.

Тадқиқот натижалари асосида **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенглик компетенциясини шакллантиришда “Сирли гап”, “Ҳаммаси ўзим ҳақимда”, “Ташаккур билдириш”, “Қувноқ поездча”, “Ўйлаб топ”, “Саёҳат дарси”, “Савол тузиш”, “Иссиқ картошка”, “Ўзга халқ вакили билан суҳбат”, “Ҳикоя яратиш”, “Таъриф беринг” каби методлардан фойдаланилса янада самарали натижага эришилади.

